ISSN 2181-1822

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV MALAKA OSHIRISH INSTITUTI

# AXBOROTNOMASI

2
2026

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Малака ошириш институти

# АХБОРОТНОМАСИ

№ 2 (16) 2026

**Тошкент – 2026**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий ва сиёсий-ҳуқуқий журнал


***Бош муҳаррир*:**
**Олимжон АҲМЕДОВ**

***Жамоатчилик Кенгаши таркиби*:**
**Нуриддин НОРМАТОВ**
**Баҳодир МАТЛЮБОВ**
**Диёр САТТОРОВ**
**Умидбек НУРУЛЛАЕВ**

***Ҳайъат аъзолари*:**
**Олимжон АҲМЕДОВ**
**Улуғбек РАСУЛЕВ**
**Баҳодир УЛУҒБЕКОВ**
**Карим НОРМАТОВ**
**Жўрабой ТОШҚУЛОВ**
**Фарҳод ХАТАМОВ**
**Музаффар ТОЖИБОЕВ**
**Меҳмонали СУВАНҚУЛОВ**
**Эркинжон МАРУПОВ**

***Таҳририят:***
***Масъул муҳаррир*:**
**Карим НОРМАТОВ**
***Саҳифаловчи:***
**Маъруф РАҲМОНОВ**
***Мусаҳҳиҳ:***
**Роза ҚУРБОНОВА**
***Дизайнер:***
**Нурмахан ТАСИМОВ**



***Муассис: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти***


**2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ**

Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида, лотин, кирилл ёзувида чоп этилади.

Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллиф жавобгардир.

Журналдан кўчириб олинган манба кўрсатилиши керак.

***


*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Ахборотномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 20 майда №1630-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Малака ошириш институтининг Ахборотномаси” илмий-амалий журнали 2023 йил 15 июнда ОАК раёсатининг 339/6-сон ҳамда 2024 йил 28 июндаги ОАК Раёсатининг 356/5-сон қарорларига асосан юридик ва тарих, сиёсий ва фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан докторлари (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий илмий нашрлар рўйхатига киритилганлигини маълум қилади.*

# БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев: *“Бугун медиа маконда миллий контент яратилмаса, уларнинг ўрнини турлича талқиндаги нохолис контент эгаллайди ва омма онгини ҳам заҳарлашга олиб боради. Сунъий интеллект ривожланаётган замонда миллий контентга бўлган зарурият борган сари кучаймоқда”.* Менинг кузатувимга кўра, интернет тармоғидан, хусусан Google ёки бошқа қидирув тизимлари орқали Ўзбекистонга оид ёрқин сифатли сурат ёки видеоматериаллар изланганда, кўп ҳолларда сифат даражаси паст ёхуд турли ёзув ва логотиплар туширилган контентлар тақдим этилмоқда. Ҳудудлар кесимида ёки дрон ёрдамида тасвирга олинган замонавий медиаматериалларни топиш фойдаланувчилар учун қийинчиликлар туғдиряпти.

Аслини олганда, юртимизнинг янги Ўзбекистон қиёфасини намоён этувчи платформа Президент админстрацияси ҳузурида *ОАВ учун контент тайёрлаш маркази* мамлакатимизнинг бетакрор табиати, айниқса инсон капиталини мужассам этган Марказий Осиёда илк медиабанк – *“Aura.uz”* ҳозирги пайтда Ички ишлар вазирлиги ва Малака ошириш институти учун бу борада жуда муҳим ишларни амалга ошириш зарурати пайдо бўлмоқда.

Медиа макон маҳсулотлари ва уларнинг кўп қиррали ижро вазифалари малакасини ошириш учун ташриф буюрган тингловчилар ҳамиша ҳам англаб етмаслигини ҳисобга олиб, журналнинг ушбу сонида шарҳ беришни лозим топдик. Чунончи, *подкаст, бренд, драйвер, стартаплар* каби ҳамда халқ хўжалигининг барча соҳаларига тааллуқли медиа атамаларнинг моҳияти ва заруратини етарли даражада билган ҳамда фаолият олиб боришимиз муҳим мантиқий ва саводхонликни талаб этади.

Мен юқорида интернет тармоғида *“Aura.uz”* серверларида қарийб 6 терабайт ҳажмдаги улкан маълумотлар базаси шакллантирилган. Платформада 12 мингдан зиёд энг сара фото, видео ва инфографика жамланган бўлиб, ҳар куни ўртача 200 га яқин янги контент билан мунтазам тўлдириб борилмоқда, – деб қайд қиламан.

Яна бир муҳим йўналиш киберхавфсизлик маданиятини чуқур англаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида интернет тармоғидан ахборот олиш ва тарқатиш, маълумот излаш миллий контент майдонида катта имкониятга эга. Жумладан, Ўзбекистонда интернетга кирувчилар сони 31 миллиондан ошган бўлиб, шундан 14 миллиони ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланмоқда.

*Долзарб мавзулар*

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Қадрли ватандошлар!**

Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни қутлуғ айём – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 81 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу унутилмас кунда, аввало, жанг майдонларида тенгсиз жасорат кўрсатиб, инсониятни фашизм балосидан халос этишга муносиб ҳисса қўшган қаҳрамон ота-боболаримизнинг сўнмас хотираси олдида бош эгиб, таъзим қиламиз. Бугунги кунда орамизда соғ-омон яшаб келаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, нуроний отахон ва онахонларимизга юксак эҳтиромимизни изҳор этамиз.

Мустақиллик йилларида Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини сақлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш йўлида мардларча ҳалок бўлган азму шижоатли ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини меҳр ва ҳурмат билан ёдга оламиз.

**Муҳтарам дўстлар!**

Эл-юртимиз фашизмга қарши курашда дунёдаги барча тинчликсевар халқлар билан бир сафда туриб, буюк ғалабага муносиб ҳисса қўшди. Бу билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. Тарихий маълумотларга кўра, фашизмга қарши урушда ўша даврда 6 миллион 800 минг кишидан иборат бўлган республикамиз аҳолисининг 1 миллион 950 минг нафари иштирок этган.

Шундан ярим миллиондан зиёд киши жанг майдонларида ҳалок бўлиб, 158 мингдан кўпроғи бедарак йўқолган, 60 минг нафардан ортиқ ватандошимиз эса ногирон бўлиб қайтган. Орадан шунча йил ўтган бўлса-да, бу аянчли рақамлар қалбларимизни ҳали ҳам изтиробга солади.

Уруш даврида 214 минг нафар ўзбекистонлик аскар ва офицерлар жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган бўлса, уларнинг 301 нафари энг олий нишон – Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор

бўлган, 70 нафар юртдошимиз эса учала даражадаги “Слава” ордени билан мукофотланган.

Ўша оловли йилларда халқимиз **“Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!”** деб кечаю кундуз буюк сафарбарлик руҳи билан яшади. Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди. Инсонпарварликни буюк қадриятга айлантирган халқимиз уруш ҳудудларидан кўчириб келтирилган 1 миллион 500 мингдан ортиқ инсонга, жумладан, ота-онаси ва оиласидан жудо бўлган 250 минг нафар болага бошпана бериб, уларга меҳр-оқибат кўрсатди.

Қадрли юртдошлар!

Ғолиб ва музаффар ота-боболаримизнинг Ватанимиз озодлиги ва халқимиз осойишталиги ҳимояси йўлидаги ибратли фаолиятини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш бўйича биз кўплаб ишларни амалга оширмоқдамиз. Айниқса, кейинги йилларда Тошкент шаҳрида бунёд этилган Ғалаба боғи ҳамда унинг таркибидаги “Хотира нури” ва “Миллат фидойилари” ёдгорлик комплекслари халқимиз учун табаррук масканларга айланиб бормоқда.

Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, хусусан, уруш ва меҳнат фахрийлари, кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғлом ва мазмунли ҳаёт кечиришлари учун зарур шароитлар яратишга қаратилган ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, жорий йилда байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 30 миллион сўм миқдорида пул мукофотлари берилганини таъкидлаш лозим. Уруш қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат фахрийларининг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни санаторийлар, дам олиш масканларига бепул ва имтиёзли асосда юбориш бўйича самарали тизим фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу мунаввар айём кунларида жойлардаги ҳокимликлар, жамоатчилик ва ёшлар вакиллари уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг хонадонларида бўлиб, оила аъзоларининг ҳолидан хабар олиб, уларга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз бўйлаб **“Бурч, жасорат, матонат!”** шиори остида хотира маросимлари, маданий тадбирлар, уч авлод учрашувлари, оммавий спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

**Қадрли юртдошлар!**

Бугунги ғоят таҳликали замоннинг ўзи барчамиздан жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги дўстлик ва тотувлик муҳитини янада қадрлаб яшашни талаб этмоқда.

Ҳеч қачон унутмайлик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик – бизнинг бебаҳо бойлигимиз, барча ютуқ ва ғалабаларимизнинг мустаҳкам асосидир.

Ҳозирги мураккаб даврда Ватанимиз мустақиллигини, халқимиз осойишталигини асраш, иқтисодий қудратимиз, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириш, жаҳон ҳамжамияти, аввало, қўшни давлатлар билан ҳамкорликни кучайтириш, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда. Ишончим комил, бу борада 81 йил олдин ғалаба байроғини жаҳон узра баланд кўтаришга муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг, халқимизнинг мардлик ва матонат мактаби бизга мададкор куч бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, фашизм балосини бартараф этишда жонбозлик кўрсатган қардош халқларни, барча эзгу ниятли инсонларни бугунги шонли байрам билан самимий табриклаб, уларга барқарор тараққиёт ва фаровонлик тилаймиз.

**Азиз ва мухтарам ватандошлар!**

Сизларни, ҳурматли фахрийларимизни, бутун эл-юртимизни яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик ва хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Меҳнаткаш ва донишманд халқимиз ҳамиша омон бўлсин!

Эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўллаб-қувватласин!

Хотира ва қадрлаш айёми барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**8.05.26. ЎзА**

# “ЮРТ ҚАЙҒУСИДА 365 КУН”
***ёки Янги Ўзбекистон тараққиётининг йиллик солномаси***

Бугунги глобаллашув даврида давлат тараққиётини фақат рақамлар ёки расмий баёнотлар эмас, балки халқ ҳаётидаги реал ўзгаришлар белгилайди. Шу маънода Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ҳам айнан инсон қадрини улуғлаш, адолатли жамият қуриш ва очиқ давлат бошқарувини таъминлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Ана шу улкан ислоҳотлар рўёбга чиқарилаётган жараёнларнинг сўнгги бир йилликдаги, яъни ўтган 2025 йилдаги ўрни, мазмун-моҳиятини яхлит тарзда акс эттирган “Юрт қайғусида 365 кун” китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Анжуман жорий йилнинг 18 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Шуҳрат Орипов, “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Салим Дониёров, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аҳмаджон Мелибоев, Кинематография агентлиги директори Шуҳрат Ризаев, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Шуҳрат Сирожиддинов ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари, ОАВ ходимлари иштирок этишди. Тақдимот давомида китобнинг мазмун-моҳияти, унинг тарихий ва сиёсий аҳамияти ҳамда Янги Ўзбекистон тараққиётини ёритишдаги ўрни ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

– Ушбу китоб Президентимиз олиб бораётган кенг қамровли улкан ислоҳотлар рўёби ва 2025 йилдаги салмоқли ва серқирра фаолиятининг яхлит кўзгуси десак хато бўлмайди. Унда нафақат республикамизда бўлиб ўтган тадбирлар ва воқеалар силсиласи ёритилган, балки давлатимиз раҳбарининг халқ билан ҳамфикрлиги, инсон қадрини юксалтириш

йўлидаги заҳматли меҳнатлари ва юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси муҳрланган маънавий солнома акс этган. Китобни варақлар эканмиз, 365 куннинг ҳар бир кунига, ҳар бир соатига сингдирилган ислоҳотларнинг тарихий шиддати ва кўлами кишини ҳайратга солади. Бу – миллатнинг янгиланиш йўлидаги залворли қадамлари ва келажакка қўйилган мустаҳкам пойдеворнинг ёрқин ифодасидир, – деди Шуҳрат Орипов.

Дарҳақиқат, “Юрт қайғусида 365 кун” китоби мамлакатимиз раҳбари фаолияти мисолида бутун бир давр руҳини, халқнинг орзу-интилишлари ва давлат тараққиётининг устувор йўналишларини акс эттирувчи муҳим сиёсий-ҳужжатли манбадир. Тўпламда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил давомидаги серқирра фаолияти, давлат бошқарувидаги янгича ва бетакрор ёндашувлар, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар, халқаро дипломатия, экологик барқарорлик, илм-фан, таълим, маданият ва маънавият соҳаларида амалга оширилган кенг қамровли ишлар ўзига хос тарзда ёритилгани билан диққатга молик.

Китобнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — унда мамлакат ҳаётида юз берган воқеаларнинг қуруқ хроника сифатида эмас, балки таҳлилий ва ҳаётий ёндашув асосида ифодаланганидадир. Саҳифаларни ўқир экансиз, ҳар бир бандда халқ манфаати, инсон қадри ва тараққиёт ғояси устуворлиги яққол намоён бўлади. Айниқса, иқтисодий ўсиш суръатлари, инвестиция муҳитининг яхшиланиши, экспорт ҳажмининг ортиши, янги иш ўринлари яратилиши ҳамда камбағалликни қисқартириш бўйича амалий ишлар рўёбига оид маълумотлар ислоҳотларнинг аниқ натижаларини кўрсатиб беради.

Асарда Президентнинг ҳудудларга ташрифлари, халқ билан мулоқотлари, халқаро саммит ва музокаралардаги иштироки ҳамда стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари алоҳида ўрин эгаллаган. Бу эса китобнинг нафақат ички, балки ташқи сиёсат йўналишида ҳам муҳим манба эканини англатади.

Китобнинг ойлар кесимида тартиблангани эса унда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш имкониятини янада бойитган. Ҳар бир ой аввалида давлат раҳбари фаолиятининг асосий йўналишлари қисқача жамланиб, кейинги саҳифаларда муҳим воқеалар, қарорлар, ташрифлар ва

ташаббуслар батафсил шарҳланган. Бундай услуб ўқувчига мамлакатдаги ислоҳотлар динамикасини изчил кузатиш, тафаккур қилиш имконини оширади.

Замонавий технологиялардан фойдаланилгани ҳам китобнинг ўзига хос ютуғидир. Статистик маълумотлар, фотолавҳалар ва таҳлилий шарҳлар билан бирга, QR-кодлар орқали қўшимча материалларнинг тақдим этилиши китобнинг ахборот салмоғини янада оширган. Бу эса уни нафақат анъанавий китобхонлар, балки ёшлар ва тадқиқотчилар учун ҳам жозибадор манбага айлантирган.

Дарҳақиқат, "Юрт қайғусида 365 кун" китоби нафақат ўтган бир йилнинг солномаси, балки келажак авлод учун Янги Ўзбекистон тарихини ўрганишда хизмат қиладиган қимматли манбадир. Мазкур тўплам инсон қадрини улуғлашга қаратилган тараққиёт стратегиясини англашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Шубҳасиз, ушбу асар сиёсатшунослар, тарихчилар, журналистлар, талаба-ёшлар ва мамлакат тараққиётига бефарқ бўлмаган кенг китобхонлар оммаси, бутун халқимиз учун зарур манба бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, у юртдошларимизнинг бунёдкорлик йўли ва халқ манфаатига хизмат қилаётган ислоҳотларнинг ёрқин ифодасидир.

Ушбу китоб барча юртдошларимизга муборак бўлсин!

**Занжилой АБДУСАЛОМОВА,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси**
**етакчи мутахассиси.**
*("Ҳуррият". 2026 йил 20 май).*

- *Корея таассуротлари*

**Олимжон АХМЕДОВ,**
***Малака ошириш институти бошлиғи, профессор, полковник***

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ

*Ўзбекистон учун дунёнинг Корея Республикаси билан ўзаро манфаатли, самарали ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади...*

*Икки давлат ўртасида илмий-техник, тиббиёт ва таълим, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро муносабатлар кенгаймоқда.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

ИИВ топшириғига мувофиқ, жорий йил **27-апрелдан 6-майига** қадар махсус делегация **Корея Республикаси**да хизмат сафарида бўлдик. **Кўзланган мақсад:** Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА) лойиҳаси доирасида Ўзбекистон ички ишлар органлари ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқилона режани ишлаб чиқиш учун тадқиқотлар олиб бориш ва хулосалар чиқариш эди. Шунингдек, Корея миллий полиция агентлигининг илғор таълим тизими билан танишиш, Симуляциялашган ўқув маркази фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва машғулотларни тизимли ташкил этиш ҳамда музокараларда иштирок қилиш назарда тутилган.

Дарвоқе, мазкур хизмат сафари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ва Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Элчиси томонидан 2023-йил 12-декабрда имзоланган *“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги ўртасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтида Симуляциялашган ўқув марказини ташкил этиш бўйича салоҳиятни ошириш лойиҳаси тўғрисида”ги музокаралар баёнига мувофиқ ташкил этилган.*

Дастурга мувофиқ, жорий йилнинг **28-апрел** куни **Корея миллий полиция университети**га ташриф буюрилди ва раҳбарияти билан учрашув ташкил этилди.

*Маълумот учун: университет 1979-йил Корея Республикасининг Асан шаҳрида ташкил этилган. Университетнинг асосий мақсади - адолат, ватанпарварлик ва шон-шараф тамойилларига содиқ юқори малакали полиция ходимларини тайёрлашдир. Университетнинг умумий ҳудуди 89,6 гектарни ташкил этади. Ҳудудда замонавий таълим ва илмий тадқиқот инфратузилмаси шакллантирилган бўлиб, ўқув бинолари, мультимедиа аудиториялари, тил лабораториялари, рақамли криминалистика ва кибертергов лабораториялари, конференция заллари ҳамда амалий тайёргарлик майдонлари фаолият юритади.*

*Университетда таълим жараёни кўп босқичли академик тизим асосида ташкил этилган бўлиб, унда бакалавриат ва магистратура таълим йўналишлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун махсус малака ошириш курслари амалга оширилади. Бакалавриатда полиция ҳуқуқи, криминалистика ва тергов фаолияти, полиция бошқаруви, жамоат хавфсизлиги, ахборот технологиялари ва киберхавфсизлик каби таълим йўналишлари (4-йиллик ўқув дастури) бўйича ҳамда Магистратурада полиция бошқаруви, криминология, жиноий тергов ва криминалистика, киберхавфсизлик ва рақамли тергов, жамоат хавфсизлиги, полиция ҳуқуқи, халқаро полиция ҳамкорлиги ҳамда полиция психологияси каби йўналишлар (2-йиллик ўқув дастури) бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланади. Шунингдек, университетда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий маҳоратини такомиллаштиришга қаратилган махсус қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ҳам ташкил этилади. Мазкур курслар полиция фаолиятининг замонавий йўналишлари, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларни тергов қилиш, кsurvive киберjиноятчиликка қарши курашиш, рақамли криминалистика, инқирозли вазиятларда бошқарув ҳамда лидерлик кўникмаларини ривожлантиришга ихтисослаштирилган.*

*Шу билан бирга, университет таркибида замонавий хавфсизлик соҳасидаги долзарб муаммоларни ўрганишга ихтисослашган 13 та (Киберживоятчилик тадқиқоти, Дрон хавфсизлиги, Суд экспертизаси (Форенсис Инвестигатион), Инқирозли вазиятларда музокаралар, Полиция таълими тадқиқоти, Терроризмга қарши халқаро тадқиқот, Полиция ҳуқуқи ва бошқа) илмий-тадқиқот марказлари фаолият юритади. Ушбу марказлар полиция фаолиятини илмий асосда такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш ҳамда янги хавф-хатарларни таҳлил қилишга хизмат қилади.*

*Бундан ташқари университетда хорижий полиция офицерлари ва талабалар учун “Махсус қабул” (Спесиал Адмиссион) дастурлари орқали Магистратурада ўқиш имконияти мавжуд бўлиб, бунда инглиз ёки корейс тилини билиш талаб этилади.*

Университет президенти вазифасини бажарувчи **Ким Ги Жонг** делегацияни Кореяга ташрифи билан кутлаб, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг бугунги ҳолати ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланиб бораётганлигини эътироф этди. Сўнгра делегация аъзолари университетда олиб борилаётган таълим жараёни, жанговар ва жисмоний тайёргарлик, дрон тайёргарлиги бўйича амалий машғулотлар, моддий-техника базаси, кутубхона ва тингловчиларга яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

Дастурга кўра, Корея миллий полиция университети қошидаги **Полиция фанлари илмий-тадқиқот институти**га ташриф буюрилди. Институт раҳбари **Пак Чже Пунг** ўзаро ҳамкорликда лойиҳа доирасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар билан таништирди. Институт *(Полисе Ссиенсе Институте - ПСИ)* 1980-йилда ташкил этилган бўлиб, 2016-йилда Корея миллий полиция университети кампусига кўчирилган: **унинг асосий мақсади** полиция тизими учун илмий-тадқиқотлар олиб бориш, амалий сиёсат ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришдан иборат. Институт таркибида муайян соҳаларга

йўналтирилган бир нечта марказлар илмий-амалий фаолият олиб боради. Жумладан,

- **Халқаро кибержиноятчилик тадқиқот маркази (ИСРС)** *(Киберхавфсизлик сиёсати ва рақамли криминалистика асослари бўйича тадқиқотлар олиб боради)*;

- **Криминалистик тергов тадқиқот маркази** *(ДНК таҳлили, бармоқ излари ва суд психологияси бўйича тадқиқотлар олиб боради)*;

- **Инқирозли вазиятларда музокаралар олиб бориш маркази** (*Инқирозларни ҳал қилиш учун психологик стратегияларни ишлаб чиқади)*;

- **Дрон хавфсизлиги тадқиқот маркази** *(Дронлар ёрдамида қидирув ишлари ва дронларга қарши террор билан курашиш стратегияларини ўрганади)*;

- **Полиция АИ (сунъий интеллект) тадқиқот маркази** *(Овозли фишингнинг олдини олувчи "Ситизен Сонан" иловаси ва автомобиль рақамларини аниқлаш тизимларини ишлаб чиққан)*.

Учрашувда раҳбар Полиция фанлари институти Кореяда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини илмий-инновацион асосда ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳим академик тузилма ҳисобланиши, унинг таркибидаги илмий марказлар сунъий интеллект, дрон технологиялари, рақамли криминалистика ва инқирозли вазиятларни бошқариш каби долзарб соҳаларда илмий тадқиқотлар олиб бориб, амалиётга янги технология ва ёндашувларни жорий этиши тўғрисида маълумотлар берди. Шундан сўнг, кореялик мутахассислар билан Ўзбекистон ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ўқув режа ва дастурларни оптималлаштириш, ўқитишда ВР технологияларини қўллаш бўйича таълим сценарийлари ҳамда дастурларни ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Эртасига Корея Марказий полиция Академиясида, унинг бошлиғи, генерал **Нам Же Ҳён** билан учрашув ўтказдик.

*Маълумот учун: Корея Республикаси Марказий полиция академияси 1987-йил18-сентябр куни Жанубий Кореянинг марказида жойлашган Чунгжу шаҳрида ташкил этилган. Академия номзодларни полиция бўлинмалари учун бошланғич профессионал тайёргарликдан*

*ўтказувчи ягона таълим муассасаси ҳисобланади. Ўқиш муддати 9 ой (34 ҳафта) бўлиб, ҳар бир ўқув йиғинида 2 200 нафар ўқувчилар 19 та модул бўйича малакали профессор-ўқитувчилар томонидан назарий, мустақил таълим ва амалий шаклда жами 1 270 соатга мўлжалланган ўқув дастури асосида ўқитилади. Академияда 129 нафар илмий ходимлар ва 164 нафар (шундан, 79 нафари полиция ходими) фаолият олиб боради.*

Учрашувда таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга, уларнинг касбий салоҳиятлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти самарадорлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши таъкидланди. Лойиҳа доирасида оқилона режани ишлаб чиқиш, институтда ходимлар олиб бораётган бошланғич тайёргарлигини такомиллаштириш, тингловчиларда амалий, жисмоний кўникмаларни шакллантириш, ўқув жараёнида ВР технологияларидан замонавий ХР технологияларига ўтиш ва жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Меҳмонлар Академия ўқув дастурига кўра, махсус воситаларни қўллаш модулига мувофиқ, тингловчилар томонидан электрошок воситасини амалий қўллаш кўникмаларини шакллантириш ҳамда *“совуқ қурол”* билан ҳужум қилаётган шахсни зарарсизлантириш бўйича амалий машғулотларда иштирок этишди.

*Маълумот учун: Ўқув курси давомида ҳар бир тингловчига 10 маротаба ҳақиқий электрошок воситасини масофадан қўллаш имконияти берилади. Машғулот якунида уни кузатиб турган профессор-ўқитувчи ҳар бир тингловчининг электрошок воситасини қўллашда йўл қўйган камчиликлари бўйича йўриқнома ўтказади.*

Академиянинг БПС Со Лтд етакчи илмий ходими **Ким Хонг Жун** яратган ВР ва ХР технологиялари маркази фаолияти билан таништирилди ва ушбу технологияларни келгусида Малака ошириш институтида барпо этилаётган Симуляциялашган ўқув марказида жорий этилиши муҳокама қилинди. Делегация раҳбари ва аъзолари ВР технологияси асосида яратилган модулдан амалда фойдаланиб кўришди. ВР технологияларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, ҳаракатларни реалликка

яқинлаштириш учун Академия марказида яратилаётган янги замонавий XP технологиялари модуллари тақдим этилди.

Ташриф якунида Академия кутубхона фаолияти ўрганилди. Унинг фондида 80 мингга яқин китоблар бўлиб, тўлиқ рақамлаштирилган. 2 нафар ходим хизмат кўрсатади.

**Шартли равишда уч халқа доирасида ишлашни афзал кўрдик. Биринчи халқада** Жанубий Кореянинг Чежу ороли (Чежу-до) махсус автоном провинциясидаги бошқа ҳудудларидан фарқли ўлароқ, амал қиладиган икки томонлама (дуал) полиция тизими, яъни **Чежу вилоят полиция агентлиги** ва **Чежу автоном полиция бошқармаси** (таъминот маҳаллий бюджет ҳисобидан) фаолияти билан танишдик.

*Маълумот учун: Чежу 2006-йилда махсус автоном провинция мақомини олган. Маҳаллий ҳукумат таълим, солиқ ва маъмурий масалаларда марказий ҳукуматга нисбатан мустақил қарорлар қабул қилади. Оролнинг ижроия ҳокимияти раҳбари губернатор бўлиб, у тўғридан тўғри маҳаллий аҳоли томонидан сайланади. Орол иккита – Чежу-си (шимолда) ва Сеогвипо-си (жанубда) шаҳарларидан иборат. Шаҳарларнинг ўз мустақил кенгашлари йўқ, улар бевосита автоном провинция ҳукуматига бўйсунади. Орол учун хос бўлган маҳаллий қонунларни (регламентларни) провинция кенгаши маҳаллий қонун чиқарувчи орган ишлаб чиқади. Улар бюджетни тасдиқлаш ва ижроия ҳокимиятини назорат қилиш вазифасини бажаради.*

Илк марта автоном провинцияси ҳудудида оғир ва ўта оғир жиноятларга қарши курашиш, уларни тергов қилиш, қирғоқ мудофааси ва аксилтеррор операцияларни бошқариш билан шуғулланувчи **Чежу вилоят полиция агентлиги**га ташриф буюрилди ва агентлик раҳбари **Ко Пюнг Ки** билан учрашув ўтказилди. Орол хавфсизлигини таъминлашда полициянинг ўрни, вазифалари, маҳаллий аҳолига янада яқинлаштириш, сервис тузилмага айлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўрганилиб, тажрибалар алмашилди. *Демак, ушбу идора Корея Миллий полиция агентлигининг (КНПА) ҳудудий бўлинмаси ҳисобланади. Чежу полицияси оролнинг барча 551,7 км. масофадаги қирғоқ чизиғи хавфсизлиги*

*учун масъул бўлган мамлакатдаги ягона идорадир. Улар* ***"Уч босқичли кузатув тизими"*** *(механик, инсон ва объект назорати) орқали ноқонуний миграция ва контрабандага қарши курашади.*

Дарвоқе, *биринчи халқада* Чежу вилоят полиция агентлигидаги “112” тизими фаолияти бўйича Ўзбекистонда “112” тизимини жорий этиш мумкин бўлган илғор тажрибалар ўрганилди.

*Маълумот учун: Орол ҳудуди 1 849 км² ни ташкил қилади. Шарқдан Ғарбга қараб 73 км, Шимолдан Жанубга қараб эса 31 км. га чўзилган. Аҳолиси 690 мингдан ошган. Бир кунда ўртача “112” тизимига 700-850 та хабар келиб тушади. Бу пайт 12 соатлик 2 та смена ва ҳар бир сменада 5 нафар оператор хизмат олиб боради. “112”га тушаётган хабарлар муҳимлик даражасига кўра, 5 та тоифага ажратиб қўйилган, улардан 0, 1 ва 2 тоифалар бўйича полиция ходимлари ҳодиса жойига чиқади. Қолган 3 ва 4 тоифадаги хабарлар бўйича операторлар маслаҳат-маълумот беради ёки қўнғироқ тўғридан тўғри маҳаллий ҳокимият идоралари (110 хизмати)га йўналтирилади.*

Шу куниёқ Чежу автоном полиция бошқармасига бориб, у ерда бошқарма бошлиғи **О Чунг Ик** ҳамда бошқарманинг йўл ҳаракати хавфсизлиги, яшаш хавфсизлиги, хавфсиз туризм учун масъул ходимлар билан учрашдик, идора фаолияти билан яқиндан танишдик.

*Маълумот учун: 2006-йилда ташкил этилган. 177 нафар шахсий таркиб (165 нафар штатли ва 12 нафар эркин ёлланган)дан иборат. Бу тизим Миллий полиция агентлигига кўра, алоҳида фаолият юритади. Улар асосан туристик ҳудудлар хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва экологик назорат, жамоат тартибини сақлашга масъул ҳисобланади. Таъминоти махсус автоном провинцияси ҳокимлиги томонидан тўлиқ амалга оширилади. Миллий полиция билан ўзаро ҳамкорликда ишлайди.*

Шундан сўнг, ҳудудда хавфсизликни таъминлашга жорий этилаётган замонавий технологиялар (*кузатув камералари, автомашиналар давлат*

*рақамлари белгиларини аниқлаш имкониятига эга замонавий камералар, мобил станцияли дрон*) намойиш этилди ҳамда бошқарманинг навбатчилик қисми фаолияти ўрганилди.

Чежу автоном полицияси Кореяда биринчи бўлиб, сунъий интеллект билан ишлайдиган дронларни йўқолган шахсларни қидириш ва тоғли ҳудудлардаги қишлоқ хўжалиги соҳасида содир этилаётган ўғирликларнинг олдини олиш учун жорий этган ҳудуд эканлиги таъкидланиб, полиция дронларни амалий тарзда қўллаб, бизга кўрсатди ва уларнинг техник имкониятлари ўрганилди.

**Иккинчи халқада** оролнинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим бўғинлардан бири Чежу вилоят полиция агентлигига бўйсинувчи **Чежу махсус операциялар бўлинмаси (CWAT)**га ташриф буюрдик, у ерда ўтказилаётган машғулотлар, хизмат итларини тайёрлаш жараёни, махсус операцияларда қўлланиладиган қурол-аслаҳалар ва моддий-техник базаси билан танишдик.

*Маълумот учун: Бўлинма 2005-йилда фаолият бошлаган. Бўлинмада ҳозирги кунда турли яккакураш турлари ва портловчи моддалар бўйича мутахассислардан иборат 37 нафар ходим хизмат олиб бормоқда. Бўлинманинг хизмат биноси Ара-донг тоғли ҳудудида машғулотлар ўтказиш учун қулай тарзда жойлаштирилган.*

*Бўлинманинг асосий вазифалари: террорчилик хуружларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, мураккаб шароитларда, жумладан, бинолар, кемалар ва самолётларда қутқарув операцияларини ўтказиш, қуролланган ва ўта хавфли жиноятчиларни қўлга олиш, оролга ташриф буюрадиган халқаро миқёсдаги давлат арбоблари ва муҳим шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборат.*

*Махсус операциялар бўлинмасига ходимларни саралаш ва тайёрлаш жараёни ўта қатъий талаблар асосида ташкил этилиб, улар қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:*

***Ҳарбий тажриба**: Бўлинма аъзоларининг аксарияти Корея Қуролли Кучларининг махсус бўлинмаларида (масалан, Армиянинг Махсус кучлари ёки Ҳарбий-денгиз флотининг Махсус жангчилари) хизмат қилиш тажрибасига эга бўлган профессионаллардан иборат.*

**Яккакураш маҳорати**: *Номзодлар Тайеквондо, Юдо, Хапкидо ёки Кумдо каби спорт турлари бўйича камида учтадан соҳиби бўлиши керак.*

**Мутахассислик**: *Номзодлар турли яккакураш турлари билан бир қаторда, портловчи моддалар билан ишлаш ёки бошқа махсус техник кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.*

Мисол тариқасида Сеобук-гу туманидаги 3 та ҳудуд (83.000 нафар аҳоли) учун асосий жамоат хавфсизлиги ва хизмат кўрсатиш маркази ҳисобланадиган Чеонан Булданг полиция участкаси ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий усуллари, патруль ходимлари ва хизмат автомашиналарининг жиҳозланиши, ходимларнинг хизматга тақсимланиши, “112” тизимига хабар тушганда ходимларнинг ҳаракатлари, полиция участкасининг тезкор бошқарув тизими ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш фаолиятини чуқур ўрганиб чиқдик. Полиция участкасида 37 нафар ходим хизмат қилади. Улар 4 та гуруҳга тақсимланган, бир суткада 2 сменада ишлайди.

Яна бир ўрганишга молик ҳолат. Чхунчхон-намдо провинциясида жойлашган Чхонан–Асан – *“Ақлли шаҳар”* интеграциялашган тезкор марказга борилиб, у ерда Чхонан ҳамда Асан шаҳарларига ўрнатилган кузатув камералари ва бошқа тизимлар орқали маҳаллий ҳокимият томонидан хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўрганилди.

*Маълумот учун: Марказнинг иш тартиби 24/7/365 тамойили асосида узлуксиз ташкил этилган. Марказда 63 нафар ходим фаолият юритади. Уларнинг таркиби: давлат хизматчилари, полиция ходимлари ва махсус назорат операторларидан иборат. Чхонан ва Асан шаҳарларининг масъул гуруҳлари Марказда биргаликда доимий навбатчилик қилади.*

*Ҳамкорлик қилувчи органлар: Марказ учта полиция бошқармаси (Чхонан Сеобук, Чхонан Донгнам, Асан), 112 (полиция) ва 119 (ўт ўчириш ва тез ёрдам) ҳамда вазиятлар марказлари билан бевосита боғланган. Шунингдек, Корея Адлия вазирлиги билан электрон браслетларни назорат қилиш бўйича ҳамкорлик қилинади.*

*Бошқарув ва назорат кўлами: Марказ ҳудуддаги 7 215 та хавфсизлик камераларини ва минглаб Интернет буюмлари сенсорларини бошқаради. У жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳаракатни бошқариш, фавқулодда вазиятларга жавоб бериш ҳамда атроф-муҳит назоратини бир нуқтада бирлаштирган.*

*Бошқариш усули: «Ақлли шаҳар интеграциялашган платформаси» (Смарт Ситй Интегратед Платформ) деб номланувчи дастурий таъминот орқали маълумотлар оқими мувофиқлаштирилади.*

*Сунъий интеллект (АИ) технологиялари: Марказда «АИ Селектив назорат тизими» қўлланилади. 4 770 та камера АИ видео-аналитикаси билан жиҳозланган бўлиб, улар фақат муҳим воқеалар (фуқаронинг кўчада бехосдан йиқилиб қолиши, узоқ вақт тўхтаб туриши, зўравонлик, бемақсад юриш, ёнғин белгилари) аниқланганда операторга сигнал беради.*

*Алоқа ва тармоқ технологиялари: Маълумотларни реал вақтда узатиш учун 5Г мобил алоқаси ва юқори тезликдаги оптик толали тармоқлардан фойдаланилади. 5Г технологияси 4К ва 8К форматдаги видеоларнинг кечикишларсиз кузатиш имконини беради.*

*«Ақлли устунлар» (Смарт Полес) тизими: Шаҳар кўчаларидаги оддий чироқ устунлари ўрнига ўрнатилган бу устунлар ақлли ЛЕД ёритгич, WиФи 6, ИоТ сенсорлари (чанг, шовқин назорати), кузатув камералари ва фавқулодда чақирув тугмаларини ўз ичига олади.*

*Аҳоли билан алоқа ва мобил иловалар: Марказ ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар (аёллар, болалар, қариялар) учун мўлжалланган махсус смартфон иловалари билан боғланган. Иловадаги хавф тугмаси босилганда, яқин атрофдаги камералар автоматик равишда ўша шахсга йўналиб, тасвирни тезкорлик билан марказга ва полицияга узатади.*

Фаолиятимиз дастурига мувофиқ, делегациямиз Асан шаҳрида ташкил этилган фестивалда иштирок этиб, полиция хизматининг жамоатчилик ва волонтёрлар билан ҳамкорликда олиб борган

хавфсизликни таъминлашнинг амалий цикллари кўриб чиқилди ҳамда шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига экскурсия уюштирилди.

**Муҳим учинчи халқада Корея Республикасининг Полиция кадрларини ривожлантириш институти** бошлиғи в.б. (бошқарма бошлиғи) **Парк Хви Донг** иштирокида учрашув ўтказилди. Учрашувда икки давлатнинг полиция кадрлари малакасини ошириш жараёнида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик масалалари хусусида фикр алмашдик. Шунингдек, таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик меморандумини тузиш бўйича келишувга эришдик.

*Маълумот учун: Корея миллий полиция агентлиги тасарруфида 4 та таълим муассасаси (Корея Миллий полиция университети, Марказий полиция академияси, Полиция кадрларини ривожлантириш институти ва Корея Полиция тергов академияси) мавжуд. Полиция кадрларини ривожлантириш институти 1984-йилда ташкил этилган. Ташкилотнинг асосий мақсади полиция ходимларининг малакасини ошириш, уларни замонавий қонунчилик, жиноятчиликка қарши кураш, ахборот технологиялари ва бошқа соҳалардаги билимларини оширишдан иборат.*

*Полиция ходимлари одатда уч йилда бир маротаба малака ошириш курсларида қатнашиши белгиланган. Ўқув курсларининг муддати 34 ҳафтагача давом этади. Бир вақтнинг ўзида таълим муассасасида 200 нафар тингловчи 9 та (Жиноятчиликка қарши кураш, Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, Қонунчилик ва ҳуқуқий билимлар, Криминалистика ва тергов техникаси, Ахборот технологиялари ва киберхавфсизлик, Транспорт ва йўл хавфсизлиги, Ички тадқиқотлар, халқаро ҳамкорлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилишдаги глобал муаммолар, бошқарув ва раҳбарлик) таълим йўналишлари бўйича 73 нафар профессор-ўқитувчилар томонидан ўқитилади.*

*Институт Интерполнинг Глобал Академиясига аъзо бўлиб, Осиёдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун ўқув базаси ҳисобланади. Шунингдек, Интерполнинг терроризмга қарши*

*кураш ва трансмиллий жиноятчилик бўйича махсус курсларини тарқатиш билан шуғулланади.*

Шуни айтиш зарурки, институтнинг махсус экспозиция зали ва ўқув лабораториялари фаолияти билан танишиб, ушбу жараёнда Корея давлат хизматчиларини тайёрлаш тизимининг тарихий эволюцияси — анъанавий ўқитиш усулларидан тортиб, бугунги куннинг энг илғор рақамли таълим технологияларигача бўлган ривожланиш йўли – ягона макон тимсолида ўрганилди. Хусусан, кореялик мутахассислар билан таълим жараёнига сунъий интеллект (АИ), виртуал реаллик (ВР/АР) ва масофавий интерфаол платформаларининг интеграция қилиниши ҳамда бу технологияларнинг тизимли равишда ўқув жараёнига жорий этилиши – Корея илғор тажрибаси сифатида алоҳида таҳлил қилинди.

Шу билан бирга, ташриф дастурига асосан **Корея полиция тергов академияси**га ташриф буюрилди ва Академия бошлиғи ўринбосари **Ким Юнг Ҳо** билан учрашув ўтказдик. Учрашув давомида келгусида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, Ўзбекистондаги ўқув жараёнига тажрибали профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш масалалари муҳокама этилди. Учрашув давомида Академия бошлиғи ўринбосарига Институт профессор-ўқитувчилари томонидан 2025-йилда Академияда малака ошириш натижалари бўйича тайёрланган ўқув қўлланма топширилди.

*Маълумот учун: Корея полиция тергов академияси (КПИА) 1991-йилда ташкил этилган. Айнан шу даврда Корея Миллий полиция агентлиги (КНПА) ва унинг таркибида барча ихтисослашган муассасалар, жумладан тергов академияси ҳам ҳозирги замонавий тузилмага эга бўлган. Тизимнинг тарихий илдизлари Корея полиция тизимининг маънавий ва тарихий асослари анча олдинроқ - 1919-йил 25-апрелда Корея Республикаси Муваққат ҳукумати қошида Полиция бюроси ташкил этилган даврда шаклланган.*

Ваҳоланки, Сеул шаҳрининг бой маданий ва тарихий мероси билан танишув жуда мароқли ўтди. Кореядан олинган бой таассуротлар ва

уларнинг ўта муҳим жиҳатларига кўра, якуний хулоса қилиб *қуйидагиларни амалга ошириш таклиф этилади:*

1. Ягона тезкор бошқарув марказларига интеграция қилинган видеокузатув камералари ва дронлар имкониятларини сунъий интеллект алгоритмлари ёрдамида кенгайтириб, жамоат жойларида шахсларнинг ғайритабиий ҳаракатлари ва соғлиғи ёмонлашган фуқаролар ҳамда қидирувдаги шахсларни автоматик аниқлаш тизимини жорий этиш.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2026-йил 27 январ куни *“Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари”* бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишда ички ишлар органларини сервис тузилмага айлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижнинг илғор тажриба асосида аҳоли гавжум жойларда дрон ёрдамида патруллик кузатувини йўлга қўйиш борасида топшириқ берилган.

2. Кореяда жорий этилган “112” тизими тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистондаги “112” қисқа рақамида амалга оширилаётган чақирувларни шошилинчлигига қараб, тоифаларга ажратиш:

*- хабарнинг шошилинчлик даражасини сунъий интеллект ёрдамида аниқлаш тизимини жорий этиш;*

*- шошилинчлик даражаси белгиланиши билан ҳодиса жойига юборилаётган ходимга “112” оператори ва хабар берувчининг ҳали давом этаётган суҳбатини тинглаш имкониятини яратиш;*

*- “112” тизимига шошилинч тоифадаги ҳодиса ҳақида хабар тушганда операторга яқин орадаги фавқулодда хизмат ходимлари (экипаж ёки наряд)ни жалб этишни автоматик тарзда танлаб берувчи сунъий интеллектни жорий этиш;*

*- ички ишлар органлари ваколатига кирмайдиган хабарларни маҳаллий ҳокимликларга сунъий интеллект ёрдамида автоматик узатиш тизимини йўлга қўйиш назарда тутилади.*

*Маълумот учун: Кореяда ҳодиса жойига кетаётган ходим оператор ва хабар бераётган шахс суҳбатини эшитиб, вазиятни ўрганиб, тайёргарлик кўрган ҳолда боради. Ўзбекистонда “112” тизими ҳозирда қабул қилаётган хабарларини “тез ёрдам”га,*

*фавқулодда вазиятлар хизмати, ички ишлар органи ва газ таъминоти хизматига узатмоқда. Агарда “112” оператори келиб тушаётган хабарни ҳал қилиш ваколати қуйидаги 4 та хизматга тегишли бўлмаса, уни ички ишлар органига юборади. Мазкур таклиф амалга оширилса, ички ишлар органи ходими вақти тежалади.*

3. Амалиётда ички ишлар органлари ходимлари томонидан қўлланилаётган бодикамераларнинг сифати, қулайлиги ҳамда вазни енгиллиги бўйича устун бўлган Кореяда қўлланилаётган Хитойда ишлаб чиқарилган “Ҳйтера ВМ550Д” русумли бодикамераларини амалиётда жорий этиш ҳамда ходимга баҳсли ҳолатларда бодикамерани ёқиш (*ишчи ҳолатга келтириш*) амалиётини йўлга қўйиш.

*Маълумот учун:* **I. *Техник хусусиятлари:***

*Видео сифати: 1080п (Фулл ҲД) дақиқасига 30 кадр тезликда.*

*Кўриш бурчаги: 139 даража (кенг қамровли линза).*

*Дисплей: 2.0 дюймли рангли экран (тасвирни воқеа жойида кўриш ва созлаш учун).*

*Батарея қуввати: 2500 мА/соат (7 соатдан ортиқ узлуксиз видео ёзиш имконини беради).*

*Тунги кўриш: Инфрақизил диодлар ёрдамида тўлиқ қоронғиликда 10 метргача бўлган масофани кўриш имкони.*

**II. *Жисмоний параметрлари ва чидамлилиги:***

*Вазни: Тахминан 145 грамм (жуда енгил ва кун бўйи тақиб юришга қулай).*

*Ҳимоя даражаси: ИП67 (чанг ва сувга чидамли, 1 метр чуқурликда 30 дақиқа қолиши мумкин).*

*Урилишга чидамлилик: МИЛ-СТД-810Г ҳарбий стандартига жавоб беради (2 метр баландликдан тушиб кетганда ҳам ишлайди).*

**III. *Функционал устунликлари:***

*Маълумотлар хавфсизлиги: Видео файллар шифрланган бўлади ва уларни махсус дастурий таъминотсиз ўчириш ёки ўзгартириш мумкин эмас.*

*Блуйетоотҳ ва Wи-Фи: Ходим маълумотларни масофадан туриб сервер жойлашган хонага кирган вақтида масофадан узатиш имконияти.*

*Жамоавий фойдаланиш имконияти: Бир ҳодиса бўйича воқеа жойига борган ходимларни бодикамера тасвирларини гуруҳ бўлиб сақлаш имконияти бор.*

4. Кореяда полиция патрули хизмат автомашинасини жиҳозлаш тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ички ишлар органлари хизмат автомашиналари орқа юкхонасига махсус қути жойлаштириш, унга хизматда керак бўладиган ҳимоя қалқони ва нимчаси, зарбага ва ўқотар қуролга қарши каскалар, резина таёқ, йиғма йўлни тўсиш конуси, замонавий зарбага чидамли фонар каби жиҳозлар ҳамда хизмат автомашинаси устига замонавий лифтли маёқчанинг остига инновацион ўзгариб турадиган светодиод йўл белгиси билан жиҳозлаш.

> *Маълумот учун: Мазкур амалиётнинг жорий этилиши хизмат автомобилларининг функционал имкониятларини кенгайтириш билан бирга, фавқулодда вазиятларда ходимларнинг шахсий хавфсизлиги ҳамда жанговар шайлигини оширишга, замонавий светодиод тизимлари орқали эса йўл ҳаракати хавфсизлигини масофадан туриб самарали бошқаришга хизмат қилади.*

5. Жанубий Корея тажрибаси асосида “112” тизимига қўнғироқ қилган шахс гапира олмаса, оператор унга махсус УРЛ ҳавола юбориши, ҳавола босилганда, ички ишлар органи ходими фуқаронинг телефон камераси, микрофони ва ГПС маълумотларига реал вақтда кириш имкониятини яратиш. Бу тизимда *“яширин суҳбат”* ва экранни “*Гоогле*” қидирув саҳифасидек кўрсатувчи *“ниқобланиш режими”* мавжуд. Яъни, *“112” тизимига қўнғироқ қилиб, жим турган шахс билан алоқа ўрнатишнинг замонавий усули ҳисобланади.*

6. “112” тизимида мурожаатларни сунъий интеллект орқали овозли таҳлил қилиш, яъни овозни реал вақтда матнга айлантириш, фондаги шовқинларни таҳлил қилиб, хавф даражасини аниқлаш ҳамда мобил илова ёрдамида фуқаролар ички ишлар органлари назоратига муҳтож бўлган вақтда манзилигача видеокамералар орқали автоматик кузатиб бориш

тизимини жорий этиш орқали жамоат хавфсизлиги назоратини кучайтириш.

*Маълумот учун: бу операторнинг вақтини тежайди, хабар бўйича карта кейинги бўгин (ижрочи)га тезроқ етиб боради. Кореяда кузатув мобил иловаси дастлаб аёлларни тунги вақтда уйига хавфсиз етиб олиши учун ишлатилган бўлса, кейинчалик барча ҳатто чет эл фуқаролари учун хам фойдаланиш имконияти яратилган.*

7. Жанубий Корея тажрибасидан келиб чиқиб, барча транспорт воситаларига вилоятидан қатъий назар бир хил давлат рақам белгиларини бериш.

*Маълумот учун: Йўл безорилиги ҳуқуқбузарлиги аксарият ҳолатларда бир ҳудудга бошқа ҳудуддан келганларга нисбатан содир этилади. Бу орқали Жанубий Корея маҳаллийчилик ва дискриминацияга чек қўйган. Бир хил рақам тизими барчани ягона ҳуқуқий майдонда бирлаштиради. Бу ҳайдовчилар маданиятини оширишга ва* ***"вилоятбозлик"*** *иллатини йўқотишга хизмат қилади.*

8. Корея Миллий полиция агентлиги тасарруфидаги таълим муассасаларида мутахассис кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш таълим тизими, илмий-тадқиқотлар ўтказиш, томонлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш бўйича ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти ҳамда Корея Республикаси Марказий полиция академияси ва Кореянинг полиция кадрларини ривожлантириш институти билан ўрнатилган тартиб ва қоидаларга амал қилган ҳолда меморандум тузиш.

*Маълумот учун: Мазкур меморандум лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибиятидан 2025-йил 11 апрелда розилик хати олинган.*

9. Рақамли таълим платформасига сунъий технологияларни қўллаган ҳолда ички ишлар органлари ходимлари фаолиятини сўровномалар орқали таҳлил қилиш бўйича анкета-сўровнома модулини жорий этиш.

*Маълумот учун: Корея Республикаси Жамоат хавфсизлиги сиёсати институтида 9-йил давомида полиция ходимлари ўртасида 200 та сўровномалар ўтказилиб, 1 млн.га яқин маълумотлар базаси*

*шакллантирилган. Сунъий интеллект орқали таҳлил натижалари асосида ходимларнинг ишдан кетиш тенденцияси ва унинг сабаблари аниқланмоқда.*

10. Ички ишлар вазирлиги Академияси ва Малака ошириш институтида ХР (Ехтендед Реалитй) технологияларига асосланган интерактив Симуляцион ўқув машғулотларини босқичма-босқич жорий этиш.

*Маълумот учун: Корея Марказий полиция Академиясида баъзи камчиликларга эга ВР технологияларини чеклаган ҳолда ХРда технологиялари реал ва виртуал муҳитни бирлаштирган ҳолда қўллаб, ходимларнинг гуруҳ бўлиб амалий тайёргарлигини оширишда самарали восита сифатида фойдаланмоқда.*

11. Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари кутубхоналарида китобларни олиш ва топшириш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш.

*Маълумот учун: Корея Марказий полиция академияси кутубхонасида тингловчилар ИД-карта ва штрих-код орқали китобларни мустақил равишда олиш ва топшириш имкониятига эга бўлиб, жараён минимал ходимлар иштирокида тезкор тарзда амалга оширилмоқда.*

12. Ички ишлар вазирлиги тизимида дипфейк технологиялари орқали яратилган сохта аудио-видео ва тасвирларни аниқлаш бўйича махсус лаборатория ҳамда ахборот тизимини яратиш назарда тутилади.

*Маълумот учун: Корея Республикасида КИТЕ (Кореа Электронисс Течнологй Институте) билан ҳамкорликда дипфейк контентни аниқлаш тизими ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу тизим орқали рақамли экспертиза хулосалари тайёрланади.*

**Шундай қилиб, икки давлат ўртасида муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев қайд қилганларидек, ўзаро манфаатли, кўп қиррали ҳамкорлик ва дўстлик алоқалари муҳим аҳамият касб этади ва равнақ топаверади.**

**Olimjon AXMEDOV,**
***Malaka oshirish instituti boshlig'i, professor, polkovnik***
**Jo'rabek MUXTOROV,**
***MOI Yuridik fanlar kafedrasi professori, podpolkovnik***
**A'zamjon VAXIDOV,**
***MOI KTF Maxsus fanlar sikli boshlig'i, dotsent, podpolkovnik***

# BEZORILIK JINOYATINING KRIMINOLOGIK TAHLILI

(*Toshkent shahar Bektemir tumani misolida*)

Mamlakatimizda sud-huquq sohasida amalga oshirilayotgan tub islohotlar, xususan jinoyatchilikka qarshi kurashish siyosatida huquqbuzarliklar profilaktikasining oʻrni sezilarli darajada oshib bormoqda. Prezidentimiz Shavkat Miromonovich tashabbusi bilan zamon talablari asosida huquqbuzarliklar profilaktikasi va jinoyatchilikka qarshi kurashishning yangi tizimi yaratildi. Jumladan, huquqbuzar shaxsni faqat jazolash yoki sodir etilgan huquqbuzarliklarning oqibati bilan kurashish emas, balki gʻayriqonuniy harakatlar sodir etilishining barvaqt oldini olish eng dolzarb vazifaga aylandi.

Ta'kidlash joizki, bugungi kunda dunyoning barcha mamlakatlarida jamoat xavfsizligi va jamoat tartibiga tajovuz qiluvchi turli koʻrinishdagi harakatlar va axborot urushi avj olib bormoqda. Prezidentimiz ta'biri bilan aytganda *"....hozirgi murakkab zamon tinch osoyishta hayotimizni asrash va mustahkamlash, xalqimizning kafolatlangan xavfsizligini ta'minlash masalasini yanada dolzarb qilib qoʻymoqda"*[1]. Bunda jamiyatda oʻrnatilgan yurish-turish qoidalarini mensimaslikda ifodalangan bezorilik jinoyatlarining sodir etilayotganligi, uning yangi koʻrinishlarining paydo boʻlayotgani, mazkur jinoyatlarni guruh boʻlib sodir etish xollari koʻpayganligi ushbu jinoyatlarning oldini olish boʻyicha nazariy metodika va taktikalarni yanada takomillashtirish masalalarini tadqiq qilish lozimligini anglatadi[2].

Zero, bezorilik jinoyatining oʻziga xos xususiyati uning jamoat joylarida sodir etilishidir. Shu oʻrinda, huquqshunos olimlar A.A.Xudayberdiev va A.B.

---

[1] Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoevning 2016-yil 7-dekabrdagi Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24-yilligiga bagʻishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasidan. Xalq soʻzi. 2016 yil 8-dekabr.

[2] https://doi.org/10.5281/zenodo.12607270.

Iskandarov ta’kidlaganidek, jamoat tartibini ta’minlash sohasidagi munosabatlarga tajovuz qiluvchi huquqqa xilof qilmishlardan biri bu bezorilik jinoyati hisoblanadi[3]. Bu esa jamoat tartibiga qarshi qaratilgan jinoyat bo‘lib, jamiyatda yurish-turish qoidalarini qasddan mensimaslikda ifodalangan harakatlar shaxsni urish-do‘pposlash, unga yengil tan jarohati yetkazish yoki o‘zganing mulkiga ancha miqdorda shikast yetkazish yoxud uni ancha miqdorda nobud qilish bilan bog‘liq holda sodir etiladi[4]. Qilmishni Jinoyat kodeksi 277-moddasining 1-qismi bilan kvalifikatsiya qilish uchun yuqorida ko‘rsatilgan oqibatlarning barchasi bir vaqtda mavjud bo‘lishi talab etilmaydi.

Jamiyatda yurish-turish qoidalarini qasddan mensimaslik deganda, normativ-huquqiy hujjatlar, odob va axloq normalari, urf-odat, an’analar bilan belgilangan jamoat tartibini (shaxslar o‘rtasidagi munosabatlar, yurish-turish qoidalari, shakllangan ijtimoiy turmush tarzini) qo‘pol tarzda buzish tushuniladi. Jamoat tartibi qo‘pol tarzda buzilishi shaxs tomonidan Jinoyat kodeksi 277-moddasi birinchi qismi dispozitsiyasida nazarda tutilgan harakatlardan birortasi sodir etilishida ifodalanadi.

Qonun mazmuniga ko‘ra, aybdor o‘zining harakatlari bilan jamoat tartibini buzayotganligini anglashi lozim. Bunda mazkur xatti-harakatlar bilan jamoat tartibini buzish o‘rtasida sababiy bog‘lanish bo‘lishi shart. Sababiy bog‘lanish aniqlanmagan holda qilmish shaxsga yoki mulkka qarshi qaratilgan jinoyat deb baholanishi lozim[5].

Bezorilik uchun javobgarlik belgilangan qonunlarning qabul qilinganiga qariyb bir asrga yaqin vaqt bo‘lgan bo‘lsa-da, hozirga qadar mazkur jinoyatning obyekti masalasida yagona fikr mavjud emas. Buning asosiy sababi bezorilik uchun javobgarlik belgilangan jinoyat qonuni rivojining turli bosqichlarida mazkur qilmish uchun javobgarlik belgilangan moddaning Jinoyat kodeksi Maxsus qismning turli boblarida joy olganligi, ushbu qilmish tufayli qator ijtimoiy munosabatlarga zarar yetkazilishi, bundan tashqari Jinoyat kodeksi normalari dispozitsiyasida bezorilik tarkibi obyektiv tomonining murakkab

---

[3] Xudayberdiev A., Iskandarov Yu. Jamoat joylarida sodir etiladigan bezorilik huquqbuzarliklarining kriminologik tavsifi //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – T. 1. – №. 6. – S. 33.

[4] O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi plenumining 2002-yil 14-iyundagi “Bezorilikka oid ishlar bo‘yicha sud amaliyoti haqida”gi 9-son Qarori.

[5] O‘sha manba.

tuzilishga ega ekanligidir[6]. Yuqoridagilardan kelib chiqib, bezorilikning maxsus, turdosh va bevosita obyektlarini alohida oʻrganish lozim, deb hisoblaymiz.

Bezorilik obyektining oʻziga xos jihati shundaki, jamoat tartibiga tajovuz qilish bitta qonun normasi – JK 277-moddasi bilan qamrab olingan turli ijtimoiy munosabatlar (shaxs, uning sogʻligʻi, mulkiy huquqlar)ga zarar yetkazishda ifodalanadi. Huquqshunos olim A.N.Adilovning fikricha, “bezorining xulqi biror tashqi obyektni egallashga intilishdan kelib chiqmaydi, balki oʻzini koʻrsatib qoʻyishiga toʻsiq boʻluvchi holatlarga qarshilik koʻrsatish usullarini uning ongida aks etishini ifodalaydi”[7]. Shaxs oʻzining **“men”**ini jamiyatga qarshi qoʻyishga, oʻziga e’tiborni jalb qilish va jamoat tartibini qoʻpol ravishda buzishga intilar ekan, boshqa ijtimoiy munosabatlarga zarar yetkazishga ham tayyor boʻladi.

Tahlillarga asoslangan holda aytish mumkinki, amaliyotda bezorilik koʻp hollarda jamoat xavfsizligiga qarshi jinoyatlar bilan birga sodir etiladi. Bu haqda Oʻzbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining “Bezorilikka oid ishlar boʻyicha sud amaliyoti toʻgʻrisida”gi qarorida ham tushuntirish berilgan boʻlib, unga koʻra bezorilik jinoyatini sodir etishda ishlatilgan yoki namoyish etilgan oʻqotar qurol tegishli ruxsatnomasiz aybdorning egaligida boʻlsa, qilmish JKning 248-moddasi bilan ham qoʻshimcha kvalifikatsiya qilinadi[8]. Shu masalada D.Karaketova Jinoyat kodeksi 277-moddasidagi *“jamiyatda yurish-turish qoidalari”* degan jumla oʻrniga *“jamoat tartibi”* degan jumlaning kiritilishini jinoyatning asosiy-bevosita obyektining toʻgʻri belgilash va javobgarlik masalasini toʻgʻri hal qilinishi nuqtayi nazaridan ham maqsadga muvofiq[9], degan fikrni bildiradi. Chunki jamoat tartibi fuqarolarning shaxsiy xavfsizligi, jamoat xavfsizligi, tashkilotlarning normal faoliyat koʻrsatishi, fuqarolarning mehnat qilishi va dam olishi uchun toʻliq sharoit yaratishga, ularning sha’ni, qadr-qimmatini hamda umumaxloqiy qadriyatlarni hurmat

---

[6] https://www.researchgate.net/publication/378464614_Bezorilik_jinoati_obektining_tahlili/.

[7] Адилов А.Н. Понятие, содержание и сущность системы охраны общественного порядка // Административное право и процесс. – 2009. – № 4. – С. 4-5.

[8] Oʻzbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2002-yil 14-iyundagi “Bezorilikka oid ishlar boʻyicha sud amaliyoti haqida”gi 9-sonli qarori // Toʻplam, 2-jild. – B.110.

[9] Каракетова Д. Безорилик жинояти объектининг таҳлили. https://www.researchgate.net/ publication /378464614. Bezorilik jinoati obektining tahlili.

qilishga yo‘naltirilgan huquqiy va ijtimoiy normalar asosida jamoat joylarida yuzaga keladigan va rivojlanadigan ijtimoiy munosabatlar tizimi[10] hisoblanadi.

Jinoyat kodeksi 277-moddasida nazarda tutilgan qilmishni kvalifikatsiya qilishning zaruriy belgilaridan biri jinoyat natijasida shaxsning sog‘lig‘i, jismoniy daxlsizligi, mulkiy huquqlaridan biriga zarar yetkazilganligi hisoblanadi. Aynan ushbu belgi bezorilikni mayda bezorilikdan farqlash uchun asos bo‘lib, bu belgi qilmishning ijtimoiy xavflilik darajasini yanada oshiradi.

Shunday qilib, bezorilik ko‘p obyektli jinoyat bo‘lib, bu jinoyatni sodir etilishida jamoat tartibining buzilishi  zaruriy belgi hisoblanadi. Aynan jamoat tartibini ta’minlash bilan bog‘liq bo‘lgan ijtimoiy munosabatlar asosiy-bevosita obyekt, shaxslarning sog‘lig‘i, jismoniy daxlsizligi, mulkiy huquqlari, jamoat xavfsizligi, boshqaruv tartibi bu jinoyatning qo‘shimcha-bevosita obyekti hisoblanadi[11]. Yuqoridagilardan kelib chiqib, biz maqolamizda bezorilik jinoyatini kriminologik tahlil etishda, mazkur jinoyatning subyekti, obyekti subyekti
va obyektiv tomonlarini, shuning sodir etilish sabab va sharoitlari hamda uning oldini olishga oid chora-tadbirlarni ham yoritib o‘tishga harakat qilamiz.

Bektemir tumani IIOFMB tomonidan taqdim etilgan jinoyatchilik holati haqidagi statistik ma’lumotlarni o‘rganish jarayonida quyidagilar aniqlandi. Xususan:

**Sektorlar kesimi bo‘yicha:** 33,3% 1- va 4-sektorlar hududida, 25,0% 3-sektor hududida, 8,3 % 2-sektor hududida sodir etilgan.

**Sodir etilgan MFYlar soni**: 1 tadan (4,5%) Abay, Bektemir, Zabardas, Oltintopgan, Sohil, X.Bayqaro, Chashma MFYlarda; 2 tadan (9,1%) Zilola, Majnuntol MFY; 3 tadan (13,6%) Nurliyo‘l MFY; 4 tadan (18,2%) Mirishkor MFY; 6 tadan (27,3%) Nuravshon MFYda.

**Sodir etilgan joy:** 50,0% ko‘chada, 16,6% bozor ichida, 12,5% yo‘lning qatnov qismida, 4,1% jamoat transportida, jamoat transporti bekatida, ish choylarida, maishiy xizmat ko‘rsatish joyida va boshqa joylarda.

**Haftaning qaysi kunlarida ko‘p sodir etiladi**: 13,6% - dushanba kuni, 27,3% - seshanba kuni, 4,5% chorshanba kuni, 9,1% payshanba kuni, 4,5% juma kuni, 22,7% shanba kuni, 18,2% - yakshanba kuni sodir etilgan.

---

[10] Ўзбекистон юридик энциклопедияси.-Тошкент: Адолат, 2009. – Б. 167.

[11] Каракетова Д. Безорилик жинояти объектининг таҳлили. https://www.researchgate.net/ publication /378464614 Bezorilik jinoati obektining tahlili.

**Sodir etilish vaqti**: jinoyatlarning aksariyati kunduz kuni, kunning ikkinchi qismida sodir etilgani kuzatildi.

**Bezorilik jinoyatini sodir etuvchi shaxslar soni**: 2,6% guruh tarkibida, 97,4% yakka holatda.

**Jinoyatni sodir qilish vaqtidagi huquqbuzarning holati:** 8,3% alkogol mahsulotlarini iste’mol qilgan holatda, 91,6% ruhiy holati barqaror bo‘lgan holatda sodir etilgan.

**Jinoyatni sodir etgan shaxs jinsi**: 9,1% ayol, 90,9% erkak jinsi tomonidan sodir etilgan. Shuningdek, 13,5% shaxsi noma’lum huquqbuzarlar tomonidan sodir etilgan. Bu esa o‘z navbatida o‘zaro tanish bo‘lmagan begona shaxslar tomonidan ko‘proq sodir etilishi kuzatilmoqda.

**Jinoyatdan jabrlangan shaxslar jinsi**: 4,5% voyaga yetmagan, 9,1% ayol, 86,3% erkak.

**Huquqbuzarlarning yoshi** – 19-30 yoshgacha 6 nafar, 30-40 yoshgacha 6 nafar, 40-50 yoshgacha 1 nafar.

**Jabrlanuvchining yoshi** – voyaga yetmagan 1 nafar, 30 yoshgacha 5 nafar, 30-40 yoshgacha 2 nafar, 40-50 yoshgacha 4 nafar, 50 va undan yuqori yoshdagilar 4 nafar.

**Yuqoridagi tahliliy ma’lumotlarga asoslanib quyidagicha xulosa qilish mumkin:**

**I. Ushbu turdagi jinoyatlarning jamoat joylarida sodir etilishi sababi va unga imkon bergan sharoitlarni o‘rganadigan bo‘lsak:**

- **jamoat joylari** – odamlar dam oladigan va ko‘pincha spirtli ichimliklar iste’mol qilinadigan hududlardir (kafe, bar, tungi klublar). Turli qarashdagi, turli kayfiyatdagi begona odamlarning bir joyda to‘planishi nizo kelib chiqish ehtimolini keskin oshiradi. Ichimlik ta’sirida jamoat joyidagi odob-axloq me’yorlari shaxs uchun “ahamiyatsiz” bo‘lib qoladi.

- **ko‘chalarda** insonlar bir-birini tanimaydigan muhit shakllanadi. Ko‘chada inson o‘zini taniydigan qarindosh yoki qo‘shnilari oldidagiga qaraganda erkinroq va mas’uliyatsizroq his qiladi. Ko‘cha – bu ochiq hudud bo‘lib, shaxs jinoyatni sodir etib, olomon orasiga singib ketish yoki noma’lum tomonga qochib ketish osonroq deb o‘ylaydi. Atrofdagilarning “menga tegmasa bo‘ldi” qabilida ish tutishi bezoriga qo‘shimcha kuch beradi. Agar ko‘chada hech kim tanbeh bermasa, jinoyatchi o‘zini “vaziyat xo‘jayini” deb his qiladi.

Yoritilmagan ko‘chalar, videokuzatuv moslamalari yo‘qligi yoki patrul naryadlari kamligi mazkur hududni bezorilar uchun “qulay maydon”ga aylantiradi.

- **bozor va savdo majmualari** atrofida ko‘proq sodir etilishi sababi, yuqori xavfli zonalar sifatida tasniflanadi ya’ni bozor bu turli toifadagi, turli maqsaddagi va turli kayfiyatdagi odamlar to‘qnashadigan joy. Xaridor va sotuvchi, kirakash va yo‘lovchi yoki shunchaki ikki piyoda o‘rtasidagi kichik muomala madaniyatsizligi tez fursatda katta janjalga (bezorilikka) aylanib ketadi. Shuningdek, odamlarning ko‘pligi, tor yo‘laklar, navbatlar va shovqin inson asab tizimiga salbiy ta’sir qiladi. Bunday muhitda “portlash” (agressiya namoyishi) uchun arzimagan sabab (masalan, yelkasi tegib ketishi yoki yo‘l bermaslik) yetarli bo‘ladi.

Bundan tashqari, bozorda hech kim bir-birini tanimaydi. Jinoyatchi “meni hech kim tanimaydi, janjal qilib tez ketib qolaman” degan noto‘g‘ri fikrga boradi. Odamlar oqimi tez bo‘lgani uchun atrofdagilar sodir bo‘layotgan voqeaga “begonalarning ishi” sifatida qaraydi va ko‘pincha aralashmaydi. Bozorlar atrofida doimiy ish joyiga ega bo‘lmagan, kunlik daromad bilan yashaydigan yoki ijtimoiy foydali mehnat bilan band bo‘lmagan shaxslar ko‘p bo‘ladi.

**II. Haftaning ko‘p sodir etilayotgan kunlari bo‘yicha tahlil etadigan bo‘lsak:**

**1.** *Seshanba* – eng yuqori ko‘rsatkich (27,3%) bo‘lishi sababi dushanba kuni odamlar odatda yangi ish haftasiga moslashadilar va nisbatan ehtiyotkor bo‘ladilar. Seshanba kuniga kelib esa ijtimoiy aloqalar, bozorlardagi savdo-sotiq va odamlar oqimi o‘z cho‘qqisiga chiqadi. Hafta boshidagi ish va o‘qish bilan bog‘liq muammolar, asabiylik aynan seshanba kuni ichki agressiya ko‘rinishida namoyon bo‘lishi mumkin. Ko‘pgina hududlarda seshanba yirik ulgurji yoki mahalliy bozor kunlariga to‘g‘ri keladi. Yuqorida ta’kidlaganimizdek, bozorlardagi tirbandlik va odam zichligi bezorilik uchun asosiy maydondir.

**2.** *Shanba va yakshanba* - (40,9%) kunlarida bo‘lish sababi hafta yakunida ulfatchilik, to‘y-hashamlar va ko‘ngilochar maskanlardagi yig‘ilishlar ko‘payadi. Mastlik holati esa bezorilikning 70-80%ga sababchidir. Yoshlarning va ishsiz qatlamning ko‘chalarda bemaqsad to‘planishi aynan dam olish kunlari

kuzatiladi. Insonlar dam olish kunlari o‘zlarini ijtimoiy mas’uliyatdan ozod deb his qiladilar, bu esa xulq-atvorning nazoratdan chiqishiga olib keladi.

**3.** *Dushanba* (13,6%) *va payshanba* (9,1%) kunlari ish haftasining boshlanishidagi stress va yo‘llardagi tirbandliklar bilan bog‘liq. Xalq orasida “osh kuni” yoki kichik dam olish sifatida qaraladigan kun. Bu vaqtda ham ijtimoiy yig‘ilishlar soni ortadi.

**4.** *Chorshanba va juma* – eng past ko‘rsatkichlar (4,5%dan) sababi haftaning o‘rtasi, odamlar ish jarayoniga to‘liq sho‘ng‘igan va ko‘ngilochar mashg‘ulotlarga vaqt kamroq bo‘ladi. Ma’naviy-diniy omillarning ta’siri katta. Juma kuni ko‘pchilik o‘zini bosiq tutishga intiladi, ichkilikbozlik va tajovuzkorlikdan tiyiladi. Bu kun jamiyatda ichki axloqiy nazorat kuchayadigan kun hisoblanadi.

**III. Ko‘proq kunduz kunning ikkinchi yarmida** sodir etilishi sabablari, xususan, bu jamiyat a’zolarining bir nuqtadan ikkinchi nuqtaga faol harakatlanish vaqtiga to‘g‘ri kelishi, ya’ni maktab o‘quvchilari, talabalar va ishchi-xodimlarning katta oqimi ko‘chaga chiqadi. Odamlar zichligi yuqori bo‘lgan joylarda (bekatlar, bozorlar, metro) kichik to‘qnashuvlar yoki kelishmovchiliklar bezorilikka aylanib ketish ehtimoli ortadi. Yoshlar aynan shu vaqtda o‘qishdan keyin turli ko‘ngilochar maskanlar yoki mahallalarda guruh-guruh bo‘lib to‘plana boshlaydilar. Bu esa, kun davomida to‘plangan salbiy energiya aynan kechga yaqin tashqariga chiqadi. Ishdagi yoki o‘qishdagi charchoq insonning o‘zini jilovlash qobiliyatini pasaytiradi. Arzimagan turtki yoki noto‘g‘ri qarash portlashga sabab bo‘ladi. Shuningdek, inson ish beruvchi yoki o‘qituvchi nazoratidan chiqqandan so‘ng, o‘zini erkin his qiladi va bu erkinlik ba’zan huquqiy me’yorlarni buzish shaklida namoyon bo‘ladi.

Kunning ikkinchi yarmi asta-sekin qorong‘ilikka o‘tadi. Bu esa bezorilik sodir etmoqchi bo‘lgan shaxsda “meni tanishmaydi” yoki “qochib ketishim oson” degan vizual illyuziyani va jazosizlik hissini kuchaytiradi. Bundan tashqari, uyga borishga shoshilayotgan shaxslar jamoat transporti va yo‘llardagi tirbandliklar yo‘lovchilar yoki haydovchilarda agressiyani qo‘zg‘atuvchi qo‘shimcha omil hisoblanadi.

**IV. Huquqbuzarlarning yoshi bo‘yicha tahlil qiladigan bo‘lsak:**

**1.** 19–30 yoshdagilar eng faol va ayni paytda eng beqaror qatlam hisoblanadi. Sabablari, bu yoshda insonning jismoniy quvvati eng yuqori nuqtada bo‘ladi. Har qanday tashqi ta’sirga (gap talashish, turtki yeyish) nisbatan muvozanatli javob berishdan ko‘ra, kuch ishlatish orqali “g‘alaba qozonish” istagi ustunlik qiladi. Shuningdek, bu yoshdagi shaxslar hali jamiyatda o‘z o‘rnini to‘liq topib ulgurmagan bo‘ladi. Bezorilik ular uchun “men kuchliman”, “mendan qo‘rqishadi” degan soxta obro‘ni yaratish vositasi bo‘lib xizmat qiladi. Hamda bu yoshdagilar guruh ta’siriga tez tushuvchilar hisoblanadi, ya’ni ulfatchilik va ko‘cha guruhlariga moyil, guruh ichida esa “mas’uliyatsizlik” hissi kuchli bo‘ladi.

**2.** 30–40 yoshdagilar bezorilikka qo‘l urishi 19 yoshlilardan farq qiladi sababi, bu yoshda insonning zimmasida oilaviy mas’uliyat, iqtisodiy muammolar va ijtimoiy bosim yuqori bo‘ladi. Yig‘ilib qolgan ichki stress kichik bir bahona bilan jamoat joyida agressiya bo‘lib chiqib ketadi. Statistikaga ko‘ra, 30 yoshdan oshgan shaxslar orasida surunkali ichkilikbozlik yoki maishiy ichkilikbozlik zamirida sodir etiladigan bezoriliklar ko‘p uchraydi. Agar shaxs 30 yoshgacha bir necha bor huquqbuzarlik sodir etgan bo‘lsa, bu yoshga kelib bezorilik uning uchun oddiy hayot tarziga aylanib qolgan bo‘lishi mumkin.

**3.** 40–50 yoshdagilar ko‘p holatlarda jismoniy faollik va agressiya darajasi kamayadi. Inson tabiatan bosiqroq bo‘la boshlaydi. Shuningdek, bu yoshdagi insonning yo‘qotadigan narsasi ko‘p (obro‘, farzandlar oldidagi hurmat, barqaror ish). U “bezori” degan nom olishdan va jamiyat oldida sharmanda bo‘lishdan ko‘proq qo‘rqadi. Nizoli vaziyatlarni mushtlashuvsiz, muloqot yoki vaziyatdan chiqib ketish orqali hal qilish ko‘nikmasi shakllangan bo‘ladi.

**V. Jabrlanuvchining yoshi bo‘yicha tahlil qiladigan bo‘lsak:**

**1.** 30 yoshgacha bo‘lgan shaxslar eng ko‘p jabrlanuvchilar qatlamidir. Buning asosiy sabablari tengdoshlar o‘rtasidagi “kim zo‘r yoki kim o‘zar?” qabilidagi kelishmovchiliklardan kelib chiqadi shuningdek, bu yoshdagilar kechki vaqtda ko‘chalarda, bozorlarda va ko‘ngilochar maskanlarda eng faol yuradigan qatlam hisoblanadi. Ko‘p holatlarda bu yoshdagi jabrlanuvchilarning o‘zlari ham vaziyatni keskinlashtiruvchi gap-so‘z yoki harakatlar bilan huquqbuzarni g‘ayri-ijtimoiy xatti-harakatni sodir etishga chorlaydi.

**2.** 40–50 va 50 yoshdan yuqori bo‘lganlar jami 8 nafar bo‘lishining sabablari bu yoshdagilarning ko‘pchiligi ko‘chada yoki bozorda tartibni buzayotgan yoshlarni tartibga chaqirishga, tanbeh berishga harakat qilishadi natijada “Tarbiyasi buzuq” bezori shaxs esa, tanqidni to‘g‘ri qabul qilish o‘rniga yoshi kattaga javoban kuch ishlatadi. Shuningdek, 50 yoshdan oshgan shaxslar jismoniy jihatdan zaifroq ko‘ringani uchun bezori shaxs ularga nisbatan o‘zlarini ustunligini his qiladi va kuch ishlatadi.

**3.** 30–40 yoshdagilar ham jismonan baquvvat, ham hayotiy tajribaga ega. Ular befoyda janjaldan qochishni bilishadi va bezori shaxs uchun “qiyin nishon” hisoblanishadi. Bezorilar ong ostida o‘zlari bilan teng kuchli shaxslarga hujum qilishdan tiyiladilar.

**VI. Shaxsning emotsional holati bo‘yicha:**

- oiladagi nosog‘lom muhit, ya’ni zo‘ravonlik kuzatilgan oilada ulg‘aygan shaxs uchun “*kuch ishlatish*” muammoni hal qilishning yagona yo‘li bo‘lib ko‘rinadi;

- jamiyatda o‘z o‘rnini topa olmaslik, shaxsda “*kuch ishlatish*” orqali hurmat qozonish yoki borligini namoyon etish istagini vujudga keltiradi;

- jamiyatda yurish-turish qoidalariga bepisand bo‘lgan huquqbuzar shaxslarga boshqa shaxslarning befarqligi. “*Bir bolaga yetti mahalla ota-ona*” degan sharqona naqlga bugungi zamon odamlarining amal qilmasligi. Shuningdek, bunday huquqbuzarliklarga atrofdagilarning befarqligi va guvohlarning sukut saqlashi jinoyatchida “*hamma narsa mumkin*”, “*hech kimni birov bilan ishi yo‘q*” degan fikrni uyg‘otadi;

- huquqbuzar shaxsga, ayniqsa yoshlarga ommaviy axborot vositalari orqali kirib kelayotgan yot madaniyatning salbiy ta’siri. Jumladan, filmlar va internetda zo‘ravonlikni, kuch ishlatishni “*qahramonlik*” sifatida talqin qilinishi, jinoiy hayot tarzini targ‘ib qiluvchi kontentlar yoshlar ongini zaharlamoqda.

**Mazkur jinoyatning sodir etilishining oldini olishga qaratilgan quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish maqsadga muvofiq:**

**1. Hududlarda nazoratni kuchaytirish bo‘yicha:**

- tahlilda jinoyatlarning 50% ko‘chada va 16,6% bozorlarda sodir bo‘layotganini inobatga olib, “**Xavfsiz hudud**” tizimi samaradorligini yanada kuchaytirish maqsadida Nuravshon, Mirishkor va Nurliyo‘l MFYlarida (jinoyat

eng koʻp sodir boʻlgan mahallalar) patrul-post xizmati yoʻnalishlarini qayta koʻrib chiqish va piyoda naryadlar sonini oshirish.

**-** yuz orqali tanish (Face ID) tizimlarini bozor va bekatlarga integratsiya qilish orqali "noma'lum" huquqbuzarlar ulushini (13,5%) kamaytirish.

- voqea joyida PPX va Milliy Gvardiya naryadlari, fuqarolar tomonidan olingan (telefonlaridagi) tasvirlar va bodi-kamera ma'lumotlarini zudlik bilan yagona bazaga yuklash.

- noma'lum shaxsga doir "diqqat qidirilmoqda" e'lonlarini mahalliy guruhlar va kanallarda tezkor tarqatish (bu koʻpincha jinoyatchining tanishlari yoki uni tanigan shaxslar tomonidan anonim xabar berilishiga sabab boʻladi).

**2. Vaqt va ijtimoiy omillarga asoslangan holda joylarda huquqbuzarliklar profilaktikani qoʻllash:**

- seshanba, shanba va yakshanba kunlaridagi yuqori koʻrsatkichlarni kamaytirish uchun tigʻiz vaqtlarda ya'ni kunning ikkinchi yarmida (**oʻqish va ishdan qaytish vaqtida**) jamoat transporti bekatlari va odamlar gavjum nuqtalarda ichki ishlar xodimlarining vizual ishtirokini ta'minlash.

- shanba va yakshanba kunlari tungi klublar, kafe, barlar, dam olish maskanlarida spirtli ichimliklar sotilishi va jamoat tartibiga rioya etilishi ustidan nazoratni kuchaytirish.

**3. Huquqbuzarlik sodir etishga moyil shaxslar va jabrlanuvchilar bilan ishlash:**

- 19–30 yoshdagi ishsiz yoshlarni kasbga yoʻnaltirish va ularni sport seksiyalariga bepul jalb etish. "Koʻcha bezoriligi" energiyasini sportga yoʻnaltirish (boks, kurash musobaqalari).

- janjalga moyil, ilgari sudlangan yoki ma'muriy javobgarlikka tortilgan, zoʻravonlikka moyil yoki notinch oilada yashaydigan shaxslar bilan "*Mahallabay ishlash*", shaxsdagi agressiyani boshqarish boʻyicha mahallalarda psixologlar bilan suhbatlarni (umumiy va yakka tartibdagi profilaktika) tashkil etish.

- 50 yoshdan oshgan fuqarolarga nizoli vaziyatlarda oʻzini tutish, bezoriga duch kelganda toʻgʻri harakat qilish, mast holdagi shaxslar bilan muloqot qilishdan qochish va xavf tugʻilganda zudlik bilan tegishli organlarga xabar berish tartibini (viktimologik profilaktika) boʻyicha targʻibot ishlarini olib borish.

**4. Ma’naviy-ma’rifiy targ‘ibot ishlari:**

- befarqlik va internet ta’siri salbiy omillarini yo‘qotish uchun “**Mening mahallam – mening mas’uliyatim” shiori asosida** mahallalarda uchrashuvlar o‘tkazish, huquqbuzarlik haqida xabar bergan fuqarolarni rag‘batlantirish tizimini targ‘ib qilish.

- OAV orqali va ijtimoiy tarmoqlarda bezorilikning oqibatlari (shaxsning pushaymonligi va qo‘llanilgan jazo choralari) aks etgan ta’sirchan videoroliklarni muntazam ko‘rsatib borish.

- ta’lim muassasalarida “Odob-axloq” va “Huquqiy savodxonlik” darslarining sifatini oshirish, huquqbuzarlik uchun javobgarlik muqarrar ekanligini uqtirish, o‘quvchi, talabalarda yuksak madaniyatni yanada shakllantirish.

- juma kunidagi past ko‘rsatkich tajribasidan foydalanib, mahalla imom-xatiblari orqali “**O‘zaro hurmat**” va “**Qo‘shnichilik haqqi**” mavzularida ma’ruzalarni ko‘paytirish.

**5. Tashkiliy chora-tadbirlar:**

- **Ichki ishlar organlari va Milliy gvardiya** jamoat joylarida birgalikda patrullik qilish, alohida xizmat vaqtida esa, huquqbuzarlik bo‘yicha ma’lumotlarni tezkor almashishni ta’minlash. Bu, voqea joyiga zudlik bilan borish va jinoyatchilarni tezda ushlash imkonini beradi.

- **“Mahalla yettiligi”** tizimi asosidagi ishlarni samarali tashkil etish. Nizoli oilalarni va “ko‘cha bezoriligi”ga moyil yoshlarni erta aniqlash, yoshlar yetakchisi va psixolog tomonidan ishsiz yoki ta’limdan chetda qolgan yoshlarning bandligini ta’minlash, ularni jinoiy muhitdan uzoqlashtirish bo‘yicha chora-tadbirlarni amalga oshirish.

- jabrlanuvchi shaxslarga bezorlik jinoyati yoki boshqa xavflar tug‘ilganda **“Tashvish tugmasi”**ni bosgan vaqtida huquqbuzarni cho‘chitish, hushyorlikka chaqirish, sergak tortishi va atrofda yaqin bo‘lgan boshqa shaxslarning e’tiborini jalb etish maqsadida **“Maxsus tovush”** chiqaruv karnay hamda shaxsni tanib olish maqsadida yon atrofni to‘liq tasvirga oladigan (360°) foto yoki videoga olish moslamalarini o‘rnatish.

- **“Elektron profilaktika”** ya’ni **“Tashvish tugmasi”** orqali beriladigan chaqiruvlarni yagona platformaga yo‘naltirish va barcha hamkor organlarning bir platforma bo‘yicha tezkor ishlashini ta’minlash. Ya’ni jamoat joylaridagi

**“Tashvish tugmasi”** orqali berilgan chaqiruvlar asosida shu manzilga yaqin bo‘lgan xizmat xodimlari zudlikda voqea joyiga borishi va tegishli chora-tadbirlarni amalga oshirishini ta’minlash.

**Xulosa qilib aytganda**, joriy yilning o‘tgan davrida bezorilik jinoyatlarining **516,7%ga** keskin oshishi hududda jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimini zudlik bilan qayta ko‘rib chiqishni talab etadi. Jinoyatlarning asosiy qismi (50%) ko‘chalarda, kunduz kunining ikkinchi yarmida va asosan seshanba hamda dam olish kunlarida sodir etilmoqda. Huquqbuzar asosan 19–40 yoshdagi (90,9% erkaklar), ruhiy sog‘lom, lekin ijtimoiy va iqtisodiy beqaror, aksariyat hollarda jabrlanuvchi bilan avvaldan tanish bo‘lmagan shaxslar hisoblanmoqda. Jabrlanuvchi asosan erkaklar (86,3%), shu jumladan, yoshlarni tartibga chaqirishga uringan katta yoshli (50 yoshdan yuqori) fuqarolar hisoblanmoqda.

Bezorilik jinoyatlarning 94,7 foizi hech qanday qurolsiz, oddiy mushtlashuv orqali sodir etilgan, bu esa jamiyatda agressiya darajasi yuqoriligini va muomala madaniyati pastligini ko‘rsatadi.

Yuqoridagilarga asoslanib jamoat joylarida “Face ID” va 360° kuzatuv moslamalarini o‘rnatish orqali “noma’lum shaxs” tushunchasiga chek qo‘yish.

Naryadlar yo‘nalishini jinoyat eng ko‘p sodir bo‘layotgan mahallalarga (Nuravshon, Mirishkor) va tig‘iz vaqtlarga ko‘chirish. Katta yoshli fuqarolarga nizoli vaziyatlarda xavfsizlik qoidalarini o‘rgatish va yoshlarning bo‘sh vaqtini sportga yo‘naltirish zarur.

Bektemir tumanidagi vaziyatni sog‘lomlashtirish uchun faqat jazo choralari emas, balki “Mahalla yettiligi” imkoniyatlaridan foydalangan holda ijtimoiy-psixologik reabilitatsiya va zamonaviy texnologik nazoratni (elektron profilaktika) uyg‘unlashtirish maqsadga muvofiqdir.

*Илмий мақолалар*

**Султонмурод ОЛИМ,**
***Тошкент амалий фанлар университети профессори, ф.ф.д., Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими***

# АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗДА ДАВЛАТНИНГ ДУНЁВИЙЛИК МОҲИЯТИ
## (дин ва мафкура муносабатлари)

**Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватланган ташаббуси.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 2017 йил сентябрида ўтказилган 72-сессиясидаги нутқида, халқаро хавфсизлик, минтақавий ҳамкорлик, экология каби қатор глобал муаммолар билан бир қаторда, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш масаласига алоҳида тўхталди. Бу борада у БМТ Бош Ассамблеясининг *“Маърифат ва диний бағрикенглик”* махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди. Айни ташаббус БМТга аъзо 193 мамлакат томонидан қўллаб-қувватланди ва БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрида ўтказилган 73-сессияси 51-йиғилишида *“Маърифат ва диний бағрикенглик”* резолюцияси якдиллик билан қабул қилинди.

Бу резолюцияда кўпроқ маърифатпарварлик ғоялари илгари сурилиб, жаҳонда хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида соғлом кучларни бирлаштиришнинг, ўзаро ҳурмат, инсон ҳуқуқлари, муроса ва бир-бирини тушунишнинг муҳимлиги эътироф этилган ҳолда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган. *Биринчидан,* унда маданиятлар ва динлараро муносабатлардаги уйғунликни рағбатлантириш ҳамда шахсларнинг дин ва эътиқодларига қараб камситилишига қарши курашишга қаратилган барча халқаро, минтақавий, миллий ташаббуслар қўллаб-қувватланди. *Иккинчидан*, ҳозирги даврда айрим минтақаларда давом этаётган дин ва эътиқод борасида дискриминация, таҳқирлаш ҳамда зўравонлик, террористик гуруҳларнинг инсонларнинг дини ва эътиқоди сабабли доимий таъқиб қилаётганидан жиддий хавотир ва ташвиш баён этилган.

*Учинчидан,* халқаро ҳуқуқ, инсон ҳуқуқларини бузиб, миллий, ирқий ва диний адоватни қўзғаган ҳолда қасддан диний обидалар ва тарихий зиёратгоҳларга зарар етказилиши билан боғлиқ ҳолатларга, шундай ҳаракатларнинг олдини олишга халқаро ҳамжамият эътиборини қаратиш зарурлиги билдирилган.

**Ташаббус ҳуқуқи.** Ҳеч кимнинг ўзи амал қилмайдиган қоидани жорий этиш ҳақида таклиф киритишга ҳаққи йўқ. Таклиф киритганда ҳам инобатга олинмайди. Чунки, ўзбек халқ мақолида айтилганидек: *“Аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ!”* – дейилмайдими?

Ўзбекистон давлатининг дунё халқини диний бағрикенгликка даъват этишга тўла ҳаққи бор. Чунки бу ғоя аввал-бошдан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида муҳим қатъият сифатида муҳрлаб қўйилган.

**Муҳим моддалар моҳияти.** Конституцияда дин ва давлат ўртасидаги муносабатларини тартибга соладиган саккизта модда мавжуд. Шартли равишда, бу моддаларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. *Динга билвосита алоқадор (12-, 19-, 33- ва 58-) моддалар.*
2. *Динга бевосита боғлиқ (1-, 35-, 71- ва 75-) моддалар.*

Бу моддаларни бирма-бир кўриб чиқишдан олдин баъзи масалаларга ойдинлик киритиб ўтишга тўғри келади.

**Мафкура нима?** Муайян гуруҳ (*халқ, миллат, ижтимоий қатлам*)нинг орзу-мақсадлари, эҳтиёжлари, муддаолари, манфаатлари, интилишлари иродасини ифодалаб, уларни ҳимоя қилиш ва амалга оширишга қаратилган ғоялар тизими ёки мажмуасига *“мафкура”* дейилади.

**Дин ҳам мафкура.** Истиқлол динга қарашимизни бутунлай ўзгартириш имконини берди. Агар худосизликка таянган Шўро сиёсати ва унга асосланган ўша давр илмининг бу тушунчага таърифига ишонсак, бугун бизни буткул адаштиради. Чунки у: *“Дин – афюндир”,* – деган ақидага суянар эди. Ҳолбуки...

*Инсон эмас, қандайдир ғайритабиий (илоҳий) куч-қудрат тарафидан яратилган,* деб талқин этиладиган, олам ва одамнинг ибтидоси ва интиҳоси ҳақида маълумот берадиган, бандаларни нималарнидир қилишга даъват этиб, улардан нималардандир тийилишни қатъий талаб

этадиган, яхшилик ва ёмонликни обдон тушунтириб берадиган, савобларга мукофот ва гуноҳларга жазо муқаррарлигидан огоҳ қиладиган ғоялар тизими (мажмуаси) *“дин”* дейилади.

*Бу таъриф барча динларга бирдай мос келаверади?!*

Дин инсоннинг ҳаёт йўлини тартибга солишга қаратилган ва аҳолининг муайян қатлами манфаатларини ҳимоя қилар эканми, демак, у мафкура. Шу маънода ҳар қандай дин одамларнинг муайян гуруҳи учун ҳаёт тарзи, яшаш йўли, яъни эътиқоди ҳисобланади.

**Давлат ва мафкура муносабатлари.** Конституциянинг давлат ва мафкура муносабатлари билан боғлиқ моддалари, билвосита бўлса-да, динга ҳам тааллуқли ҳисобланади. Давлат ва мафкура муносабатлари Конституциямизнинг 12-моддасида мана бундай ҳал этилган:

*“Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.*

*Ҳеч кайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”*[12].

Конституция фуқаро, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ, эркинлик ҳамда бурчларини белгилайди. Конституция нимагадир йўл бериши мумкин, ниманидир ман этади. Масалан, ана шу 12-модда жамиятда кўпмафкуравийликка имкон беради, бироқ давлат мафкураси бўлолмайди.

Модомики, дин мафкура эканми, жамиятимизда кўп дин фаолият олиб бораверади, лекин ҳеч бир дин давлат дини бўла олмайди.

**Мафкуранинг икки тури.** *Кўпмафкуравийлик имконияти жамиятда ҳар қандай мафкура тарғиб ва ташвиқ қилинавериши – мумкин,* дегани эмас. Шунинг учун бугун жамиятимизда мавжуд мафкураларни икки гуруҳга ажратамиз:

*1. Бунёдкор (яратувчи, прогрессив, қонуний) ғоялар асосидаги мафкуралар.*

*2. Вайронкор (бузғунчи, регрессив, реакцион, ноқонуний) ғоялар асосидаги мафкуралар.*

Биринчи гуруҳ мафкураларга Конституция йўл беради, иккинчи гуруҳ мафкураларни эса Конституция ман этади.

[12]Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023. – Б. 6.

Мафкураларнинг ҳаммаси сиёсий ҳокимият учун курашга киришавермайди. Конституция бунга йўл қўймайди. Чунки жамиятда бошқа ҳар қандай мафкура билан сиёсий ҳокимиятни эгаллаш учун курашадиган мафкура ўртасида муайян тафовут бўлиши шарт!? Шунга кўра, янги Ўзбекистон жамияти бунёдкор, яъни яратувчи, прогрессив ғоялар асосига қурилган, бошқача айтганда, қонуний мафкураларнинг ўзи ҳам учга бўлинади:

*1. Давлат ҳокимиятини қонуний асосда эгаллашга қаратилган мафкуралар. Партиявий мафкуралар.*

*2. Давлат ҳокимиятини эгаллашга қаратилмаган мафкуралар. Диний мафкуралар.*

3. **Миллий мафкура:** *“миллий мафкура”, “жамият мафкураси”, “умумхалқ мафкураси”, “миллий ғоя”* деган атамалар билан ҳам тилга олинади. 2000 йили чоп этилган *“Миллий мафкура концепцияси”* расман “*Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар*”[13] деб тумтоқроқ номланди. Бари эса амалда бир мафкурани билдирди!?

**Барча динлар – тенг.** Конститутуциянинг 19-моддасида шундай сўзларни ўқиймиз:

*“Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади.*

*Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, д и н и (таъкид бизники* – ***С. О.****), э ъ т и қ о д и (таъкид бизники –* ***С. О.****), ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.*

*Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”*[14].

Демак, фуқаронинг қайси динга мансублиги, эътиқоди қандайлиги унинг ҳуқуқларига мутлақо дахл қила олмайди. Бу ерда *“дин”* ва *“эътиқод”* атамалари айнан тенг тушунчалар эмас. Чунки эътиқод нодиний бўлиши ҳам мумкин.

---

[13] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
[14]Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Б. 9.

**Эътиқод эркинлиги.** 33-моддада ҳам *“эътиқод”* тушунчаси худди шундай – ҳам диний, ҳам нодиний маънодаги дунёқарашни англатиб келган:

*“Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод (*таъкид бизники – ***С. О.)*** *эркинлиги ҳуқуқига эга.*

*Ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.*

*Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.*

*Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек, давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади”*[15].

**Жинслар тенглиги.** Конституциямизнинг 58-моддасида жамиятда жинсий тенглик ўрнатилиши кафолатланади:

*“Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.*

*Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди”*[16].

Бу модда билан кўп масалалар қатори, никоҳ бўйича ҳам эркаклар ва хотин-қизларга бир ҳуқуқ белгиланиши жорий этилади. Ислом дини шариатидан келиб чиқиб, давлат никоҳ борасида эркакларга қандай ҳуқуқ ва эркинлик берса, хотин-қизларга ҳам худди шундай ҳуқуқ ва эркинлик беришга мажбур. Нима, энди аёлларга ҳам бир пайтнинг ўзида тўртта никоҳга кириш ҳуқуқи берилсинми? Астағфируллоҳ. Кимки, бу борада шариат қоидасини жорий этишни зимдан ёки ошкора тарғиб ва ташвиқ қилаётган бўлса, билингки, бунинг замирида Конституциявий давлатни ағдариб, ўрнига Ислом давлати қуришдек провакацион ғояни халқ ўртасида ёяётган ҳисобланади!?

[15]Ўша нашр. – Б. 16.
[16]Ўша нашр. – Б. 24.

Конституциямизнинг 1-моддасидаги биргина *“демократик... давлат”* сифатининг ўзиёқ никоҳ борасида эркакка бошқа, хотин-қизларга бошқа ҳуқуқ ва эркинликлар беришга йўл қўймайди. Чунки демократиянинг замирида, аввало, ирқий, миллий, ижтимоий ва бошқа тенгликлар қатори, жинсий баробарлик ҳам ётади.

**Дин ва дунёвий давлат.** Конституциямизнинг динга бевосита алоқадор тўрт моддасида, бошқа масалалар қатори, бевосита давлат ва дин муносабатларига дахлдор тўрт позиция илгари сурилган.

1-модда 1-бандидаёқ давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузуми тури эълон қилинган: *“Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган* **суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий** *ва* **дунёвий** *(таъкид бизники –* ***С. О.****) давлат”*[17].

Конституциянинг олдинги вариантида бу банд: *“Ўзбекистон – суверен демократик республика”,* – тарзида берилган эди. Янгиланган вариантда унга *“ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”* сифатлари қўшилди. Мавзумиз *“дунёвий”* сифатини алоҳида шарҳлашни талаб этади.

...Мен Эронга бориб келганман. Никоҳ борасидаги ислом қоидаси бу мамлакат қонунларида бор. Аммо, иккинчи хотин олиш учун аввал бунга биринчи, учинчи хотин олиш учун олдинги икки, тўртинчи хотин олиш учун олдинги уч хотин рухсат бериши зарур!? Ҳаётда эса бунинг асло имкони йўқ!?

19-моддада эса барча фуқаролар учун бир хил ҳуқуқ ва эркинликлар берилиши кафолатланган. Модомики, шундай экан, мамлакатда бир дин вакиллари учун бошқа, бошқа дин вакиллари учун – бошқа қонун қабул қилиб бўлмайди!?

**Дунёдаги мусулмон мамлакатлар турлари.** Конституциямиз 1-моддасининг туб мазмун-моҳиятига етиш учун яна бир нарсага аниқлик киритиб олишимиз керак. Айнан шу давлат ва дин муносабатлари қандай ҳал этилганига қараб, мусулмон мамлакатлари учга бўлинади:

1. Ислом давлатлари (Саудия Арабистони, Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси ва бошқалар).
2. Ислом давлат дини деб эълон қилинган мамлакатлар (Миср Араб Республикаси, Ливан, Марокаш ва бошқалар).

[17]Ўша нашр. – Б. 4.

3. Давлат диндан, дин давлатдан ажратилган мамлакатлар, яъни демократик давлатлар (Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва бошқалар).

Мамлакатимизда давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси мувофиқлаштиради. Давлат дин ишларига халақит қилмайди, дин ҳам ўз навбатида давлат ишларига аралашмайди. Давлат масжид, мадраса қурмайди (миллий қадрият сифатида Имом Бухорий меъморий мажмуасини бунёд этиш, Бухородаги Масжиди Калонни таъмирлаш бундан мустасно, давлат, хоҳласа, шунга ўхшаш эзгу ишларни амалга ошираверади), уларнинг моддий таъминотини бўйнига олмайди, Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси қарамоғидаги ўрта махсус ва олий таълим муассасалари талабаларига бюджетдан стипендия ажратилмайди!?

Илгарилари Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси қарамоғидаги ўрта махсус ва олий таълим муассасаларини битирганларнинг дипломлари давлат ўрта махсус ва олий таълим муассасалари битирувчилари дипломларига тенглаштирилмаган эди. Оқибатда айрим жиддий муаммолар келиб чиқди. Масалан, *бир ўқувчи 9-синфни битириб, диний ўрта махсус ва олий таълим муассасасига (мадрасага) ўқишга кириб, уни битирди,* дейлик. У кейин бошқа бирон-бир олий таълим муассасасига кирмоқчи. Олий таълим муассасаси унинг ҳужжатини олмас эди. Чунки мадрасанинг дипломи ўтмас эди, 11-синфни битиргани тўғрисида ҳужжати йўқ!? Худди шунингдек, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини битирган киши магистратурада билим олишни давом эттира олмас эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 августдаги қарори билан диний ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди, жумладан, диний ўрта махсус ва олий таълим муассасасини битирганлар дипломи давлат ўрта махсус ва олий таълим муассасаларини битирганлар дипломига тенглаштирилди.

**Дунёвийлик моҳияти.** Маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий жиҳатдан жамиятимиз бугун шундай мураккаб бир жараёнга кирдики,

эҳтимол, истиқлолга эришганимиздан буён ҳеч қачон фикрлар қарама-қаршилиги даражасига кўра, бунақа қалтислик юз бермагандир. Чунки ҳозирги пайтда ижтимоий тармоқлар кучайиб кетди. Очиғи, оғзига кучи етган ҳам, етмаган ҳам... гапиряпти. Гапирсин. Демократия...

Бироқ, *демократия, фикр эркинлиги, қарама-қарши мафкуралар кураши* дегани *бошбошдоқлик, провакация, конституцион тузумга очиқчасига зарба бериш*ни англатмайди. Хуллас, одамлар ўртасида қалтис саволлар кўтариляпти, баъзан хато позициялар илгари суриляпти. Лекин бу саволларга холис жавоблар берилаётгани, хато позициялар ўз вақтида ва етарлича инкор этилаётгани йўқ!?

*“Дунёвий давлат”* дегани – *“дин давлатдан, давлат диндан ажратилган, дин давлатнинг, давлат диннинг ички ишларига аралашмайди, давлат қонун чиқараётганда бирор диндан сўраб ўтирмайди”* дегани. Бу *“икки карра икки – тўрт”* дегандай ҳаммамизга маълум бир позиция ҳисобланади.

Муҳтарам Шавкат Мирзиёев Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2023 йилнинг 22 декабрида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида: *“Мана, биз Асосий қонунимиздаги фундаментал принциплардан келиб чиқиб, Дунёвий давлат концепциясини ишлаб чиқяпмиз”,* – деди. Сўнг эса бунинг заруратини ҳам баён этди: *“Ўзингиз кўряпсиз, бугунги кунда ижтимоий тармоқлар орқали асосан четдан, баъзан, ҳатто, мамлакатимизнинг ўзида ҳам Конституция ва қонунларимизга зид позициялар илгари сурилмоқда”.* Бундай позицияларга қарши холис жавоблар қайтарилиши, бунда давлат ва халқнинг манфаатларидан келиб чиқиб, яъни қонунлар ва миллий ғояга таянган ҳолда ҳукмрон позицияни ҳар куни, ҳар ерда айтиб туришимиз мамлакат тинчлиги ва халқ осойишталиги учун зарурдан-зарур вазифа ҳисобланади.

Дунёвийлик *“даҳрийлик”* дегани эмас. Шу боис бизда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, жумладан, виждон эркинлиги ҳам қонун йўли билан кафолатланади.

**Давлат ўз ваколатини ҳеч бир динга бериб қўймайди.** Ислом шариати ислом давлатлари учун асосий қонун вазифасини ўтайди. Ёки бундай давлатлар конституцияси айнан шариат асосида ёзилади. Аммо дунёвий давлат ҳеч қачон динга суяниш мажбуриятини бўйнига олмайди.

Жамиятнинг айрим масалалари ечимида динимизда бошқа, Конституциямиз ва унинг асосидаги қонунларимизда бошқа позициялар белгиланган. Бундай ҳолатларда давлат ҳеч бир дин олдида ҳисобдор эмас. Бунда, албатта, давлат қонуни асосида иш кўрилади. Давлат ўз ваколатига кирадиган ҳеч бир масала ечимини у ёки бу динга бериб қўймайди. 35-модда қуйидагича жаранглайди: *“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”*[18].

Бунинг ҳаётдаги инъикосини кўриш учун узоққа бориш шарт эмас. Ишга, ўқишга, никоҳга кираётганда ҳеч ким динга муносабатингизни сўрамайди, анкета тўлдирилаётганда бу савол йўқ!? Мамлакатимизда Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтган 16 та диний конфессия фаолият олиб боряпти ва ҳоказо. Давлат учун барча динларга тенг ҳуқуқ ва эркинликлар берилган.

35-моддага кўра, дин – ҳар бир фуқаро учун шахсий масала. Шундай экан, қандай қилиб аҳолининг муайян тоифаси эътиқоди бўлган дин қоидаларини ҳамма учун мажбурлаб жорий этамиз? Ахир, ҳар қандай қонун мажбурий ижрони талаб этади.

Демак, 71-моддага биноан, жумладан, бизда диний руҳдаги партия тузиш қатъиян тақиқланади:

*“Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний (таъкид бизники –* ***С. О.****) адоватни тарғиб қилувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи сиёсий партияларнинг, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек миллий ва диний белгиларига кўра, сиёсий партияларнинг, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тақиқланади.*

*Махфий жамиятлар ва бирлашмалар ташкил этиш тақиқланади”*[19].

[18]Ўша нашр. – Б. 16.
[19]Ўша нашр. – Б. 28.

Шунинг учун ҳам диний-экстремистик мақсадларни кўзлаган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар (*ваҳҳобийлар, “ҳизб ут-таҳрир”чилар, нурчилар, акромийлар ва ҳоказолар*) конституциявий жиҳатдан тақиқланган, яъни ноқонуний ҳаракатлар ҳисобланади ва уларга қарши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар куч тузилмалари қонуний равишда кураш олиб боришади.

75-модда давлат ва дин муносабатларининг туб моҳиятини англатади: *“Диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятига аралашмайди.*

*Давлат қонунда белгиланган тартибда фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар фаолиятининг эркинлигини кафолатлайди”*[20].

**Давлат ва дин муносабатларини тартибга солувчи қонунлар.** Конституция давлат ва дин муносабатларининг асосий йўналишларини белгилаб беради. Бироқ бу йўналишларни ҳаётга татбиқ этиш учун яна бир неча қонун ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Ундан ташқари, бошқа кўплаб қонунларда динга муносабатга дуч келинади. Бунда, албатта, Конституцияга суянилади. Шунинг учун бу ўринда бевосита давлат ва дин масалаларига дахлдор қонунларни санаб ўтиш билан кифояланамиз: *“Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”, “Шаҳар, туман ва вилоят халқ кенгашларига сайлаш тўғрисида”, “Мулкчилик тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”, “Фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”, “Ахборот воситалари тўғрисида”, “Ноширлик фаолияти тўғрисида”, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”, “Прокуратура тўғрисида”, “Судлар тўғрисида”, “Умумий ҳарбий мажбурий хизмат тўғрисида”, “Муқобил хизмат тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, “Солиқ кодекси”, “Меҳнат кодекси”, “Оила кодекси”, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекс, “Фуқаролик-процессуал кодекси”, “Фуқаролик кодекси”, “Жиноят-процессуал кодекс”, “Жиноят кодекси”, “Жиноят-ижроия кодекси”* каби

[20] Ўша нашр. – Б. 29.

қонун ҳужжатлари бу масалаларга яна аниқликлар киритади, давлат ва дин муносабатларининг у ёки бу жиҳатларини тартибга солади.

Янги Ўзбекистонимизда амалда кўп мафкуравий жамиятга ўтилди. Аммо ўтиш жараёни тугагани ҳам ёки тўхтаб қолгани ҳам йўқ. Мафкура бор экан, манфаатлар тўқнаша бошлар эканми, бу жараён, умуман, тўхтамайди. Чунки, ҳар қандай янгилик – бугун учун янги. Эртага эса ... эскириб қолиши ҳеч гап эмас?!

Конституция ва унга мувофиқ ҳолда қабул қилинган бошқа қонунлар мамлакатимизда айнан динлараро бағрикенгликни эмин-эркин жорий этиш учун барча ҳуқуқий асослар яратилганидан далолат беради. Қолаверса, бизда бу масалада бошқа демократик давлатлар ўрнак олса арзигулик тажрибалар шаклланганини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Чунки динлараро бағрикенглик – аввало, халқимизнинг қонида, тийнатида, қадим ул-айёмдан буён мавжуд. Муқаддас ислом маънавияти ҳам ўзга дин вакиллари ҳурматини жойига қўйишга даъват этади.

**16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни.** Бу бизда ҳам нишонланади. Бир нарсани очиқроқ айтмасак бўлмас!? Бизга нохох кучлар неча йиллардан буён ислом дини ниқоби остида ақидапарастликка асосланган турли экстремистик-террористик оқимлар ғояларини олиб киришга уриниб келаётибди?! Давлатимиз ва халқимиз бу уринишларга қарши курашни ҳам изчил йўлга қўйди. Бор гап. Айримларга ёқмаётган кўринади!

Конституция билан кафолатланган эътиқод эркинлиги ва динлараро бағрикенглик Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

**Хулоса аниқ**: демократия ҳеч бир мамлакатда бирданига шаклланган, такомилга етган эмас. Уни ҳар бир муайян жамият ўзи йиллар мобайнида барпо этади. Бизда ҳам шундай жараён юз беряпти, жадал кечяпти. *Шунинг учун жамиятимизнинг мафкуравий манзарасини таҳлил этиш – амалда, мамлакатдаги демократик жараёнларни ўрганиш, деган гап!?*

*Таҳлил ва тадқиқ жараёни ҳам асло тўхтамайди.*

Важным методологическим аспектом является понимание патриотизма как интегративного качества личности. М.А. Нагоева рассматривает патриотизм в системе МВД России как когнитивный и поведенческий феномен, предполагающий знание истории и активные действия по защите интересов страны. По мнению автора, готовность к самопожертвованию и служение обществу являются высшими проявлениями профессионального патриотизма [11]. Мы полагаем, что такая готовность возможна лишь тогда, когда морально-этические ценности (честность, справедливость, мужество) стали частью «внутреннего закона» сотрудника. Исследователь А.У. Кулдашев указывает на то, что патриотизм проявляется не только в физической защите, но и в интеллектуальном вкладе – получении знаний и совершенствовании профессионального мастерства ради престижа своей страны [3]. Таким образом, современное понимание патриотического сознания включает в себя стремление быть «образованным защитником».

Теоретико-методологическая связь моральных ценностей и патриотического сознания проявляется через синтез личных убеждений и требований закона. Если морально-этические нормы являются «душой» патриотизма, то правовые акты выступают его «каркасом». Только при их гармоничном единстве формируется личность сотрудника, способного эффективно выполнять задачи в условиях современных вызовов и угроз. Также формирование профессионального самосознания молодого сотрудника органов внутренних дел немыслимо без опоры на историческую память и многовековые традиции народа. Историческое наследие выступает не просто как совокупность знаний о прошлом, а как живой источник нравственной силы, транслирующий идеалы мужества, чести и беззаветного служения Родине. В условиях современности национальные традиции становятся тем духовным фильтром, который позволяет молодым кадрам сохранять идентичность и верность профессиональному долгу.

Особое значение в этом контексте приобретает обращение к образам великих предков. Как подчеркивает А.У. Кулдашев, воспитание молодежи

на примерах жизни и деятельности таких мыслителей и полководцев, как Имам Бухари, Абу Райхан Беруни и Нажмиддин Кубро, способствует укреплению чувства национальной гордости. Автор отмечает, что их научное и духовное наследие является мировым достоянием, формирующим у потомков убеждение в величии своей земли [3]. Обращение к личностям такого масштаба позволяет молодому сотруднику осознать себя наследником великой цивилизации, что трансформирует обычное исполнение служебных обязанностей в высокую миссию по сохранению и защите этого наследия. Это создает внутренний этический барьер против коррупции и предательства интересов службы.

Исторический опыт защиты Отечества служит мощным инструментом эмоционально-волевого воздействия. В исследованиях М.К. Нажимитдинова и Б.Р. Пулатова акцентируется внимание на том, что любовь к Родине должна прививаться на основе принципов национального самосознания и самобытности. Авторы утверждают, что знание героического прошлого своего народа является обязанностью каждого гражданина [5]. Из этого следует, что историческая грамотность для сотрудника правопорядка – это не факультативный навык, а профессиональное требование. Без понимания того, какой ценой созидался мир на родной земле, невозможно воспитать истинную самоотверженность. Личный пример героев современности, таких как Ботир Валиев, на которых ссылаются авторы, подчеркивает преемственность поколений: мужество предков живет в поступках нынешних защитников правопорядка.

Методологически важно рассматривать национальные традиции как систему неписаных правил, дополняющих букву закона. Именно традиционные ценности (уважение к старшим, коллективная ответственность, верность слову) являются наиболее устойчивыми регуляторами поведения молодежи. Использование потенциала «махалли» и семейных традиций в воспитании молодых сотрудников органов внутренних дел Узбекистана создает уникальную социальную опору для службы. Это означает, что сотрудник чувствует ответственность не только перед МВД или законом, но и перед своим родом, родителями и обществом, что в разы повышает уровень его моральной устойчивости.

Особенно, роль музеев и комнат истории в формировании профессионального климата также находит отражение в научной литературе. Г.Р. Хуснетдинов отмечает, что социально-культурная деятельность, основанная на изучении истории ведомства, обеспечивает духовное преобразование социальных ценностей в личностные качества. Автор рассматривает музейную педагогику как активный метод формирования патриотизма [7]. Соприкосновение с историей своего подразделения, знание имен сотрудников, погибших при исполнении долга, формирует у молодого специалиста чувство сопричастности к «корпоративной чести». Это превращает абстрактное понятие «государственная служба» в конкретное понимание преемственности и личной ответственности за чистоту рядов. Следует подчеркнуть, что историческое наследие и национальные традиции являются тем ценностным фундаментом, на котором выстраивается здание профессиональной этики. Если теоретические аспекты дают понимание «что делать», то традиции отвечают на вопрос «как жить» в профессии. По нашему убеждению, только синтез глубокого уважения к прошлому и четкого следования современным правовым нормам позволяет сформировать сотрудника нового типа – духовно зрелого, профессионально грамотного и преданного своей Родине не по принуждению, а по зову сердца. Историческая память в данном случае выступает гарантом того, что моральный компас молодого офицера будет всегда направлен на служение интересам народа.

Процесс профессиональной подготовки молодых сотрудников органов внутренних дел представляет собой не только освоение специальных знаний, но и сложную систему педагогических воздействий, направленных на формирование внутренней готовности к защите интересов государства и граждан. Ключевым педагогическим механизмом в этой системе является актуализация осознания служебного долга, который закрепляется через важнейший профессиональный акт – присягу. Напримиер, как отмечает Г.Р. Хуснетдинов, формирование дружеских взаимоотношений между курсантами и развитие их профессиональной этики основываются на своде моральных норм, которые регламентируют облик современного интеллигентного сотрудника [7]. Согласно научным

взглядам М.А. Мазура, эффективная реализация патриотического воспитания требует использование таких методов, как личный пример руководителя и совместная деятельность в практических ситуациях [9]. Это подчеркивает, что патриотическая ответственность не может развиваться в изоляции; она кристаллизуется именно в процессе коллективного обучения и под влиянием авторитетных наставников, чьи поступки не расходятся со словами. Педагогический процесс должен быть выстроен так, чтобы курсант видел в наставнике живое воплощение чести и верности присяге.

Важнейшей формой воспитания ответственности является работа над осознанием значимости принятых на себя обязательств перед народом. В исследованиях А.У. Кулдашева подчеркивается, что верность сотрудников принятой присяге является практическим выражением их жизни на основе верховенства закона и высокой духовности. По мнению автора, преданность присяге подразумевает приоритет интересов страны и народа над личными интересами [3]. Мы полагаем, что педагогический смысл принесения присяги заключается в создании глубокого психологического якоря, который в экстремальных условиях службы должен стать главным регулятором поведения сотрудника. Это означает, что присяга – это не формальная процедура, а духовный рубеж, отделяющий гражданское лицо от защитника правопорядка, наделенного государственными полномочиями.

Существенную роль в развитии патриотической ответственности играет нравственно-психологическая подготовка. Исследователь А.Ф. Шерматов указывает на то, что духовное воспитание учит человека жить в рамках закона и общечеловеческих ценностей, обеспечивая его психологическую устойчивость [4]. М.А. Нагоева дополняет это, утверждая, что интеграция патриотического воспитания в образовательный процесс, включая теоретическое обучение и практические занятия, необходима для формирования качеств, обеспечивающих эффективное выполнение служебных задач [11]. Такая интеграция позволяет курсантам не просто «знать» о долге, а «проживать» его в симуляционных сценариях, требующих морального выбора. Следовательно, из этого вытекает необходимость внедрения в учебный

процесс социально-психологических тренингов, направленных на развитие профессионального самосознания и стрессоустойчивости.

Эффективными педагогическими формами в процессе подготовки также выступают встречи с ветеранами и участие в патриотических акциях. По мнению Г.Р. Хуснетдинова, привлечение ветеранов с их богатым жизненным и служебным опытом является положительным моментом в усилении воспитательной работы [7]. М.А. Нагоева подтверждает, что тематические встречи и участие в общественных акциях способствуют всестороннему развитию личности сотрудников МВД [11]. Мы считаем, что такие формы взаимодействия создают «живую связь» времен, где ответственность за будущее страны передается от одного поколения защитников к другому. Это превращает патриотизм из академической дисциплины в личное убеждение.

Таким образом, педагогические механизмы развития патриотической ответственности в процессе профессиональной подготовки базируются на триединстве: *осознании святости присяги, психологической готовности к самопожертвованию и наставничестве.* По нашему убеждению, только через сочетание строгой дисциплины, активных методов обучения и глубокого духовного диалога между преподавателем и курсантом возможно воспитать сотрудника, для которого служебный долг является не бременем, а осознанным выбором и высшей формой социальной ответственности. Это гарантирует, что в момент профессионального вызова сотрудник органов внутренних дел останется верен закону и своему народу.

В условиях современного информационного общества и процессов глобализации противодействие деструктивным идеологическим влияниям становится жизненно важным аспектом формирования личности сотрудника органов внутренних дел. Как отмечает А.Р. Рахмонов, в информационном пространстве ведется активная борьба за души и умы молодежи, где используются технологии манипуляции и пропаганды разрушительных идей. Автор подчеркивает, что дефицит качественной фильтрации информации и столкновение с противоречивыми взглядами в интернете могут привести к «надлому» патриотических чувств [6]. Основной задачей становится не просто ограничение доступа к

негативному контенту, а развитие у молодых кадров навыков критического восприятия и логического мышления.

Формирование идеологического иммунитета требует глубокого понимания угроз, исходящих от «массовой культуры», экстремистской идеологии и терроризма. По мнению А.У. Кулдашева, для защиты молодежи от таких воздействий необходимо внедрять в сознание сотрудников национальные этические нормы и приверженность общечеловеческим ценностям [3]. Идеологический иммунитет – это не пассивная защита, а активная гражданская позиция, позволяющая сотруднику самостоятельно идентифицировать ложь и манипуляцию в цифровой среде. Из этого следует, что образовательный процесс должен включать обучение методам информационной безопасности.

Особое значение в противодействии угрозам имеет использование информационных технологий в созидательных целях. И.Ю. Харламова и В.О. Учеватов и узбекские ученые указывают на двойственную роль интернета: с одной стороны, он является каналом дезинформации, с другой – мощным инструментом патриотического воспитания через освещение подвигов героев и доступ к исторической правде. Авторы подчеркивают, что умение отличать официальные верифицированные источники от фейковых новостей является обязательной компетенцией современного защитника правопорядка [10]. Таким образом, повышение информационной грамотности молодых кадров напрямую укрепляет их моральную стойкость.

В заключение отметим, что формирование патриотического сознания молодых сотрудников органов внутренних дел основывается на неразрывном единстве нравственных ценностей, исторического наследия и современных правовых норм. Патриотизм в этой сфере представляет собой не просто чувство, а высокую ответственность за выполнение профессионального долга и защиту интересов народа. Духовно-психологическая подготовка и опора на героизм предков укрепляют волю сотрудника, обучая его принятию верных решений в экстремальных ситуациях. В эпоху глобализации укрепление идеологического иммунитета против информационных угроз становится важнейшей гарантией национальной безопасности. Только духовно зрелый и профессионально

грамотный сотрудник, верный присяге, способен надежно обеспечить мир и спокойствие Родины.

**Список использованных источников:**


1. **Конституция Республики Узбекистан** // Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан. – https://lex.uz/docs/6445145.
2. **Закон Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел»** от 16 сентября 2016 года № ЗРУ-407 // Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан.
3. **Кулдашев А. У.** Пути воспитания сотрудников органов внутренних дел в духе патриотизма // Central Asian Journal of Education and Innovation. – 2024. – Vol. 3, Issue 12. – С. 129–133.
4. **Шерматов А. Ф.** Некоторые вопросы военно-патриотического и духовно-нравственного воспитания молодых сотрудников // Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Vol. 2, Issue 1. – С. 79–88.
5. **Нажимитдинов М. К., Пулатов Б. Р., Халилов И. Д.** Защита Родины – священный долг // Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Vol. 2, Issue 10/2. – С. 942–946.
6. **Рахмонов А. Р.** Проблемы военно-патриотического воспитания молодежи в информационном обществе // Философия и право. – 2024. – № 3. – С. 57–61.
7. **Хуснетдинов Г. Р.** Нравственно-патриотическое воспитание курсантов образовательных организаций МВД России: опыт, передовые подходы // Вестник КазГУКИ. – 2018. – № 4. – С. 176–180.
8. **Савчук Н. А.** Патриотизм и роль сотрудников органов внутренних дел в патриотическом воспитании граждан // Наука-2020. – 2024. – № 6 (73). – С. 133–137.
9. **Мазур М. А.** Сущность и особенности патриотического воспитания сотрудников органов внутренних дел // Педагогика. – 2011. – С. 203–208.
10. **Харламова И. Ю., Учеватов В. О.** Роль Интернета в патриотическом воспитании: плюсы и минусы // Вестник экономической безопасности. – 2023. – № 2. – С. 276–280.

11. **Нагоева М. А.** Система организации патриотического воспитания сотрудников, курсантов и слушателей в системе МВД России // Право и управление. – 2024. – № 8. – С. 335–339.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада ички ишлар органлари ёш ходимларида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш учун маънавий-ахлоқий қадриятлар ва миллий қонунчилик нормалари асосида назарий-методологик жиҳатдан таҳлил этилди. Муаллиф тарихий қадриятларни таъминлашнинг муҳим фактори сифатида ходимлар шахсий иммунитетини мустаҳкамлаш ҳамда педагогик механизмлар ролини талқин қилади.

*****

В статье исследуются теоретико-методологические основы формирования патриотического сознания молодых сотрудников органов внутренних дел через призму синтеза духовно-нравственных ценностей и норм национального законодательства. Автор анализирует роль исторического наследия и педагогических механизмов в укреплении идеологического иммунитета личности сотрудника как важнейшего фактора обеспечения национальной безопасности в условиях современных глобальных информационных угроз и деструктивных влияний.

*****

The article explores the theoretical and methodological foundations for forming the patriotic consciousness of young internal affairs officers through a synthesis of spiritual and moral values and national legislative norms. The author analyzes the role of historical heritage and pedagogical mechanisms in strengthening the ideological immunity of an officer's personality as a crucial factor in ensuring national security amidst contemporary global information threats and destructive influences.

**Яшин ХЎЖАЕВ,**
***Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори, т.ф.д.***

# МИЛЛИЙ КОНТЕНТ – ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Дарвоқе, глобал кураш майдонида ҳар бир давлат ва халқ ўзлигини сақлаб қолиши, ўз миллий менталитети ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиши учун жамиятда сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий билим ва тафаккур даражаси ниҳоятда юқори бўлиши лозим. Менимча, ёт ва нохолис ахборотлар демократик жараёнларни издан чиқаради. Халқимиз, айниқса, ёшларни бундай салбий ахборотлар таъсиридан асраш учун **ўз ахборот маконимиз, яъни миллий контент** билан тўлдирилиши керак. Бу борада бир нечта жиҳатни фарқлай билишимиз зарур. Зеро, инсон онги ва дунёқарашига ёт ғоялар турли ахборотлар орқали сингдирилади ҳамда *“юмшоқ куч”*ни ифода этувчи ҳар бир йўналишнинг ўз ўрни бор. Хорижий оммавий ахборот воситаларида кўнгилочар мавзуларда берилган ёт ғояларга оид материалларга худди шундай йўналишдаги миллий асарлар билан бойитиш янада таъсирлироқ бўлади. **Ва айнан шу жиҳат, аниқроқ айтганда, хорижий оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган тажовузкор ғояларга жавоб қайтариш – миллий контентни яратиш омили ҳисобланади.**

Давлатимиз раҳбари Хавфсизлик кенгашининг 2024 йил 12 январдаги йиғилишида медиа майдонда ахборот кураши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар: *“Агар биз Ўзбекистон ахборот маконида миллий контент яратишни ўз қўлимизга олмас эканмиз, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан баҳо бермас эканмиз, бу ишлар хориждан туриб амалга оширилишига имкон яратиб берган бўламиз. Чунки одамлардаги янгилик, таҳлилий маълумот, реал воқеаларга бўлган эҳтиёжни биз қондирмас эканмиз, буни бошқалар қилади. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди*[31]. Шу боис ҳам Президентимиз *“миллий контент”* деганда, контент – “таркиб”, “қиёс”, “ўзгалар билан қиёслаш”, “ўзлигинг

[31] Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Хавфсизлик кенгашининг 2024 йил 12 январда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишидаги нуткидан. Халқ сўзи. 2024 йил 13 январь.

намоён қил”га тўғри келади.” Жамиятимизда янги ҳамда дунё ахборот форматлари ва интеллектуал тамойилларга жавоб бера оладиган миллий манфаатларимиз, тинч-осойишта яшашимиз шартлигини ифодалайдиган оммавий ахборот воситалари янги медиа майдон зарурлигини назарда тутди. *“Шу билан бирга ахборот майдонини сифатли ва рақобатбардош Миллий контент билан тўлдириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб”*[32], – деган Сиёсий етакчининг пурмаъно фикрлари айни муддаодир.

Филология фанлари доктори Нозима Муратованинг миллий контентга умумлашган ҳолда берган баҳосини келтирамиз: *“Ўз-ўзини ифода этиш, тарқатиш, маркетинг ёки нашр этиш учун нутқ, ёзув ёки ҳар хил санъат турлари каби бирор-бир восита орқали ифодаланиши керак бўлган ахборот воситаси ҳисобланади*[33]. *“Ўзбекистон жуда катта тарихга, маданиятга, санъатга, билимлар ва илмларга бой мамлакат”,* – дейди Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси раиси Шерзодхон Қудратхўжа.

*Асосий вазифа уларни бугунги кун талаби – халқимиз, ёшлар ва болалар эҳтиёжига мос миллий контент билан тўлдириш. Фикримча, бу вазифаларни тўлақонли бажариш учун кўп йиллик иш тажрибасига эга малакали журналистлар қатори ёш ижодкорларни ҳам кашф этиш ва жараёнга кенгроқ жалб қилиш лозим.*

Демак, ёшлар “*тенгдош – тенгдошга”* тамойили асосида ўз сўзини ёшларбоп усулда, тенгдошларининг онги ва шуурига етиб борадиган тилда етказиб беради. Шунинг учун ҳам бу жараёнда иккита ўзига хос салоҳият – **малакали журналистларнинг тажрибаси ва ёшларнинг ғайрат-шижоати бирлаштирилса натижадор бўлади.**

*Мамлакатимизда болалар контентини ривожлантириш зарурати кўпроқ нималарда кўзга ташланаётир? Бу бўшлиқни тўлдириш учун қандай чора-тадбирлар кўрилиши лозим?* Бундай долзарб саволларга муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев шундай жавоб бердилар: “*Яқинда Болалар контентини ривожлантириш марказини ташкил этдик. Ушбу марказ ёш авлодимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни*

[32] Халқ сўзи. 2025 йил 8 февраль.
[33] Ўша манба.

*эзгулик ва маърифатга ошно этиш бўйича амалий ҳаракатларни бошлаб юборгани албатта эътиборлидир*”[34].

Дунё ахборот маконида ўзбек миллий контентини яратишдан мақсад – медиа оламида хорижликлар учун ўзбекона ҳаёт шаклу шамойилини чиройли, мафтункор, жозибали қилиб чизиб, тасвирлаб, ҳикоя қилиб бериш эмас, балки бу ота маконда, аввало, боболаримиз, момоларимиз, ота-оналаримиз неча асрлик синовлар, тажрибалар, меҳнату изланишлар самаралари асосида миллий тамойилга айлантирган. Демак, *Ахборот хуружлари катта таҳдидлардан бирига айланган ҳозирги даврда ёш авлодни бузғунчи ғоялардан асраб-авайлаш, уларни умуминсоний қадриятлар, миллий анъаналар ва жанговорлик руҳида тарбиялаш ҳар қачонгидан-да муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу вазият ахборот маконида дунёдаги воқеа ва ҳодисаларга миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан ёндашадиган ва уларни холисона шарҳлай оладиган миллий контент яратиш зарурати муҳим бўлиб қолмоқда.*

Дарҳақиқат, сўнгги пайтларда ички ишлар тизими нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак миллий контентнинг ажойиб элементларидан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Масалан *стартап, драйвер, бренд, подкастин* ва бошқалар ички ишлар ходимларининг ўз фаолиятларида медиаолам ўзгаришлари сифатида ўрганишлари айни муддаодир. Ҳозирги глобаллашув даврида *"оммавий маданият"* номи остида таркалаётган ёт ғоялар оилага, никоҳга, ота-оналик ва фарзанд тарбиясига, умуман ёшларга нисбатан соғлом қарашларни соя остида қолдирмокда. Жумладан, худбинлик ва индивидуализмнинг кучайиши, фарзанд кўриш истагининг пасайиб бораётгани, маънавий тубанликка юз тутиш – оиладек ўта муқаддас тушунчанинг асл моҳияти жуда ҳам сусайиши, анъанавий муносабатларнинг виртуал оламга кўчиши, бир жинсли никоҳ ва ахлоқсизликнинг «*оммавий маданият*» даражасига кўтарилиши миллатларнинг тарихий илдизлари, ўзлиги ҳамда қадриятларига дарз етказишдан ташқари умумбашарий келажак учун ҳам улкан хавф-хатарларни туғдирмокда?!

Ғарбча яшаш, айникса оила тарзига кўр-кўрона тақлид эса жамиятни маънавий таназзулга олиб боради. Жадид бобомиз Чўлпон шундай қайд

[34] Халқ сўзи. 2025 йил 28 июнь.

килган эди: *«Эй қариндошлар, сизлардан катта илтимосимиз шулдурки, Оврўпанинг мўдоси ва бузуқ аҳлоқидан намуна олмасдан ва тақлид қилмасдан, балки илм, фан, ҳунар, саноат маданиятларидан намуна олиб, бул жиҳатдан тақлид қилмоғимиз лозимдур. Оврўпанинг мўдоси ва бузуқ ахлоқи сизларни хонавайрон, беватан, асир–қул қиладур. Бундан сақланингиз»*[35]. Миллий қадриятларни асрашга оид бу фикрлар бугун ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Таҳликали ва мураккаб ушбу даврда ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгу қалбини ҳимоя этиш, маънавий иммунитетини ҳосил килиш шунчаки тарбия жараёни эмас, балки миллий оила институтини сақлаб қолиш йўлидаги чинакам курашдир. Афсуски, дунёда маънан бузук вайронкор ғояларни лозим бўлса «*инсон ҳуқуқи*» сифатида талқин этиб, қонун билан мустаҳкамлаган ҳолда қўллаб-қувватловчи мамлакатлар сони ортиб бормокда. Шу боис, халқаро майдоннинг кишилик жамиятида минг йиллик тарихга эга оила кадриятларини сақлаб қолиш ҳамда анъанавий турмуш тарзига зид бўлган «*янгича*» аҳлоқий қарашларга қарши мафкуравий тарғиботни кучайтириш масаласи тез-тез ўртага ташланмоқда. Бироқ, ёт ғояларнинг таҳдиди нафақат ташқи ахборот оқимлари, балки ички маданий контентда учраётгани барчани янада сергаклантириши лозим.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Ижтимоий маънавий-тадқиқотлар институти илмий ходими Нигора Ҳусанова кузатувларига кўра, "*сўнгги пайтларда миллий телеканал ва интернет платформаларида оилавий муносабатларни енгил-елпи, хусусан, фақат келин-қайнона зиддиятлари асосида талқин қилувчи фильмлар, сериал ва шоулар сони кескин ошган. «Ношукур келин», «Фирибгар қайнона», «Эркатой келин», «Зўравон қайнона» каби номлар остида эфирга узатилаётган теленовеллалар яширин тарзда томошабин онгига салбий тасаввурларни сингдирмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Бу контентлар оила институтини мустаҳкамлаш эмас, аксинча, унга путур етказишга ҳисса қўшмоқда»* [36].

Халқимиз бебаҳо миллий оилани авлодлар давомийлигини сақлайдиган, уларни маънавий ҳамда жисмоний томондан баркамол

[35] Халқ сўзи. 2025 йил 27 июль.
[36] Ўша газета.

қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланган муқаддас маскан, мехру муҳаббатга тўла олтин кўрғон деб билади. Шу маънода, ёшлар ўртасида оила кадриятларини мустаҳкамловчи мазмунли медиамаҳсулотлар яратиш долзарб масалалардан бири. Оиланинг муқаддаслигини очиб берувчи, миллий қадриятларимизни тарғиб қилувчи бадиий ва публицистик асарлар яратиш, фильмлар суратга олиш бу борада муҳим ўрин тутади.

*Миллий контент – дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга миллат манфаатини асосли ҳимоя қилиш орқали муносабат билдириш ҳамда очиқ ва хаққоний фикрларни баён қилиш, дегани.* “Контент” умумий маънода ахборот воситаси тарқатилаётган янгиликлар, хабарлар ва бошқа маълумотлар мажмуини англатади. Интернет асрида кенг оммалашаётган бу тушунча ўз ичига нафақат фойдали маълумотларни, балки ёлғон ва фисқу фасодлар, болалар онгини заҳарлайдиган ғояларни тарғиб қилувчи материаллар, турли кўринишдаги қимор ўйинлари, беҳаё видеолар, инсонни таҳқирловчи, уруш ва жиноятчиликка, шафқатсизликка, жоҳилликка даъват килувчи ахборотларни ҳам киритади. “*Одноклассники”,* “*Facebook”,* “*Instagram”,* “*X”,* “*Vkontakte”* ва бошқа ижтимоий тармоқларда бузғунчилик ғояларини тарғиб қилувчи юзлаб гуруҳлар мавжуд. Шунингдек, интернет тармоғида ўз жонига қасд қилишга қаратилган 20 мингдан зиёд сайтлар борлиги, компьютер ўйинларининг ярмидан кўпи зўравонлик ва ёвузликни тарғиб қилиши, маиший бузуқлик ва порнография очикдан-очиқ намойиш этилаётгани бизни бефарк колдирмаслиги керак!?

**Ҳозирги кунда бу хуружларга қарши курашадиган ягона муҳофаза қуроли – миллий контент муҳим ўрин тутади.**

Айни пайтда бу жараёнлар исониятга ахборотларни турли кўринишда ўзлаштириш ва тезкор алмашиш учун кенг имконият эшигини очди. Демак, ахборот соҳасининг ривожланиши натижаси ўларок, хусусий сектор иштироки кенгаймоқда. Ахборот тарқатишнинг эркинлик муҳитида эса жамият учун блогерлик йўналишини келтириб чиқарди. Бугун ҳар қандай давлат медиа маконида блогерлар яратаётган контентлар муҳим ўрин тутади.

Уларнинг фаолияти туфайли давлат секторидаги расмий оммавий ахборот воситалари эътиборидан четда қолган айрим масалалар жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқилаётир. Дарҳакикат, таҳлилларга кўра, медиа макон орқали аҳолининг муайян қатлами, айниқса ёшларнинг дунёқарашига таъсир ўтказиш, «*оммавий маданият*»нинг баъзи унсурлари: *истеъмолчилик*, *дабдабабозлик ва исрофгарчилик* каби иллатларни сингдиришга қаратилган уринишлар кузатилмоқда.

Дарвоқе, ижтимоий тармоқларда дабдабали тўй-маъракалар, қимматбаҳо буюмлар намойиши, йўл транспортида қонунларни менсимай ҳаракатланиш каби ҳолатлар акс этган материаллар жойланиши айрим ёшлар онгида ҳаётга нотўғри муносабатни шакллантириши мумкин. Айни пайтда реал ҳаётдан бироз узоқлашиши, жамиятдаги маънавий меъёрларга беписандлик, инсон қадр-қимматини моддий бойлик билан ўлчаш каби салбий ҳолатлар юзага келмоқда. Бундай таклидчилик ортидан айрим оилалардаги келишмовчиликлар, ажралишлар ва қариндошлар ўртасидаги низолар туғилаётгани сир эмас. Бундай ҳолатлар ТВ сериаллари учун мавзу бўлиб қолмоқда. Ҳозирги пайтда кенг аудиторияга эга мустақил миллий платформалар етарли эмаслиги, ахборот ташувчиларнинг, асосан Ғарб платформаларидан фойдаланиши маънавиятимизга айрим ёт ғояларнинг тарқалишига замин яратмоқда. Глобал платформаларга муқобил миллий дастурларимизнинг йўқлиги бир қанча саволларни ўртага ташлайди…

Миллий оммавий ахборот воситаларида ташқи маънавий таҳдидларга қарши курашиш катта куч-қудратга эга миллий ғоявий мафкуравий тарғиб қилиш борасида жамиятимиз, айниқса, зиёлилар орасидаги якдиллик ва ташаббускорлик ҳар доим ҳам етарли даражада эмас?! Телеканалларни сифатли миллий медиа контент (роликлар, кўрсатувлар, телесериаллар, фильмлар, мультфильмлар) билан таъминлаш орқали маданий ҳарбий меросимизни, маърифатпарвар аждодларимиз фаолиятини тарғиб этиш ишлари бугуннинг талабларидан ортда қоляпти?!

Очиғини айтганда, эфирга узатилаётган айрим сериалларнинг мазмунан саёзлиги, рейтинг ортидан қувиб, миллий менталитетимизга мос келмайдиган мавзулар олиб чиқилаётгани жамоатчилик орасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётир. Аслида, миллий сериал ва кинолар орқали қадриятларимизнинг гўзал ва тарбиявий жиҳатларини намоён этиш, уларнинг мазмуни орқали хорижда янги Ўзбекистон ҳақида ижобий фикрлар шакллантириш, юртимизни Шарқ маданиятининг юксак марказларидан бири эканини ифодалашга алоҳида эътибор каратилиши лозим. Кўп жиҳатдан ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими – кучлар тузилмаси бу соҳанинг ҳуқуқий жиҳатини тизимлаштириш, айни пайтда кафолатлаш механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

*Хўш, ечим нимада?* Аввало, ташқи аҳборот хуружига қарши самарали курашиш учун миллий ва маданий ўзлигимизни асрашга каратилган сифатли медиа маҳсулотлар яратишни кучайтиришимиз зарур. Демак, миллий медиа маконни ҳимоя қилишга оид норматив-ҳуқуқий хужжатларни, бадиий кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш, хорижий контентларнинг мазмунини назорат қилиш механизмларининг талаби ва ўлчови ҳамда қатъий ички тартиб, мурсасизлик ва ҳуқуқий механизмлар бўлиши шарт. Албатта, механизмлар *«Йўл харитаси»*ни яратишда Япония, Сингапур каби давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Миллий контент яратиш фақат айрим ташкилотларнинг вазифаси деган фикрдан йироқ бўлишимиз керак. Ҳар бир давлат органи ва муассасаси ўз ваколати доирасида бу жараёнга ҳисса қўшиши, глобал медиа маконда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ўзбек миллатининг ўзига хослигини тарғиб қилишга хизмат қилиши лозим. Бундан эса миллий толерантлик уфуриб туради. Зеро, миллий ўзликни сақлаб қолиш, менталитетимизни мустаҳкамлаш барчамизнинг умумий вазифамиздир.

**РЕЗЮМЕ**

Миллий контент кўп қиррали соҳалар сирасига кириши ва ҳозирги медиа маконни замон билан ҳамнафас ривожлантириши ушбу мақолада талқин этилиб, баъзи ғоялар мезонлари ишлаб чиқилган.

*****

В статье национальный контент интерпретируется как многопрофильная сфера, способствующая развитию современного медиапространства в русле современных тенденций, а также предлагаются критерии оценки и реализации отдельных идей.

*****

This article interprets how national content, as a multifaceted domain, develops the modern media space in step with the times, and it outlines criteria for certain ideas.

**Амрулло КАРИМОВ,**
**Ўзб. ЖТУ Халқаро журналистика**
**факультети профессори, ф.ф.д.**

## СТАРТАПНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ИСТИҚБОЛ УЧУН НИМА БЕРАДИ?

Ўзбекистонда илм-фан ва ҳарбий соҳада эришилаётган ютуқлар сўнгги йилларда янада равнақ топди. Янги ғояларни қўллаб-қувватлаш, амалиётга олиб киришда стартаплар асосий воситага айланди. “*Стартап*” термини инглиз тилидаги “*start-up*” сўзидан олинган бўлиб, *жараённи бошлаш, ишга тушириш, деган маъноларни англатади. “Стартап энди иш бошлаган, ўсиш учун ноёб ғоя излаётган ёш компания. Бу ўсиш ва кенгайиш учун интилаётган лойиҳа”*[37].

Атама илк марта 1939 йил АҚШнинг Стенфорд университети талабалари Дэвид Паккард ва Уильям Хьюлетт кичик лойиҳага қўл уришади ва “*стартап*” деб аташади. Кейинчалик мазкур ғоя йирик ва машҳур Hewlett-Packard (HP) корхонасига айланди. Hewlett-Packard (HP) Қўшма Штатлардаги энг йирик ва қадимги IT корпорацияларидан, 2015-йилда компания иккига бўлинди ва вориси HP Inc. дунёдаги энг машҳур шахсий компьютерлар, ноутбуклар ва босмахона ускуналарини ишлаб чиқаради.

Дунё миқёсида муваффақиятга эришган стартаплар жуда кўп. Жумладан, Yandeks такси иловаси аҳолига хизмат кўрсатишнинг янги инновацияга асосланган усулини тақдим этиб, такси бозорини ўзгартириб юборди. Ёки бошқа бир стартап – Airbnb эса меҳмонхоналар билан рақобатга киришиб, сайёҳларга квартираларни ижарага беришнинг осон ва қулай имкониятини берди.

Стартапларга сармоя киритиш потенциал юқори даромад келтирадиган ташаббус сифатида қўллаб-қувватланади. Стартапнинг асосий хусусиятлари: янги, яъни такомиллашган ғоя (инновация), тез

[37] https://finlit.uz/ru/articles/remote-banking/startap-nima/.

ўсиш, юқори хавф, аммо айни пайтда катта имконият экани инобатга олинади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда стартапларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг *“Стартапларни қўллаб-қуввтлашнинг комплекс экотизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги *Қарори*[38] *қабул қилиниб, шу асосда тўрт босқичли стартап экотизимини йўлга қўйиш бўйича “Йўл харитаси”, тузилди. Булар: 1. Стартап ғояларни шакллантириш босқичи. 2. Стартап лойиҳани ишлаб чиқиш босқичи. 3. Стартапни ишга тушириш босқичи. 4. Стартапни масштаблаштириш (экспорт қилиш) босқичи ва ташкилий чора-тадбирлар.*

Стартап ғоялар жуда кенг миқёсни эгаллаган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотидан сўнг, бу масала янада жиддийлашди. Хусусан, қарор билан стартап лойиҳалар ишга тушиши натижасида 20 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш, ёшларнинг 2 мингта стартап ғояларини тижоратлаштириш, камида 400 та стартап лойиҳасини халқаро бозорларга олиб чиқиш, стартап лойиҳалар сонини 5 мингтага ҳамда жалб қилинган венчур инвестициялар ҳажмини 2 миллиард АҚШ долларига етказиш каби масалаларга урғу берилган. Стартапларни мамлакат раҳбарининг шахсан ўзи қўллаб-қувватлаётгани истиқболда ўз натижасини беради. Шунингдек, *“Энг яхши стартап ғояси”, “Энг инновацион ғоя”*лар аниқланиб, уларга банклар томонидан сармоя ажратилмоқда.

Масалага бир ташкилот эмас, бир нечта ташкилотнинг масъул сифатида бириктирилаётгани ҳам ғоянинг истиқбол учун муҳимлигини англатади. Мисол учун, рақамли технологиялар, сунъий интеллект (IT, AI) доирасидаги стартап лойиҳалар учун рақамли технологиялар вазирлиги масъул ташкилот сифатида бириктирилган. Соҳага кадр тайёрловчи Тошкент ахборот технологиялари университети ва ҳамкорлик қилувчи “*Алоқабанк*” кўрсатилган. Бугун ёшлар замонавий ахборот технологияларини яхши тушунади, инновацион ғоялар билан улғаймоқда.

---
[38] https://lex.uz/docs/8046189

Қарор билан муайян соҳада кадр тайёрлайдиган ОТМлар бир неча йилдан буён талаба-ёшлардаги стартап ғояларини ўрганмоқда, банклар билан ҳамкорлик ўрнатиб, уларни қўллаб-қувватламоқда. Бу эса ўз натижасини бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, стартаплар ахборот технологиялари (IT), тадбиркорлик (Business), сунъий интеллект (AI), Интернет дастурлар ва хизматлар (Internet Software & Services), мобил дастурлар ва хизматлар (Mobile Software & Services), интернет ашёлари (IoT), электрон тижорат (e-commerce), молия (Fintech), биотехнологиялар (Biotech), реклама технология (Adtech), 3 ҳажмли чоп этиш (3D Printing), логистик ташишилар (Supply chain & Logistics) каби соҳаларда динамик тарзда ўсмоқда. Энг машҳур интернет стартаплар сифатида Facebook, видеороликлар базаси – YouTube, хабарлар алмашинуви платформаси – Twitter кабилар тан олинади. Бу соҳага эътибор қаратиш халқнинг, чунончи ИИО ходимларининг турмуш тарзини кўтариш ва яхшилашга хизмат қилади.

*Илмий ахборотлар*

**Oʻrol SAIDOV,**
***Malaka oshirish instituti Maxsus fanlar kafedrasi katta oʻqituvchisi, katta leytenant***

# YOʻL HARAKATI XAVFSIZLIGIDA RAQAMLI TRANSFORMATSIYANING OʻRNI VA ROLI

*Yoʻllarda qatnovni tashkil etish va xavfsizlikni taʼminlash ilm bilan hamohang boʻlishi kerak.*
**Shavkat MIRZIYOYEV**

Yoʻl harakati xavfsizligi sohasida maʼmuriy xizmatlarni raqamlashtirishning nazariy asoslari va zarurati bugungi raqamli transformatsiya inson faoliyatining har bir sohasiga chuqur kirib bormoqda. Shu jumladan, yoʻl harakati xavfsizligi tizimida maʼmuriy xizmatlarning elektron shaklga oʻtkazilishi davlat boshqaruvining tezkorligini oshirib, jarayonlarni avtomatlashtirishga xizmat qilmoqda. Raqamli tizimlar yordamida qoidabuzarliklarni aniqlash kameralar, sensorlar va sunʼiy intellekt orqali amalga oshadi. Axborotlar yagona maʼlumotlar bazasida jamlanib, qaror qabul qilish mexanizmi tezlashadi va inson omili kamayadi.

Oʻzbekiston Respublikasining 2024-yil 19 yanvardagi “*Yoʻl harakati xavfsizligi toʻgʻrisida*” qonuni[1] yoʻl harakati sohasini nazorat qiluvchi asosiy normativ-huquqiy hujjat boʻlib: transport vositalari harakati, roʻyxatga olish, tekshirish va javobgarlik kabi barcha jihatlar tartibga olingan. Ushbu qonun doirasida raqamlashtirish va elektron xizmatlar bir qator afzalliklarni taʼminlaydi. Yoʻl harakati sohasidagi nazorat va boshqaruv organlari vakolatli davlat tuzilmalari, mahalliy hokimliklar, transport boshqarmalari faoliyatini yagona elektron tizimga integratsiya qilish. Avtotransport vositalarini roʻyxatga olish, haydovchilik guvohnomasi, transportga oid hujjatlar berish, almashtirish va qayta roʻyxatga olish kabi maʼmuriy xizmatlarni elektron shaklda (onlayn) koʻrsatish. Yoʻl harakati qoidabuzarliklarini aniqlash va qayd etishda foto-video, kamera, sensor asosidagi nazorat vositalarini qonun doirasida rasmiy dalil

sifatida tan olish. Bu qoidabuzarliklarni tez va aniq aniqlash hamda huquqbuzarlik holatlarini ob'ektiv qayd etish imkonini oshiradi.

Qonun hujjatlarida nazarda tutilgan nazorat funksiyalari doirasida. Qoidabuzarliklar, jarimalar, transport vositalari holati, nazorat ma'lumotlari hamda yo'l harakati holatlari bo'yicha ma'lumotlar bazasini elektron reyestrda yuritish, idoralararo axborot almashuvini yo'lga qo'yish. Bu nazorat va boshqaruv samaradorligini oshiradi hamda hujjatlarning shaffofligi va izchilligini ta'minlaydi. Fuqarolarga qulaylik: ro'yxatga olish, hujjat olish, guvohnoma yangilash, ma'lumot tekshirish, jarima nazorati kabi xizmatlarni onlayn va elektron shaklda ko'rsatish orqali – byurokratiya va qog'ozga bog'liqlik kamayadi, xizmatlar soddalashadi va fuqarolar uchun qulay bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasida 2021-yil 8-iyulda qabul qilingan *"Ma'muriy huquqbuzarlik to'g'risida yagona elektron ish yurituv tizimi orqali ma'muriy huquqbuzarlikka oid ishlarni yuritish tartibi haqida"* qarorida ma'muriy huquqbuzarliklar bo'yicha ishlarni yuritishda "*E-ma'muriy ish*" elektron tizimini joriy etishni nazarda tutadi. Mazkur qaror bilan ma'muriy ishlar jumladan yo'l harakati qoidabuzarliklari, jarimalar, boshqa ma'muriy protseduralar elektron shaklda yuritilishi, hujjatlar onlayn tarzda qayd etilishi hamda idoralararo axborot almashuvi yo'lga qo'yilishi belgilangan[4]. Shunday ekan, qaror yo'l harakati xavfsizligi sohasida xizmat ko'rsatish va nazorat tizimini raqamlashtirish uchun muhim me'yoriy-huquqiy asos bo'ladi.

Ushbu tizim qoidabuzarliklarni real vaqt rejimida kamera, sensor va boshqa aqlli kuzatuv qurilmalari orqali aniqlash, jarimalarni inson omilisiz avtorejimda rasmiylashtirish hamda haydovchiga tezkor yetkazish imkonini beradi. Shuningdek, transport vositalarini ro'yxatga olish jarayonini byurokratik bosqichlardan holi holda soddalashtiradi, texnik ko'rik va nazoratni masofadan turib avtomatlashtirilgan tarzda amalga oshirishga sharoit yaratadi. Natijada yo'l harakati xavfsizligi darajasi oshadi, qoidabuzarliklar soni kamayadi, haydovchi va fuqarolarga ko'rsatiladigan ma'muriy xizmatlar tez, shaffof va qulay shaklga keladi hamda huquqni muxofaza qiluvchi organlari va fuqarolar o`rtasida karupsion holatlarning oldi olinadi.

Yo'l harakati xavfsizligidagi "*aqlli robotlar*" va "*raqamli tizimlar*" o'zaro murakkab bog'liqlikda ishlaydi. Aqlli robotlar atrof-muhitni inson kabi ko'rish va qaror qabul qilish uchun bir nechta "*qavatli*" texnologiyalardan foydalanadi.

Ularda asosan kompyuter yordamida ko‘rish natijasida kameralar orqali olingan tasvirlar to‘plamidan ma'noli ob'ektlarga aylantiradi. Shuning bilan birgalikda, Neyron tarmoqlar yordamida (masalan, YOLO yoki SSD algoritmlari) real vaqt rejimida avtomobil, piyoda, svetofor va yo'l belgilarini bir-biridan ajratadi. Yo‘lning qayeriga yurish mumkin bo'lgan qismi, qayeri esa chet (bordyur) ekanligini ranglar darajasida ajratib oladi. Sensorli termoyadroviy kameraga tayanmaydi. U LiDAR (lazer skaner) yordamida atrofning 3D xaritasini chizadi va masofani millimetrgacha aniqlikda o'lchaydi. Ultratovushli sensorlar esa yaqin masofadagi to'siqlarni aniqlaydi. Olingan ma‘lumotlar asosida AI mantiqiy blokiga uzatadi.Uzatilgan ma’lumotlarni ko‘rib chiqishi natijasida *“Ushbu piyoda yo'lga yugurib chiqishi mumkinmi?"* kabi ehtimollarni hisoblaydi va harakatni rejalashtiradi. Agar qoidabuzarlik aniqlansa, robot ovozli ogohlantirish berish yoki YPX xodimiga signal yuborish haqida qaror qabul qiladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezdidentining 2025-2026 yillarga mo’ljallangan *"Ichki ishlar organlari tizimini raqamli transformatsiya qilish to‘g‘risida"*gi PQ-155-sonli qarorni tasdiqlashi natijasida yurtimizdagi yirik strategiyalardan biri bo‘ldi. Bundan ko‘zlangan maqsad asosiy 3 ta yirik tizimni rivojlantirish edi[2].

Intellektual transport tizimining asosiy maqsadi yo‘l harakatini boshqarishda axborot va kommunikatsiya texnologiyalarini qo‘llash orqali xavfsizlikni oshirish va tirbandlikni kamaytirishga qaratilgan. Tizim yo‘llarga o‘rnatilgan Sensorlar, Radarlar va LIDAR qurilmalari orqali ma’lumot yig‘adi. AI (Sun’iy intellekt) bu ma’lumotlarni real vaqt rejimida tahlil qilib, svetoforlar siklini o‘zgartiradi. Avtomatlashtirilgan qoidabuzarlik qayt etilganda, faqat tezlik emas, balki *"yo‘l chiziqlari", "qarama-qarshi yo‘nalish"* va *"piyodaga yo‘l bermaslik"* kabi murakkab holatlarni aniqlashdan iborat. Shuning natijasida YHX xizmati xodimlarining yo‘llardagi sonini kamaytiradi va korrupsiyaga chek qo‘yish[3].

Raqamli Mahalla va Ovozli identifikatsiya (Voice ID) - Ushbu tizimda ma’muriy xizmatlarni bevosita aholi yashash joyiga yaqinlashtirish va shaxsni masofadan turib tasdiqlash uchun xizmat qiladi. Buning natijasida “Raqamli mahalla” va Ovozli identifikatsiya (Biometriya), mahalla yettiligi ishlab chiqildi. Mahalla yettiligi (shu jumladan profilaktika inspektori) uchun

yaratilgan platforma. Bu orqali xavfli haydovchilar, doimiy qoidabuzarlar yoki jazoni oʻtashdan boʻyin tovlayotgan shaxslar haqida maʼlumotlar integratsiya qilinadi. Fuqaro masofadan turib maʼmuriy xizmat (masalan, jarimaga eʼtiroz bildirish yoki maʼlumotnoma olish) uchun murojaat qilganda, uning shaxsi ovoz toʻlqinlari orqali tasdiqlanadi. Har bir insonning ovozi barmoq izi kabi noyobdir. Tizim ovozning tembri, balandligi va tezligini 100 dan ortiq parametrlarda tahlil qiladi.Buning oqibatida Davlat xizmatlari markaziga bormasdan, faqat telefon orqali yuridik ahamiyatga ega harakatlarni amalga oshirish imkonini beradi.

E-Kadr va Integratsion Shlyuz - Bu tizimda nafaqat xodimlarning maʼlumotlar bazasi, balki yoʻl harakati xavfsizligi organlarining kadrlar salohiyatini boshqarish, nazorat qilish va rivojlantirishga qaratilgan koʻp funksiyali raqamli ekotizimdir. Ushbu tizimning keng imkoniyatlarini quyidagi beshta asosiy yoʻnalishga boʻlish mumkin:

Kadrlar hisobi va “elektron shaxsiy yigʻmajild” - tizim har bir xodim haqidagi barcha maʼlumotlarni qogʻoz koʻrinishidan toʻliq raqamli formatga oʻtkazadi.

Biometrik va biografik maʼlumotlar: xodimning xizmat muddati, unvonlari, oilaviy ahvoli va taʼlim darajasi.

Raqamli monitoring: xodimga biriktirilgan xizmat quroli, avtotransport, planshet va boshqa maxsus vositalarning doimiy hisobi.

Tibbiy karta integratsiyasi: Xodimning salomatligi, yillik tibbiy koʻrik natijalari va jismoniy tayyorgarlik darajasi avtomatlashgan holda saqlanadi.

E-Kadr tizimi – bu nafaqat xodimlarning maʼlumotlar bazasi, balki yoʻl harakati xavfsizligi organlarining kadrlar salohiyatini boshqarish, nazorat qilish va rivojlantirishga qaratilgan koʻp funksiyali raqamli ekotizimdir. Ushbu tizimning keng imkoniyatlarini quyidagi beshta asosiy yoʻnalishga boʻlish mumkin:

KPI (Key Performance Indicators) – Ish samaradorligini baholash E-Kadr tizimi yoʻl-patrul xizmati xodimlarining faoliyatini obʼektiv baholash imkonini beradi.

Xodim tomonidan rasmiylashtirilgan bayonnomalar soni, ularning qonuniyligi (sudda bekor qilinmaganligi) va fuqarolardan tushgan tashakkurnomalar yoki shikoyatlar asosida avtomatik ball hisoblanadi. Yuqori

reytingga ega xodimlarni mukofotlash yoki lavozimini ko‘tarish tizim tomonidan "Inson omilisiz" tavsiya etiladi.

Ta’lim va Malaka oshirish (E-Learning) tizimi xodimlarining kasbiy bilimlarini doimiy yangilab borishini nazorat qiladi.

Qonunchilikdagi o‘zgarishlar (masalan, MJtKga kiritilgan yangi moddalar) bo‘yicha xodimlar planshetlar orqali onlayn imtihon topshiradi. Yo‘l harakati qoidalarining murakkab vaziyatlari bo‘yicha video-darslar va interaktiv topshiriqlar platformasi.

Xodimning ish faoliyatidagi dinamikaga qarab, undagi "emotsional charchash" yoki psixologik o‘zgarishlarni aniqlab, psixolog maslahatini tavsiya qiladi.

Shunday qilib, Yo‘l harakati xavfsizligi (YHX) sohasida raqamli transformatsiya – bu shunchaki texnik yangilanish emas, balki boshqaruv falsafasining inson omilidan voz kechib, ma’lumotlarga asoslangan aniq tizimga o‘tishidir. Raqamli transformatsiyaning eng katta o‘rni — yo‘llarda nazorat jarayonidan inson sub’ektivligini chiqarib tashlashidir. Intellektual transport tizimlari (ITS) va foto-video qayd etish qurilmalari qoidabuzarni tanimaydi, uning mavqeyi yoki ijtimoiy kelib chiqishiga qarab munosabat bildirmaydi. Bu esa jamiyatda *"qonun ustuvorligi"* va "javobgarlikning muqarrarligi" tamoyillarini real vaqt rejimida ta’minlaydi. An’anaviy tizimlar asosan *"sodir bo‘lgan hodisadan keyin"* chora ko‘rishga asoslangan. Raqamli transformatsiya esa Big Data (katta ma’lumotlar) tahlili orqali:

Yo‘llarning xavfli nuqtalarini (black spots) aniqlaydi;

Tirbandliklarni u paydo bo‘lishidan avval bashorat qilib, svetoforlarni dinamik boshqaradi;

Haydovchilarning xatti-harakatlarini tahlil qilib, profilaktika choralarini manzilli amalga oshiradi. Raqamli transformatsiya davlat va fuqaro o‘rtasidagi "devor"ni buzadi.

*E-Kadr, Integratsion shlyuz va Yagona portal orqali:* Xizmat ko‘rsatish muddati bir necha kundan bir necha daqiqaga qisqaradi;

Korrupsion bitimlarga bo‘shliq qolmaydi (chunki algoritmlarni *"sotib olib"* bo‘lmaydi);

Har bir ma'muriy amal (jarima solish, guvohnoma berish) raqamli iz (digital footprint) qoldiradi, bu esa keyinchalik har qanday harakatni huquqiy tekshirish imkonini beradi.

Raqamli transformatsiya uzoq muddatda davlat byudjeti uchun tejamkorlikni ta'minlaydi. Yoʻllardagi oʻlim va jarohatlanish darajasining kamayishi nafaqat inson kapitalini asraydi, balki yoʻl-transport hodisalari natijasida yetkaziladigan iqtisodiy zararlarni (sugʻurta toʻlovlari, tibbiy xarajatlar, mehnat qobiliyatini yoʻqotish) minimallashtiradi.

Muzokara qismida raqamlashtirishdan oldingi va keyingi holatni qiyoslash uchun quyidagi indikatorlardan foydalanish tavsiya etiladi:

| Koʻrsatkichlar | An'anaviy tizm | Raqamli tizim (Al & Integratsion) | Farq\ Samaradorlik |
|---|---|---|---|
| Xizmat koʻrsatish | 2-3 ish kuni | 5-10 daqiqa | 95% tezlashuv |
| Inson omilli (korrupsiya xavfi) | Yuqori | Minimal (Algoritmik) | 70-80% pasayishi |
| Maʻlumotlar xatoligi | 10-15 % (mexanik) | <0.1% (tizimli) | Yuqori aniqlik |
| Qoida buzarlik qayd etilishi | Tanlanma | Ommaviy ( Total) | 100 % qamrov |

Muzokarada raqamli transformatsiyaning faqat xavfsizlik emas, balki iqtisodiy o'rnini ham ko'rsatish lozim. Sun'iy intellekt asosida boshqariladigan chorrahalarda to'xtab turish vaqti 25% ga kamayardi.Bu yiliga o'rtacha bir shahar miqyosida millionlab litr yoqilg'i tejalishiga va atmosferaga chiqariladigan zararli gazlarning 15-20% ga kamayishiga olib keladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:**

1.Oʻzbekiston Respublikasining qonuni: *"Yoʻl harakati xavfsizligi toʻgʻrisida"* (yangi tahriri).

2.Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni: *"Raqamli Oʻzbekiston — 2030" strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida".*

3.Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori: *"Avtomobil yoʻllarida inson xavfsizligini ishonchli ta'minlash va oʻlim holatlarini keskin kamaytirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida".*

4. Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 8-iyulda qabul qilingan. *"Ma'muriy huquqbuzarlik toʻgʻrisida yagona elektron ish*

*yurituv tizimi orqali ma’muriy huquqbuzarlikka oid ishlarni yuritish tartibi haqida” qarori.*


**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada Yo‘l harakati xavsizligini ta'minlashda raqamli transformatsiya va yuqori texnologiyalar bugungi kunda inson omilini kamaytirish va samaradorlikni oshirishning asosiy omiliga aylandi. Natijada yo‘l harakati xavsizligida robotlar yordamida intellektual boshqaruvni amalga oshirish va qog‘ozga bog‘liqlik jarayonni kamaytirishi , xodimlarning korrupsion holatlarni bartaraf etish. Hamda yo’l harakati xavsizligi soxasidagi ish jarayonni mukammallashtirish va xavfli hududlarni tartibga solish, haydovchilarga ma’lumotlar berish va xodimlarning yuklamasini kamaytirish.

*****

В данной статье рассматривается значение цифровой трансформации и высоких технологий в обеспечении безопасности дорожного движения. Сегодня они стали основным фактором снижения влияния человеческого фактора и повышения эффективности. В результате применение интеллектуального управления с использованием роботов в сфере безопасности дорожного движения и сокращение зависимости от бумажного документооборота позволяют уменьшить коррупционные проявления среди сотрудников. Это способствует совершенствованию рабочих процессов в данной сфере, регулированию опасных участков дорог, предоставлению информации водителям и снижению нагрузки на сотрудников.

*****

This article examines the significance of digital transformation and high technologies in ensuring road safety. Today, they have become the primary factor in reducing the impact of the human factor and increasing efficiency. As a result, the application of intelligent control using robots in the field of road safety and the reduction of dependence on paper documentation reduce corruption among employees. This contributes to improving work processes in this area, regulating dangerous road sections, providing information to drivers, and reducing the workload on employees.

**Qudrat YULDASHEV,**
***Malaka oshirish instituti Maxsus-kasbiy fanlar kafedrasi dotsenti podpolkovnik***

## KORRUPSIYA – TARAQQIYOT KUSHANDASI

Xavfsizlik keng qamrovli, murakkab va serqirra soha hisoblanadi. “Jamoat xavfsizligi inson, jamiyat va davlat xavfsizligini oʻz ichiga qamrab oladi. Bu xavfsizlikka tahdid qiluvchi omillarni sanab - sanogʻiga hozirgi kunda yetish imkoni yoʻq. Bu orqali biz doimiy ravishda jamoat xavfsizligiga xavf soluvchi omillarga befarq boʻlmasligimiz va uni oldini olish choralarini koʻrib yurishimizni bugun amalga oshirishimiz kerakligini anglamoq lozim.

Jamoat xavfsizligiga tahdid soluvchi barcha omillardan hozirgi kunda Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan doimiy ravishda eslab, tilga olinayotgan “korrupsiya” jinoyatiga toʻxtalishga qaror qildik.

Muhtaram Prezident Shavkat Mirziyoev raisligida korrupsiyaning oldini olish boʻyicha ishlar natijadorligi va kelgusidagi ustuvor vazifalarga bagʻishlangan kengaytirilgan yigʻilishda: *“Islohotlar yoʻlidagi eng katta toʻsiq va gʻov – bu korrupsiyadir. Buni dunyo tajribasi ham toʻliq tasdiqlaydi.*

*Korrupsiya oqibatida jahon iqtisodiyoti yiliga 3 trillion dollar zarar koʻrayotgani bu global xavf ekanidan dalolat.*

*Korrupsiya shunday yovuz illatki, u xalqning davlatga, Konstitutsiya va qonunlarga ishonchiga putur yetkazadi, barqaror rivojlanish va xavfsizlik uchun jiddiy tahdidga aylanadi”, - deb qayd qildilar*[39].

Korrupsiya jinoyatini rivojlanish davri, ya’ni tarixga nazar soladigan boʻlsak, korrupsiya insoniyat tarixida qadimgi Shumer podsholigi (eramizdan avvalgi 3-ming yillik) yozma manbalarida ham tilga olinganligini koʻrishimiz mumkin. Bu salbiy illat davlat boshqaruvi paydo boʻlgan davrdan boshlab, yuqori martabali shaxslarning oʻz mavqei va egallab turgan lavozimidan shaxsiy manfaat yoʻlida foydalanishi sifatida rivojlanib kelgan, davlat boshqaruvini amalga oshirishdagi davlat siyosatiga tahdid soluvchi muammolardan biri hisoblanib kelingan.

---
[39] https://iibb.uz/oz/news/prezident-avkat-mirzieev0503.

**Korrupsiya illatining rivojlanishi haqida to‘xtaladigan bo‘lsak, ushbu manzaraning guvohi bo‘lamiz:**

**Qadimgi davr:** Mansabdorlarning sovg‘a-salomlar evaziga ish bitirishi odatiy hol hisoblangan. Masalan, qadimgi Shumer, Misr, Rim va Xitoyda byurokratik tizimda poraxo‘rlik uchrab turgan.

**O‘rta asrlar:** Bu davrda korrupsiya davlat boshqaruvining deyarli ajralmas qismiga aylanib, mansablarni sotish va davlat xazinasini o‘zlashtirish holatlari ko‘paygan.

**Yangi davr va hozirgi zamon:** Korrupsiya global muammoga aylanib, xalqaro darajada kurash olib boriladigan illat sifatida tan olingan[40]. Demak, korrupsiya degan salbiy omilni chuqur ijtimoiy ahamiyatga ega hodisa sifatida o‘rganish muammosi ming yildan ko‘proq vaqt davomida mavjudligini ko‘rishimiz mumkin, qiziqarli jihati shundaki hozir ham bu illatdan voz kechishni imkoni topilmasdan qolmoqda.

**"Korrupsion o‘zaro munosabatlar"** tushunchasini aniqlashni shakllantirishga qaratilgan olimlarning olib borgan tadqiqotlar doirasida "korrupsiya" tushunchasining mazmuni va tuzilishidagi o‘zgarishlari ilk insoniyat tarixi davomida va yuqorida aytib o‘tilgandek hozirgi paytda kuzatib borish dolzarb bo‘lib qolmoqda.

BMT Bosh kotibi Antoniu Guterrish to‘g‘ri ta’kidlaganidek, korrupsiya jinoyat, axloqsizlik va ijtimoiy ishonchga nisbatan qilingan eng razil xiyonatdir.[41] Dunyoda korrupsiya tufayli soliq to‘lovchilar cho‘ntaklaridan trillionlab dollarlar maktab va kasalxonalarga yetib bormasdan mansabdor shaxslar hisob raqamlariga tushayotganligi inson huquqlarini himoya qilishda korrupsiyaga qarshi kurashish naqadar muhimligidan dalolat beradi.[42]

“Korrupsiya” lug‘aviy ma’nosiga murojaat qilsak, bu (lotincha **corruptio — buzish, sotib olish**) — mansabdor shaxslarning o‘z mavqeidan shaxsiy manfaatlari yo‘lida g‘ayriqonuniy foydalanishi, jamiyat va davlat asoslarini yemiruvchi murakkab ijtimoiy-siyosiy hodisadir. Bunda poraxo‘rlik, ta’magirlik, mansab vakolatini suiiste’mol qilish orqali qonun ustuvorligiga tahdid solinadi.

---

[40] https://mintrans.uz/news/korrupsiya-har-qanday-jamiyat-rivojiga-to-siq-bo-ladigan-illat.

[41] BMT Bosh kotibi Antoniu Guterrishning murojaati. https:/www.un.org/ru/coronavirus/statement-corruption-context-covid-19.

[42] https:/news.un.org/ru/story/2021/12/1415532.

**Korrupsiyaning asosiy jihatlari:**

**Mohiyati:** Davlat yoki boshqa vakolatli tashkilot rahbar va xodimlarining qonuniy huquq va vazifalarini bajarish o‘rniga suiiste’mol qilish, moddiy yoki nomoddiy manfaatdorlik evaziga harakat qilishi yoki harakatsizligi.

**Kelib chiqishi:** Jamiyatda huquqiy madaniyat va huquqiy ongning pastligi, byurokratik to‘siqlarga doimiy duch kelinishi va jinoyat uchun jazoning muqarrar emasligi korrupsiyaga sharoit yaratadi.

**Oqibatlari:** Milliy va jamoat xavfsizligiga tahdid soladi, davlat siyosatida iqtisodiy rivojlanishni to‘xtatadi, hamda eng achinarlisi adolat va tenglik tamoyillarini buzadi.

O‘zbekiston Respublikasida korrupsiyaga qarshi kurashish sohasidagi munosabatlarni tartibga solish maqsadida, 2017-yil 3-yanvarda muhtaram Prezident tomonidan imzolangan **“Korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risida”**gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni muhim rol o‘ynaydi.

Yuqorida aytib o‘tilganidek korrupsiya jinoyati tarixi ming yillarga borib taqalganligi sabab, ushbu qonun orqali shu narsa belgilanib olindik, bugungi kunda Qonun muhim ahamiyat kasb etsa, ertaga bu ta’sirchanlik qobilyati susayib qolishi yoki umuman yo‘qotishi mumkinligi inobatga olinib, Qonunnig 30-moddasi korrupsiya sohasidagi tadqiqotlarga bag‘ishlandi. Bular orqali, doimiy ravishda korrupsiyaning holatini, xususiyatini, miqyoslarini, o‘zgarishlarini va tendensiyalarini, shuningdek korrupsiyaga qarshi kurashish sohasidagi davlat siyosatining amalga oshirilish samaradorligini o‘rganish davlat organlari tomonidan fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari, nodavlat-notijorat tashkilotlari va boshqa tashkilotlar, ommaviy axborot vositalari, shuningdek fuqarolar bilan hamkorlikda sotsiologik, maxsus, ilmiy tadqiqotlar hamda boshqa turdagi tadqiqotlar o‘tkazish yo‘li bilan doimiy asosda amalga oshirilishi belgilab berildi.

*Sotsiologik* tadqiqotlar korrupsiyaga eng ko‘p duchor bo‘lgan tarmoqlar va sohalarni, uning yuzaga kelishi sabablari va shart-sharoitlarini aniqlash, shuningdek mazkur faoliyatga jalb etilgan ijtimoiy guruhlarni aniqlash maqsadida sotsiologik so‘rovlar o‘tkazish va boshqa usullardan foydalanish yo‘li bilan jamoatchilik fikrini tizimli o‘rganishni alohida ko‘rsatib o‘tildi.

*Maxsus* tadqiqotlar huquqni muhofaza qiluvchi va nazorat qiluvchi organlarning korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha faoliyati natijalarini,

korrupsiyaga oid jinoyatchilikning holatini, korrupsiya ko‘rsatkichlarining statistika hisobini muntazam ravishda tizimli tahlil qilishni, davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarida korrupsiyaning xususiyati va miqyoslarini, o‘zgarishlari va tendensiyalarini o‘rganishni o‘z ichiga oldi.

*Ilmiy tadqiqotlar* korrupsiyaga qarshi kurashish muammolari bo‘yicha ilmiy tadqiqotlar o‘tkazishni, ilmiy uslubiyotlar va tavsiyalar ishlab chiqishni, ularni amaliyotga oqilona joriy etishni, korrupsiyaga qarshi kurashishda qo‘llanilayotgan shakllar va usullar samaradorligini prognoz qilish hamda ilmiy tahlil etish vazifalari ko‘rsatildi[43].

Ushbu tadqiqotlar va tahlilar asosida 2023-yilda O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining navbatdagi yalpi majlisida “O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksiga korrupsiyaga oid jinoyatlar uchun javobgarlik muqarrarligini ta’minlashga qaratilgan o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qonun qabul qilinganligida deb bilishimiz mumkin.

O‘zbekiston Respublikasining 2016-yil 16-sentabr kunidagi “Ichki ishlar organlari to‘g‘risida”gi O‘RQ-407-sonli Qonunda, ichki ishlar organlarining asosiy vazifalari fuqarolarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini, jismoniy va yuridik shaxslarning mulkini, konstitutsiyaviy tuzumni himoya qilish, qonun ustuvorligini, shaxs, jamiyat va davlatning xavfsizligini ta’minlash, shuningdek huquqbuzarliklarning oldini olishda, O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi, Qonun va boshqa qonunchilik hujjatlari talablariga aniq rioya etishi hamda ularni bajarishi shartligi belgilab berilgan.

Barcha sohalar qatori Ichki ishlar vazirligi sohasida ham korrupsiya illatlarini yo‘q qilish va uning rivojlanishiga yo‘l qo‘ymaslik maqsadida korrupsiyaviy holatlarni o‘z vaqtida aniqlash, oldini olish, ularga chek qo‘yish, uning oqibatlarini, shuningdek, unga imkon beruvchi sabab va shart-sharoitlarni bartaraf etish muhim vazifalardan biridir. Ayniqsa, korrupsiyaga qarshi kurashishda uni keltirib chiqaruvchi omillarni bartaraf qilish, ya’ni uning oldini olishga qaratilgan harakatlar vaqt va natijadorlik nuqtai nazaridan ancha samarali hisoblanadi. Shu bois, sohada korrupsiyaga qarshi qaratilgan tashkiliy va huquqiy asoslarni yaratish va unga qat’iy rioya qilish, zarur ma’naviy-ma’rifiy tadbirlarni, shu jumladan fuqarolarning ushbu sohadagi bilimini

[43] O‘zbekiston Respublikasining “Korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risida” O‘RQ-419-Qonuni.

oshirishga qaratilgan chora-tadbirlarni amalga oshirish kutilgan natijalarga erishishga imkon yaratadi.

Milliy xavfsizlik va oʻz navbatida jamoat xavfsizligini ta'minlashda korrupsiya turiga kiruvchi jinoyatlarning oldini olishda asosiy e'tibor qonunchilikni mustahkamlash, davlat boshqaruvida shaffoflikni oshirish, ochiqlik va raqamlashtirish, xalqaro hamkorlikka e'tibor qaratilishi lozim.

## REZYUME

Mazkur maqolada Oʻzbekistonda korrupsiya jinoyatining salbiy oqitbatlari, oldini olish uchun har bir fuqaroning oʻrni hamda huquqiy ongi va huquqiy madaniyatning faolligi va bartaraf etishdagi omillari tahlil etilgan. Demak ularning huquqiy va axloqiy ongi, ijtimoiy aktivligini oshirish orqali xavfsizlikni mustahkamlash imkoniyatlari koʻrib chiqilgan.

*****

В данной научной статье анализируются негативные последствия коррупционных правонарушений в Узбекистане, роль каждого гражданина в их предотвращении, факторы правовой осведомленности и правовой культуры в предотвращении и искоренении коррупционных преступлений. Рассматривается динамика развития борьбы с коррупционными правонарушениями, особенно, возможности усиления безопасности путем повышения правовой и моральной устойчивости и социальной активности граждан.

*****

This scientific article analyzes the negative consequences of corruption offenses in Uzbekistan, the role of every citizen in their prevention, and the factors of legal awareness and legal culture in preventing and eradicating corruption crimes. The study examines the development dynamics of combating corruption offenses, particularly the possibilities of strengthening security by increasing the legal and moral stability and social activity of citizens.

**Музаффар САЙФУЛЛАЕВ,**
*Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти мустақил изланувчиси*

## МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИ ХУСУСИДА

Маданият муассасалари жамият тараққиётида муҳим ўрин эгалловчи асосий ижтимоий институтлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Чунки ахборотлашув жараёнларининг жадаллашуви улар фаолиятига янги талаблар қўймоқда. Шу нуқтаи назардан улар фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил этиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган маданий хизматлар сифатини ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб, маданият марказлари, таълим муассасалари ҳамда турли маданий ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш учун кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотлар маданият соҳасининг институционал салоҳиятини мустаҳкамлаш, моддий-техника базасини янгилаш ҳамда аҳолига маданий хизматлар сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Давлат раҳбари томонидан 2026 йил 1 июнда маданият ва санъат соҳалари вакиллари билан ўтказилган мулоқотда янги имкониятлар билан бир қаторда қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, маданият муассасаларига бўлган давлат эътибори ва қўллаб-қувватлаш сиёсати янада кучайтрилгани алоҳида таъкидланди.[44]

Дарҳақиқат, маданият муассасаларининг замонавий ривожланиш тенденцияларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда бошқарув самарадорлигини оширишга қаратилган ва илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб

[44] Мирзиёев Ш.М. Маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш бўйича кенг миқёсли чора-тадбирлар белгиланди. 1 июнь 2026 йил. https://president.uz/uz/lists/view/9268

чиқиш зарурати пайдо бўлди.[45] Шунингдек, маданият соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда халқаро тажрибанинг илмий-назарий жиҳатлари таҳлил қилинди.

Маданият муассасалари бошқарув, ижтимоий-маданий ҳамда турли нотижорат вазифаларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган тузилмалар ҳисобланади. Уларнинг фаолиятида ҳам субъект, ҳам объект сифатида шахс ва жамият иштирок этади. Бошқача айтадиган бўлсак, маданият муассасаларининг иши шахс ва жамиятнинг ақлий, маданий, руҳий кучини рўёбга чиқаришга ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Маданият билан шуғулланадиган давлатнинг ваколатли органи (вазирлик, агентлик, қўмита ва хоказолар) ўз навбатида шахс ва жамиятни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг маданий онги ва савиясини юксалтиришга хизмат қилади, бу борадаги давлат сиёсатини амалга оширади.[46]

Ушбу йўналишда фаолият юритувчи қатор йирик маданий ташкилотлар ҳам мамлакат маданият муассасалари тизимининг муҳим бўғинларини ташкил этади. Жумладан, *“Ўзбекконцерт”* давлат муассасаси, Ўзбекистон давлат филармонияси, Миллий мақом санъати ва Бахшичилик санъати марказлари ҳамда “*Халқлар дўстлиги*” санъат саройи каби ташкилотлар замонавий ижодий жараёнларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолига юқори сифатли маданий хизматлар кўрсатишда алоҳида ўрин тутади. Ушбу муассасаларнинг фаолияти мамлакатда мусиқа ва ижро санъатини ривожлантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиш, шунингдек, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш орқали жамиятнинг маънавий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Маданият муассасаларини бошқариш ва модернизация қилиш масалалари кўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилган.[47] Илмий тадқиқотлари шуни тасдиқлайдики, маданият

[45] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар тўғрисида” 2 июндаги фармони эълон қилинди. Халқ сўзи. 2026 йил 3 июнь.
[46] Узоқов Ж. Маданият муассасалари тушунчаси, моҳияти ва вазифалари.Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences (E)ISSN:2181-1784 www.oriens.uz SJIF 2023 = 6.131 / ASI Factor = 1.7 3(8), August, 2023. 106.
[47] Амонқулов Қ. Маданият муассасаларида изланиш, ташаббус, самара. “Гулистон”. 2022/3 6-бет.

муассасаларининг ривожланиши инновацион технологиялардан фойдаланиш, маданий хизматлар сифатини ошириш ва аҳоли иштирокини кенгайтириш билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Юртимизда халқимиз маданиятини юксалтириш, санъатни янада равнақ топтириш борасида яратилаётган беқиёс имкониятларни санаб, адоғига етиб бўлмайди. Буларни дилдан ҳис қилиб, теран идрок этишимиз жоиз. Зотан, асрларга татигулик бундай ибратли ишлар билан ҳар қанча ғурурлансак арзийди. Биздан талаб этиладигани эса миллий маданиятимизнинг янада равнақ топиши учун фидокорона меҳнат қилишдир. Чунки миллий маданияти юксак халқ жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам мавқега эга бўлади.[48]

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тасарруфидаги 326 та болалар мусиқа ва санъат мактабининг тўрт, 837 маданият марказининг тенг ярми, кўзи ожизлар кутубхоналарининг асосий қисми, Ўзбекистон давлат филармонияси, мақом марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят бўлимлари 85 фоизининг моддий-техник базаси замон талабига жавоб бермас ҳамда халқаро стандартларга мос келмасди.[49] Аввалги йилларда миллий маданият ва санъат ютуқларини замонавий медиамаконда кенг тарғиб этиш, шунингдек, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини тўлиқ татбиқ этиш даражаси етарли эмаслиги сабабли мамлакатимизнинг халқаро маданий жараёнлардаги иштироки ва кўриниши чекланган ҳолатда қолиб келган эди. Кейинги йилларда давлат томонидан маданият ва санъат муассасаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида соҳада рақамли трансформация жараёнлари фаоллашиб, миллий маданиятни тарғиб қилиш, маданий меросни оммалаштириш ҳамда халқаро маданий алоқаларни ривожлантириш борасида сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Хорижий олимлар маданият муассасаларининг рақамли трансформацияси уларнинг аудиториясини кенгайтириш ва маданий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини оширишини таъкидлайдилар. Миллий тадқиқотларда эса маданий меросни асраш, маданият

[48]Ҳайдаров А. Маданият соҳаси бошқарувининг меъёрий-ҳуқуқий асослари. Ўқув қўлланма. 2020 йил. ЎзДСМИ.
[49] Амонқулов Қ. Ислоҳотлар кўлами кенгаймоқда. “Театр”. 2024/6 4-5-бетлар.

муассасалари инфратузилмасини ривожлантириш ва соҳада замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши маданият муассасалари фаолиятига янги имкониятларни олиб кирмоқда. Электрон кутубхоналар, виртуал музейлар, онлайн экскурсиялар ва рақамли архивлар маданий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Шу билан бирга, мутасадди ташкилотларга ушбу йўналишда аниқ ва самарали ечимлар ишлаб чиқиш, шунингдек, ижодкорлар манфаатларини тўлиқ таъминлайдиган шаффоф ва ишончли тизимни шакллантириш вазифаси юклатилгани қайд этилди.

Рақамли технологияларнинг маданият муассасалари фаолиятига кенг жорий этилиши соҳани ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бирига айланмоқда. Бу орқали маданий ресурслардан фойдаланиш осонлашмоқда, хизматлар сифати ошмоқда ҳамда бошқарув жараёнлари тобора самарали кечмоқда.

Инновациялар маданият соҳасидаги туб ўзгаришларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Бу ёндашувлар муассасаларнинг ташқи муҳит ўзгаришларига тез мослашишини таъминлайди. Демак, инновацияларни маданият муассасалари ривожланишининг стратегик омили сифатида баҳолаш мумкин. Яна энг муҳим вазифалардан бири миллий маданий меросни авайлаб сақлаш келажак авлодларга етказиш ҳисобланади. Миллий маданий меросни асраш ва тарғиб қилишда рақамли технологиялардан фойдаланиш тобора муҳим. Шу билан бирга, маданият муассасалари фаолиятида давлат-хусусий шериклик асосидаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали қўшимча инвестициялар жалб этиш, инфратузилмани такомиллаштириш ва маданий хизматлар кўламини кенгайтириш имкониятлари ортиб бормоқда. Ушбу ёндашувлар ўларoқ қўшимча инвестициялар жалб қилиш омилга айланмоқда. инфратузилмани янгилаш, янги хизмат турларини жорий қилиш, маданий тадбирлар кўламини кенгайтириш имконини беради.

Дарвоқе, айрим муаммоли жиҳатларни  ҳам таъкидлаш муҳим. Жумладан, баъзи ҳудудларда маданият муассасаларининг моддий-техник базаси замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги, рақамли

технологиялардан фойдаланиш даражасининг етарли эмаслиги ҳамда молиявий ресурсларнинг чекланганлиги соҳанинг ривожланиш суръатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. *Хўш, маданий инновациялар соҳасида замонавийлик ва анъанавийликнинг узвий боғлиқлигини қандай тушуниш керак?* Маълумки, маънавий ва маданий ҳаёт тамойиллари асраб-авайланадиган мамлакатимизда янгиликларни амалга оширишда муайян тарихий тажриба ёрдамга келади. Бизда тараққий этган мамлакатларга хос иқтисодий соҳадаги барча энг илғор тажриба тез, жадал ўзлаштирилса-да, маданият соҳасида катта эҳтиёткорлик кузатилади. Бунда халқаро тажрибаларга таяниш билан бирга янгиликларнинг миллий анъаналарга, инновацияларнинг халқимиз менталитетига қай даражада мос келишига жиддий эътибор берилишида намоён бўлади. [50]

Марказий Осиё давлатлари ўртасида маданий меросни ўрганиш, тиклаш ва рақамлаштириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ёш ижодкорларнинг алмашинув дастурларини ривожлантириш, семинарлар, конференциялар ва ёзги мактабларни ташкил этиш юзасидан эришилаётган келишувлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, маданият ва санъат соҳасида кадрлар тайёрлаш ҳамда малака ошириш бўйича ҳамкорликнинг кучайиши маданият муассасаларининг институционал салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Айни пайтда, «*Марказий Осиё маданий бренди*»ни шакллантириш ташаббуси минтақанинг ягона маданий макон сифатидаги нуфузини мустаҳкамлаш ва маданий дипломатия имкониятларини кенгайтиришга замин яратмоқда.[51]

Юқоридагиларни инобатга олиб, мамлакатимиздаги маданият муассасаларида ягона рақамли ахборот платформасини жорий этиш, маданий хизматларнинг электрон шаклларини кўпайтириш, маданият менежерларининг рақамли компетенцияларини ошириш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кўпайтириш, халқаро маданий ҳамкорлик дастурларини кенгайтириш, ёшлар учун инновацион маданий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, маданият муассасалари фаолияти самарадорлигини

[50] Назаров Қ. Янги Ўзбекистон маданияти. Ғоясизлик технологияларини “ташиб келиш”га йўл қўймайди. “Театр”. 2022/2 22-23-бетлар.
[51] Назарбеков О. Янги Ўзбекистоннинг Маърифий сиёсати минтақада янги уфқларни очмоқда. “Театр”. 2025/6 2-4-бетлар.

баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш каби таклифларни илгари сурмоқчиман.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, маданият муассасаларининг замонавий ривожланиш тенденцияларини рақамлаштириш, инновацион бошқарув, маданий хизматларни диверсификация қилиш[52] ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш билан тавсифланади. Мазкур тенденциялар маданият муассасаларининг ижтимоий аҳамиятини янада оширишга, аҳолининг маданий эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга ҳамда миллий маданий меросни асраб-авайлашга хизмат қилади. Маданият муассасалари фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва соҳа мутахассисларининг касбий салоҳиятини ошириш – самарали ҳамда барқарор фаолият юритишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Миллий маданиятимиз ва санъатимизни халқчиллик тамойиллари ила янада юксалтиришга, том маънода эл-юртимизнинг қалби ва юрагида ифода этадиган энг нуфузли халқаро мезон ҳамда талабларга жавоб берадиган соҳага айлантириш – ўта муҳим вазифамиздир, деган Шавкат Мирзиёевнинг ўлмас ғоялари айни муддаодир.[53]

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада маданият муассасаларини модернизация қилиш, улар фаолиятига рақамли технологияларни жорий этиш, инновацион бошқарув механизмларидан фойдаланиш ва маданий хизматлар сифатини ошириш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, маданият муассасаларининг ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлашдаги аҳамияти, миллий маданий меросни сақлаш ва оммалаштиришдаги ўрни ёритилган. Тадқиқот натижалари асосида маданият муассасаларининг самарадорлигини оширишга қаратилган амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

[52] Маданий хизматларни диверсификация қилиш деганда, маданият муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириш, янгилаш ва турли аудитория эҳтиёжларига мослаштириш тушунилади. Wikipediya. Madaniyat. Diverfikatsiya tushunchasi.

[53] Мирзиёев Ш. Ўзбекистон маданият ва санъат соҳаси ходимларига. “Театр”. 2022/2 2-3-бетлар.

*****

В статье рассматриваются современные тенденции развития учреждений культуры, вопросы внедрения цифровых технологий, инновационных механизмов управления и повышения качества культурных услуг. Раскрыта роль учреждений культуры в обеспечении социокультурного развития общества, сохранении и популяризации культурного наследия. Разработаны практические рекомендации по повышению эффективности деятельности учреждений культуры.

*****

The article examines current development trends of cultural institutions, including the implementation of digital technologies, innovative management mechanisms, and improvement of cultural services. Particular attention is paid to the role of cultural institutions in socio-cultural development, preservation of cultural heritage, and modernization processes. Based on the findings, practical recommendations for improving management efficiency and competitiveness of cultural institutions are proposed.

- **ЎҚИНГ – БУ ҚИЗИҚ**

## ХАСТАЛИКЛАР НЕГА “ЁШАРИБ” БОРМОҚДА? (Барвақт қаришнинг оқибатлари ва олдини олиш чоралари хусусида)

**Вужуднинг функционал қобилияти чеклцшгши, моддалар алмашинувининг секинлашиши оқибатида киши аста-секин куч-қувватдан қолади, тана қарий бошлайди. Бугунги кунда замонавий илм-фан ёшлик даврини узайтириш сирларини ўрганмоқда. “Геронтология” фани вакиллари қариликни секинлатиш билан боғлиқ 300 дан ортиқ тадқиқот ўтказишган. Мутахассисларнинг фикрича, қариш жараёнида организмнинг турли шароитларга мослашувчанлик қобилияти сусаяди.**

Атроф-муҳит ифлослиги, алкоголь ичиш, чекиш, нотўғри овқатланиш, ультрабинафша нурларининг кучли таъсири каби ички ва ташқи сабаблар ҳужайраларнинг емирилиши ҳамда тана қаришининг тезлашишига сабаб бўлади. Қолаверса, ташқи омиллар турли хасталикларни ҳам келтириб чиқаряпти. Жумладан, кучли стресс ҳолатлари, нотўгри овқатланиш ва ноқулай яшаш шароитлари натижасида ошқозон-ичак, юрак-қон томирлари ва турли даражадаги шамоллаш касалликлари тобора кучаймоқда.

Камҳаракатлилик, кўп ва нотўгри овқатланиш, дори-дармонларни пала-партиш қабул қилиш ҳам қатор касалликларни келтириб чиқаради. Ҳаракат-таянч аъзолари, жумладан, бел-бўғим хасталиклари кундан-кунга кўпаймоқда.

Стенфорд университети (АҚШ) тадқиқотчилари 18 ёшдан 95 ёшгача бўлган тўрт мингдан ортиқ шахснинг қон плазмаси намуналарини ўрганди. Кўп йиллик тажрибалардан маълум бўлдики, оқсиллар таркибининг ўзгариши, уларнинг концентрацияси тана ҳолати ва жараёнини баҳолайди. Чунончи, 35, 60 ва 80 ёшли кишиларда оқсиллар кескин равишда ўз тузилиши ва таркибини ўзгартирган.

**Аввало қариш миянинг ҳолатига боғлиқ.** Миядаги *кулранг суюқлик*нинг камайиши натижасида хотира сусайиши, диққатнинг

жамланмаслиги кузатилган. 2017 йилда америкалик ва испаниялик олимлар **“Кето”** диетаси, яъни *углеводларсиз (шакарсиз) фақат ёғлар, оқсиллар билан озиқланиш мия фаолиятини яхшилаши*, бу эса узоқ мақсадли соғлом ҳаёт кечириш имконини беришини исботлашди. *Кемирувчилар устида олиб борилган тажрибада* шакарсиз озиқланган қари сичқонлар мияси фаолроқ ишлаган, улар ўрнатилган тўсиқлардан тез ва осон чиқиб кетишган. Олимлар мия ҳамда бошқа тана аъзолари фаоллиги учун глюкозадан кўра ёғ кислоталари ва кетон (ёғдан ажратиб олинган маҳсулот)лар фойдалилигини аниқлашди. Углеводларга бой маҳсулотларни кам истеъмол қилиш тана чидамлилигини ошириб, қаришни секинлаштиради. Буни Биология университети профессори Стоуни-Брук ҳам уч йиллик илмий тажрибаларида исботлади.

**Европа олимларининг тажрибаси бундан-да ғаройиб.** Айни замонда урф бўлган “Tik-tok”, “Instagram”, “Ғacebook” каби ижтимоий тармоқлардаги қисқа видеолар, роликлар ҳам мия фаолиятига кучли таъсир қилади ва қарамлик тобеликни келтириб чиқаради. Кунига бир-бир ярим соат ана шундай қисқа видеоларни кўришга одатланган кишиларда 2-3 ойда жиззакилик, сабрсизлик аломатлари сезила бошлайди. Натижада мия таҳлилий, узоқ вақт кўришга мўлжалланган тасвирларни кўролмайди. Тез-тез ўзгарувчан контентларга кўниккан мия эндиликда мураккаб масалаларни еча олмайди. Катта ҳажмдаги китобларни ўқий олмайди. Тадқиқотлар бундай кишиларда бош миядаги *кулранг суюқлик* камайиши ҳисобига диққатнинг бузилиши ҳамда хотиранинг пасайишини аниқлашган. Шунингдек, уйқунинг бузилиши, кайфиятнинг тез-тез ўзгариши ва турли хил тушкунлик ҳолатлари учрайди...

Гарвард тиббий мактаби (АҚШ) ва Сколково институти (Россия) олимларининг хулосасига кўра, кам калорияли овқатларни истеъмол қилиш қаришни секинлаштиради. Одатда, кексаларда ДНК тузилишида емирилишлар кузатилади. Меъёрда овқатланиш бу жараённи секинлаштириб, тез қаришнинг олдини олади!?

Энг аҳамиятли илмий изланишлар АҚШ, Янги Зеландия, Нидерландия олимларига тегишли. Уларнинг хулосаларига кўра, инсоннинг ўз-ўзини назорат қила олиши, ҳиссиётларини бошқариш қобилияти узоқ умр кўриш ва секин қаришига сабаб бўлади. 1972 ва 1973

йилларда туғилган кишилардан иборат гуруҳ олимларнинг уч йиллик кузатувларида умумий соғлиғи, мия фаолияти, психологик жиҳатлари ҳақидаги маълумотлар турли тестлар ва анкеталар ёрдамида тўпланган. Мутахассислар уларни яқиндан ўрганиш учун ота-оналари, дўстлари ва яқин қариндошлари билан ҳам суҳбатлашган. Тадқиқотлар натижасига кўра, ҳис-туйғуларини бошқара оладиган, иродали, тезда ловуллаб кетмайдиган, босиқ кишилар молиявий ва ижтимоий қийинчиликлардан осон ўтади, кам касал бўладилар ҳамда ўз тенгқурларидан анча ёш кўринган.

Британиялик ва кореялик олимлар ўтказган изланишларда эса *бадбин* (негатив) ўй-хаёлларга кам берилиб, *некбин* (оптимист) кайфиятда юрган, мкуҳими шукроналик ҳисси кучли кишиларда кексайиш секин кечиши аниқланган. Узоқ йиллар соғлом ва ёш кўриниш устида олиб борилган тадқиқотлар ҳосиласи ўларок, шундай тавсиялар берилади.

*– турли вазиятларга босиқлик ва мулоҳазакорлик билан ён;*

*кучли стресс ҳолатларидан қочиш;*

*–ҳаётнинг ҳар лаҳзасидан баҳра олиб, шукроналик туйғуси билан яшаш;*

*– тўғри овқатланиш режимига амал қилиш, зарур витамин ва минералларни истеъмол қилиш;*

*– ҳаётда ўта ҳаракатчан, фаол бўлиш, имкон қадар саёҳатларга чиқиш;*

*– уйқу ва бедорлик меъёрига ҳамда рисоладаги кун тартибига амал қилиш;*

*– спортнинг фаол тури билан машғул бўлиш;*

*– спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари истеъмолини чеклаш;*

*– қуёш нурлари остида узоқ вақт қолишдан сақланиш;*

*– турли тилларни ўрганиш мияни чархлашга ёрдам беради;*

*– организмни оч қолдириш йўли билан ҳужайраларнинг янгиланишига имкон яратиш;*

*– яқинлар, ҳамкасблардан тез-тез хабар олиш, ёқимли сўзлар, мақтовлар билан сийлаш. Бу кишига хуш кайфият бахш этади;*

*– ўй-фикрлар ижобий ва эзгу бўлиши керак. Кек сақлаш, эски хафагарчиликларни эслаш, атрофдагилардан доимо ҳурмат-эътибор*

*кутиш каби дилни хира қиладиган худбинликдан йироқ бўлиш керак.*

*–режимдан сира чиқмаслик, унга қатъий равишда амал қилиш кишини тетик ва дадил тутишга олиб келади;*

– қатъиятлилик, бир сўзлик, алдамаслик улуғ фазилат;

–обрў-эътиборни қариганда эъзозлаш, кеккаймаслик, ғуддайишдан қочиш керак;

– кечиримлилик инсонни юксаклик сари етаклайди;

–панд-насиҳатларга амал қилиш – ниҳоятда инсон салоҳиятини юксалтиради ва парвозга шайлайди.

Шарқда инсон умрини фаслларга ўхшатишади. Болаликни баҳорга, ёшликни ёзга, ўрта ёшлиликни кузга, қариликни қишга қиёслашади. Тўрт фаслимиз ҳам ўта гўзал ва ёқимли ҳамда файзли бўлишига ҳаракат қилайлик!

**Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюушмаси аъзоси**

## ДОНОЛАР БИСОТИДАН

*Мен қўлимдан келганича нодонлар суҳбатидан қочишга, жоҳиллардан узоқлашиш йўлини очишга интилдим.*

**Шайх САЪДИЙ**

*****

*Хўжа Ҳофиз Муҳаммад ўз ишлаб топган маблағининг бир қисмини таҳсилга, иккинчи қисмини хайр эҳсонга сарфлагани учун ҳам эл дуосини олиб бутун дунё тарихида улуғ шоир сифатида ном қолдирди. Эл-юрт дуоси билан барака топиб кўкарди. Ҳофизни тарбиялаган, машҳур қилган халқ унинг муҳлислари эди. Чунки халқнинг танқиди уни тарбиялаган эди.*

**Қосим АНВОР**

*****

*Мен Ҳофиз нимагаки эришган бўлсам, ҳаммасини эрта тонгда туриш, сиҳат-саломатликка интилиш ва Қуръон давлатидан топдим.*

**Хожа Ҳофиз МУҲАММАД**

*****

*Ўз нафсига ким бўлса амир, улдир мард, ҳеч кимга бўлмас аср. Ўтмак сира мағлубни тепиб мардлик эмас. Тутса қўлидан забунни улдир мард.*

**Паҳлавон МАҲМУД**

• *Жаҳон футболи*

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ – 2026
### *(тарихий чемпионатнинг 4 та муҳим жиҳати)*

**2026 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионати аввалгиларидан анча фарқ қилади. Қуйида ушбу тарихий чемпионатнинг муҳим жиҳатларини кўриб чиқамиз.**

**Рекорд даражадаги кенгайиш: 32 дан 48 та жамоагача...**

**ЖЧ-2026нинг энг катта инқилоби – иштирокчилар сонининг 48 тагача кўпайтирилиши бўлди. Бу ФИФА президенти Жанни Инфантинонинг ташаббуси билан амалга оширилиб, узоқ йиллар давомида амал қилган 32 жамоалик анъанавий форматга чек қўйди.**

**Янги формат:** Эндиликда жамоалар 12 та гуруҳга 4 тадан тақсимланади.

**Плей-офф интригаси:** Гуруҳда 1 ва 2-ўринни эгаллаганлар билан бир қаторда, энг яхши натижа кўрсатган 8 та 3-ўрин соҳиблари ҳам кейинги босқичга йўл олади.

**Янги босқич:** Плей-оффга илк бор 1/16 финал босқичи қўшилди. Бу эса курашнинг янада шиддатли бўлишини ва кутилмаган натижалар (сенсациялар) эҳтимолини кес-кин оширади.

### Учта мезбон ва ўйинлар географияси

Тарихда илк бор Жаҳон чемпионати бир йўла учта мамлакат – АҚШ, Мексика ва Канада ҳудудларида бўлиб ўтади. Овоз бериш жараёнида ушбу учлик Марокаш даъвогарлигини йирик фарқ билан (134 га қарши 65 овоз) ортда қолдирди. Мусобақа давомида жами 16 та шаҳар ўйинларни қабул қилади:

**АҚШ (11 шаҳар):** Энг кўп – 78 та учрашувга мезбонлик қилади.

**Мексика (3 шаҳар) ва Канада (2 шаҳар):** Ҳар бири 13 тадан ўйинни ўз майдонларида ўтказади.

**Тарихий факт:** Мексикадаги афсонавий **“Ацтека”** стадиони (сиғими 87 523 томошабин) футбол тарихида учта Жаҳон чемпионатига (1970, 1986 ва 2026) мезбонлик қилган ягона аренага айланади. Қизиғи

шундаки, АҚШ 1994 йилги ЖЧда фойдаланган стадионларнинг бирортаси бу сафар рўйхатга киритилмаган – инфратузилма тўлиқ янгиланган.

**Тақвим ва инфратузилма**

Турнир июнь ва июль ойларида бўлиб ўтади. Очилиш ўйини 11 июнга, финал учрашуви 19 июлга белгиланган.

Ўйинлар ўтказиладиган стадионларнинг сиғими ва замонавийлиги жиҳатидан АҚШ ареналари (масалан, **Метлайф** – 82 500, **Эй-ти-энд-ти** – 80 000, **Соу-Фай** – 70 240) молиявий ва томошабин ташрифи бўйича янги рекордларни ўрнатиши кутилмоқда. Тақвимнинг зичлиги ва қитъалараро парвозлар жамоаларнинг жисмоний ҳолатига ва логистикага катта босим юклайди.

**Гуруҳлар ва Ўзбекистон миллий терма жамоасининг тарихий дебюти**

Қуръа натижаларига кўра шаклланган гуруҳлар таркиби қуйидагича кўриниш олган:

*A гуруҳи:* **Мексика, ЖАР,**
**Жанубий Корея, Чехия**
*B гуруҳи*: **Канада,**
**Швейцария, Қатар,**
**Босния** ва **Герцеговина**
*C гуруҳи*: **Бразилия,**
**Марокаш, Гаити, Шотландия**
*D гуруҳи*: **АҚШ, Парагвай,**
**Австралия, Туркия**
*E гуруҳи*: **Германия,**
**Кюрасао, Кот-д’Ивуар,**
**Эквадор**
*F гуруҳи*: **Нидерландия,**
**Япония, Тунис, Швеция**
*G гуруҳи*: **Бельгия,**
**Миср, Эрон, Янги Зеландия**
*H гуруҳи*: **Испания,**

**Кабо-Верде,**
**Саудия Арабистони, Уругвай**
*I гуруҳи*: **Франция, Сенегал,**
**Норвегия, Ироқ**
*J гуруҳи*: **Аргентина,**
**Жазоир, Австрия, Иордания**
*K гуруҳи*: **Португалия,**
**Колумбия, Ўзбекистон,**
**Конго ДР**
*L гуруҳи*: **Англия,**
**Хорватия, Гана, Панама**

**Ўзбекистон учун тарихий имконият**

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўз тарихида илк бор Жаҳон чемпионатининг финал босқичига йўл олди ва К гуруҳидан жой олди.

**Рақиблар:** Криштиану Роналду етакчилигидаги Португалия, Жанубий Америка грандларидан бири – Колумбия ва Африканинг жисмонан бақувват Конго Демократик Республикаси жамоаси.

**Ўйинлар тақвими:** Ўзбекистон ўз юришини 18 июнь куни Мехикодаги афсонавий “Ацтека” стадионида Колумбияга қарши ўйин билан бошлади. Сўнгра Хьюстонда Португалия билан куч синашади ва гуруҳ босқичини Атлантада Конгога қарши ўйин билан якунлайди. **3-ўринни олган тақдирда ҳам плей-оффга чиқиш мумкинлиги терма жамоамизнинг кейинги босқичга ўтиш умидини беради.**

Ушбу турнир ўзининг янги формати, улкан стадионлари ва кутилаётган шиддатли плей-офф баҳслари билан футбол тарихида янги саҳифа очади. Шубҳасизки, у энг кўп томоша қилинган ва муҳокама этилган чемпионатга айланади.

***Манба: xabar.uz***

## М У Н Д А Р И Ж А

**БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ** ------------------------------------------------------------ 3

### ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ**............................................4
**ЮРТ ҚАЙҒУСИДА 365 КУН** ..........................................................................7
**Олимжон АХМЕДОВ.** Ўзаро хамкорлик ва дўстлик алоқалари.........................10
**Olimjon AXMEDOV., Jo'rabek MUXTOROV., A'zamjon VAXIDOV.**
Bezorilik jinoyatining kriminologik tahlili..................................................................27

### ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

**Султонмурод ОЛИМ**. Асосий қонунимизда давлатнинг дунёвийлик моҳияти (дин ва мафкура муносабатлари) ...................................................................39
**Bahodir ULUGBEKOV.** Voyaga yetmaganlar o'rtasida nazoratsizlik va huquqbuzarliklar profilaktikasiga doir faoliyatidagi ayrim jihatlari …………………..51
**Рустам ДЖУРАБАЕВ.** Особенности криминалистической тактики совершивших преступления, составляющие незаконный оборот наркотических средств или психотропных веществ………………………………60
**Джалолиддин ДЖУМАБОЕВ.** Нравственные основы формирования патриотического сознания молодых сотрудников органов внутренних дел.........70
**Яшин ХЎЖАЕВ.** Миллий контент – ҳаётимиз кўзгуси.......................................80
**Амрилло КАРИМОВ.** Стартапни қўллаб-қувватлаш истиқбол учун нима беради?.........................................................................................................................88

### ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР

**O'rol SAIDOV.** Yo'l harakati xavsizligida raqamli transformatsiyaning o'rni va roli……………………………………………………………………....91
**Qudrat YULDASHEV.** Korrupsiya – taraqqiyot kushandasi..............………..…..98
**Музаффар САЙФУЛЛАЕВ.** Маданият муассасаларини модернизация қилиш ва бошқарув самарадорлиги хусусида.........................................……103
**ХАСТАЛИКЛАР НЕГА "ЁШАРИБ" БОРМОҚДА? (**Барвақт қаришнинг оқибатлари ва олдини олиш чоралари хусусида)................................................110
**ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ – 2026.** Тарихий чемпионатнинг 4 та муҳим жиҳати...............................................................................................114

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

# АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий
ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

№ 2 (16) 2026

Босишга рухсат этилди: 27.06. 2026. Буюртма № 181
Қоғоз бичими 60x84 $^{1/32}$. Шартли б. т.-7,8.
Адади 100 нусхада чоп этилди.
100213, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани,
Ҳ.Бойқаро кўчаси, 27 а уй.